
II боб. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

3-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги.

Умумий қоидалар

Ҳаракат тартибини таъминлашда қоидаларнинг аҳамияти ва умумий тузилмаси

Тез ҳаракатланиб кетаётган автомобилни таққа тўхтатиб бўлмаслигини ҳамма яхши билади, лекин ҳаракат иштирокчилари айрим ҳолларда ўз имкониятларини тўғри ҳисобга ололмайдилар. Йўлларда содир бўлаётган деярли барча фалокатларнинг сабаби айнан шунда. Бунга йўл қўймаслик мақсадида автомобилни яратган инсон йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ҳам ўйлаб топди. Авваллари йўлларда ҳаракатланиш иштирокчилари ҳисобланган отликлар, извошчилар, кейинроқ пиёда ва ҳайдовчилар бир-бирларига хавф туғдирмаслик мақсадида ана шу қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилганлар. Вақт ўтиши билан бу қоидалар такомиллашиб, тўлдириб борилган.

Қоидалар тарихига назар солсак, улар асосан пиёдаларнинг манфаатларини ўйлаб, извошчи ва машина ҳайдовчиларининг пиёдаларга етказиши мумкин бўлган шикастланишлардан ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган.

Масалан, 1683 йил 3 январда Россия подшоҳининг фармони эълон қилинган. Унга кўра, сарой одамларини кузатиб бораётган отликларнинг фаэтонга йўл очиш мақсадида ўткинчиларни қамчилашлари тақиқланган. Шу фармоннинг ўзида йўлларда тартиб ўрнатиш чоралари баён қилинган ва извошчиларни «отни чоптириб» юргани учун жазолаш буюрилган. Уларни хивчин ва таёқлар билан уриб, ҳаддан ошганларини эса «умрбод яшаш учун» чекка шаҳарларга сургун қилганлар.

1720 йилда Санкт-Петербург генерал-полицмейстери «жиловланган отларда эҳтиёткорлик билан юриш», бу қоидаларга риоя қилмаган кишиларни эса хивчин билан уриш ёки сургун қилиш ҳақида фармон чиқарган. 1730 йилда эса императрица Анна Ивановнанинг фармони эълон қилинди. Фармонда олатаъсир ҳайдаган извошчиларнинг қамалиши, ҳаддан ошганларга эса савалаб жазо берилиши, помешчиклардан жарима ундирилиши белгиланган эди.

Ўн саккизинчи асрга келиб транспорт воситаларининг тури кўпайди. Йўлларда кареталар, тўрт ғилдиракли енгил аравалар, катта соябон аравалар, файтонларнинг ҳаракати ортиб борди. Йирик шаҳарларда ҳаракатни тартибга солишга уринишлар пайдо бўлди. Ўша вақтлардаёқ ҳозирги қоидаларнинг илк кўринишлари яратилган эди. Масалан, йўлнинг ўнг томонидан юриш, тезликни чеклаш, фаэтон ва араваларнинг тўхтаб туриш жойларини белгилаш, шунингдек, уларнинг бекаму кўстлигига бўлган талаблар эди. Қоидаларни бузган кишиларга тан жазоси берилар, шаҳарлик бойлардан эса жарима ундирилар эди. Бироқ қоидаларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашдан то уларни ҳаётга татбиқ этгунча, айниқса, уларнинг мажбурий бажарилишигача кўп вақт ўтиб кетди.

Автомобилларнинг пайдо бўлиши билан йўлларда ҳаракатланиш қоидалари ҳаётий заруратга айланди ва ниҳоят, 1893 йил 14 августда Францияда, 1896 йилда Англия ва бошқа давлатларда бу қоидалар жорий қилинди.

1897 йилда Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари Думалари автоматик экипажлар учун махсус қоидалар ўрнатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Орадан уч йил ўтгач, Санкт-Петербург шаҳар Думаси «Санкт-Петербург шаҳри бўйича йўловчилар ва автомобилларнинг ҳаракат тартиби тўғрисида мажбурий қарор»ни тасдиқлади.

XX асрдан «Ўзи ҳаракатланадиган экипажлар» асри бошланди. Бу экипажлар бутун жаҳон бўйлаб кезар эди. Аммо Москва қоидалари Париж қоидаларидан тубдан фарқ қилар эди. Шу боис, йўлларда ҳаракатланиш бўйича халқаро битимни ишлаб чиқиш зарурати туғилди. 1909 йилда Парижда ўн олти давлат автомобилларнинг ҳаракатланиши тўғрисидаги халқаро Конвенцияни имзолади. Бу турли мамлакатларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари учун асос бўлди. 1912 йилда эса Москва шаҳар Думаси «Москва шаҳрида автоматик экипажларнинг ҳаракат тартиби ҳақидаги мажбурий қарорлар»ни қабул қилди. Бундан кўзланган мақсад ҳаракатланишни тартибга солиш ва йўлларда хавфсизликни таъминлаш эди. Қоидаларда ҳаракатланишнинг энг юқори тезлиги белгиланган бўлиб, оғир экипажлар учун соатига 12 чақирим (1 чақирим-1,0668 км), қолган экипажлар учун 20 чақирим эди. Шу билан бирга, ўнг томонлама ҳаракатланиш белгилаб қўйилиб, транспортнинг техник ҳолатига қўйиладиган талаблар аниқлаштирилганди.

XX аср бошларида Россияда автомобиллар унчалик кўп бўлмай, борлари ҳам асосан чет эл автомобиллари эди. Аммо машиналар сони тез ўсиб борди. Бу эса йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш билан шуғулланувчи идораларга нисбатан эҳтиёжни юзага келтирди. 1919 йилнинг августида Москва шаҳар Кенгашининг қарори билан «Автомобиль инспекцияси» ташкил этилди.

1920 йил 10 июнда Москва ва унинг атрофида автотранспорт воситалари ҳаракатини тартибга солувчи декрет имзоланди. Унга кўра, автомобиль ҳайдовчиларига тезликни соатига 25 чакиримдан ошириш ман қилинди. Улардан чорраҳалардан ўтиш тартибига қатъий риоя қилиш ва ҳаракат вақтида фақат ўнг томондан юриш талаб қилинди. Йўлнинг чап томонидан юриш, тор жойларда қувиб ўтиш, йўлни бурчак қилиб кесиб ўтиш тақиқланди. Ҳаракат тезлиги фақат ўт ўчирувчи машиналар учунгина чекланмаган эди. Бу ҳужжат йўл ҳаракатини ташкил этишда асос бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, дастлаб ягона қоидалар бўлмаган. Айрим қоидаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш маҳаллий ҳокимият идораларининг ихтиёрида эди. Дастлабки туркум қоидалар 1940 йилга келиб тасдиқланди. Шундан сўнг мамлакатнинг барча шаҳарларида қоидалар анча мувофиқлаштирилди, лекин 1957-1959 йилларда ҳам улар собиқ иттифокнинг ҳар бир республикасида бир-биридан фарқ қилар эди.

Шаҳар кўчалари, аҳоли яшайдиган пунктлар ва йўлларда ҳаракатланишнинг ягона қоидалари 1961 йилда жорий қилинди. 1949 йилги Конвенция қарорлари уларнинг асосини ташкил этди. 1965 йилда баъзи бир ўзгартиришлар киритилгандан кейин бу қоидаларга 1973 йилга қадар амал қилинди.

Бироқ барчани қаноатлантирадиган қоидани яратиш жуда қийин, чунки тараққиётни тўхтатиб бўлмайди: машиналарнинг янги русумлари вужудга келмоқда, катта тезликда юриладиган магистраллар қурилмоқда, йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш учун ёрдам берувчи махсус қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса йилдан-йилга қоидаларга замон талаблари асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришни тақозо этади. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларига 1975, 1976, 1980, 1987, 1994, 2001 ва 2015 йилларда тузатишлар киритилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач бу жараён замонавий талаблар, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган янги,

йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Шу тариқа 1994 йил амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» ва 1968 йилги Конвенция ҳужжатлари ҳамда бошқа манбалар асосида собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб, она тилимизда «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг янги таҳрирдаги матни тайёрланган эди. 2001 йилги қарор жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари билан деярли бир хил, чунки мазкур қонун йўл белгилари ва ишоралари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга асосланган.

2015 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 370-сонли қарорига асосан 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди¹.

Табиийки, вақт ўтган сайин қоидаларга ҳам зарур ўзгартиришлар киритилади, йўлларда ҳаракатланиш доирасида амал қилувчи ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатлари мустаҳкамланади. Бу қонун ҳаракат иштирокчиларининг масъулиятини оширади ва интизомни мустаҳкамлайди ҳамда мамлакатда автомобилларнинг тобора кўпайиб бориши натижасида келиб чиқадиган барча қийинчиликларни камайтиришга имкон беради.

Умумий қоидалар

Йўл ҳаракати қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг *ўнг томонлама* ҳаракатланиш тартиби белгиланган.

Шу боис, ҳаракат вақтида пиёдаларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам ўнг томондан ҳаракатланишига одатланиб қолганмиз. Бироқ ҳаракатнинг ўнг томонлама принципини ташкил қилиш ва жорий этиш учун анчагина вақт ҳамда куч талаб этилган. Эндиликда қоидага айланган бу одат бизга узоқ вақтлардан етиб келган.

Ўнг томонлама ҳаракатланиш илк бор Францияда жорий қилинган. Рицарлик мусобақаларида ишлаб чиқилган, отлиқларнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м.

ўз рақибининг чап ёнини қалқон билан тўсиб кутиб олиш тартиби 1789 йилда бўлиб ўтган инқилобдан сўнг қонун билан мустаҳкамланган.

Бироқ Англия, Япония, Австралия ва баъзи бошқа мамлакатларда чап томонлама ҳаракатланиш ташкил этилган. Бу рўйхатда Англиянинг биринчи бўлиб туриши бежиз эмас. Айнан шу мамлакат чап томонлама ҳаракатланишни бошлаб берган ва қатор давлатларда шундай қоидаларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатган. Россияда ҳам XX аср бошларида ҳаракатланиш чап томонлама бўлган, чунки автомобилларнинг бошқаруви ўнг томонда жойлашган эди.

Кишиларга ўз одатларини тарк этишлари қанчалик қийин бўлмасин, барча мамлакатларнинг ягона ҳаракатланиш принципи ҳақидаги битим талабларига амал қилишга тўғри келди. АҚШ Британиянинг мустамлакаси бўлганлиги сабабли унда автомобиллар чап томондан ҳаракатланар эди. Бу ерда ҳаракатланишнинг ўнг томонлама бўлишига французлар ёрдам беришган. Чап томонлама ҳаракатланиш тартиби Канадада 1920 йилгача, Хитойда эса 1946 йилгача амалда бўлган.

Европа давлатларида ҳам машиналарнинг ўнг томонлама юришига ҳамма ерда бир вақтда ўтилган эмас. Австрия-Венгрия монархияси барбод бўлгандан кейин Чехословакия, Венгрия, Югославияда чап томонлама ҳаракатланиш тартиби тақиқланган.

Агар ҳаракатланишнинг бирор турига одатланган ҳайдовчилар тескари ҳаракатланиш тартиби жорий этилган бошқа мамлакатга келиб қолсалар, йўл-транспорт ҳодисасидан холи бўлишлари жуда қийин. Масалан, Швеция ҳукумати ўз мамлакатадаги ҳаракатланишнинг ўнг томонлама қилиб ўзгартиришга мажбур бўлди, чунки кўпчилик йўл-транспорт ҳодисалари чет эллик сайёҳлар томонидан содир этилар эди. Шведларнинг ўзлари ҳам мамлакатдан ташқарига чиққанларида кўпинча йўл-транспорт ҳодисаларига сабабчи бўлардилар.

Аммо ушбу тартибни ўзгартириш нафақат психологик, балки моддий жиҳатдан ҳам қийиндир. Шведлар 1967 йилда ҳаракатланишни ўзгартириш учун 600 миллион крон ажратдилар. Маблағ, асосан умумий транспорт бекатларини қайтадан тиклаш, йўл белгиларининг ўрнини алмаштириш, йўлларда ҳаракатланишнинг янги чизмасини ишлаб чиқишга сарфланди, лекин пиёда ва ҳайдовчиларнинг онгига янги тартиб-қоидаларни сингдириш жуда қийин

кечди. Ҳамма ерда махсус машғулотлар ўтказилди. Бу ишда полицияга аскарлар ёрдам берди. Дастлаб, одатдагига қараганда анча секин ҳаракатланишди, бироқ жиддий қоида бузилишлари содир бўлмади.

Исландия ҳам шведлардан ўрнатқ олди. Бироқ Европа давлатлари орасида фақат Англия одатланган ҳаракатланиш тартибидан воз кечмади. Бу масала Англия парламентида бир неча бор кўтарилди, аммо иш миллиард фунт-стерлингга бориб тақалаётганлиги сабабли ҳанузгача ҳал этилгани йўқ.

Йўлнинг қайси тарафидан ҳаракатланиш принципиал жиҳатдан шунчалик муҳимми? Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳаракатланишнинг хавфсизлиги ёки ҳар томонлама қулай бўлиши учун унинг тури алоҳида аҳамиятга эга эмас. Ҳамма гап ўрганишда. Муаммони келтириб чиқарадиган нарсаси асосан бир турдаги ҳаракатланишдан бирданига бошқа турдаги ҳаракатланишга ўтишдир.

Бироқ қоидаларимизда истисно ҳолатлар ҳам бор. У пиёдаларнинг аҳоли пунктларидан ташқарида ёки пиёдалар учун махсус йўлаклар бўлмаган жойларда ҳаракатланишга тааллуқлидир. Бундай вазиятларда кишилар қаршидан келаётган автомобилларни яхшироқ кўриш ва олдиндан эҳтиёт чораларини белгилаш учун йўлнинг чап томонидан юришлари зарур.

Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари (ушбу қоидаларга 1-илова), йўл чизикларининг (ушбу қоидаларга 2-илова) талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қопламасини бузиш ёки ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш тақиқланади.

Ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг

иложи бўлмаса, мавжуд барча воситалар билан хавф-хатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огоҳлантириши ва ички ишлар органларига (кейинги ўринларда ИИО) хабар бериши шарт.

Мазкур Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Йўл ҳаракати қоидаларида фойдаланиладиган асосий тушунча ва атамалар

Автомагистрал – 5.1. йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ажратувчи бўлак билан ажратилган (у бўлмаганда йўл тўсиқлари билан) ҳамда бошқа йўллар, трамвай ва темир йўллари, пиёда ва велосипед йўлчалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл.

5.1. «Автомагистрал»



5.2. «Автомагистралнинг охири»



Автопоезд – улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби.



Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Велосипед – одам кучи билан ҳаракатлантириладиган (ногиронлар аравачасидан ташқари) икки ёки ундан ортиқ ғилдиракли транспорт воситаси.

Транспорт воситасининг эгаси – транспорт воситасига мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ҳайдовчи – йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади.

Мажбурий тўхташ – техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш.



Асосий йўл – тупроқли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт ва цемент-бетонли, тош ва шунга ўхшашлар ётқизилган), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1-2.3.3 ёки 5.1 йўл белгилари билан белгиланган ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг

бевосита чорраҳага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди.

Арава – от (ёки бошқа ҳайвонлар)га қўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган двигатель билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма.

Йўл – транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўллари хамда тротуарларни ўз ичига олади.

Йўл ўз ичига автомобиль йўллари (умумий фойдаланишдаги ва идоравий автомобиль йўллари), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек, шаҳар электр транспорти йўллари олади.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Махсус транспорт воситалари (автогидрокўтаргич, автокран каби-лар) ишлаб турган ҳолатда содир бўлган ҳодиса йўл-транспорт ҳо-дисаси эмас, балки техник хавфсизликка риоя қилмаслик ҳисобланади.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатла-ниши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Темир йўл кесишмаси – йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи.

Йўналишли транспорт воситаси – белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умум фойда-ланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, трамвай, автобус, йўналишли такси).

Механик транспорт воситаси – двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзинюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир.

Мопед – иш ҳажми 50 см^3 гача, юқори тезлиги соатига 50 кило-метрдан ошмайдиган двигатель билан ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Осма двигателли велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган бошқа транспорт воситалари ҳам мопедларга тенглаштирилади.

Мотоцикл — кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси.



Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ва тўрт ғилдиракли механик транспорт воситалари, шунингдек двигателининг иш ҳажми 50 см^3 дан ёки энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ бўлган скутер, квадроцикл, электроскутерлар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади.

Аҳоли пункти — кириш ва чиқиш йўллари 5.22-5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд.

5.22. «**Аҳоли пунктининг бошланиши**»

5.23. «**Аҳоли пунктининг охири**»

5.22-5.23 (асоси оқ рангли) белгилар оралиғидаги ҳудудда йўл ҳаракати қоидаларининг аҳоли пунктида ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинади.

5.24. «**Аҳоли пунктининг бошланиши**»



5.25. «**Аҳоли пунктининг охири**»

5.24 – 5.25 (асоси кўк рангли) белгилар оралиғида.



Етарлича кўринмаслик — ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши.

Қувиб ўтиш — эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларини олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият.

Йўл ёқаси — йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи.

Пиёдаларнинг ташкилий жамланмаси – ЙХҚнинг 16-банди талабларига мувофиқ, йўлда бир йўналишда биргаликда ҳаракатланаётган одамлар гуруҳи.

Транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси – олдида ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ маёқчаси ёқилган транспорт воситаси кузатиб бораётган, бевосита бири-бирининг кетидан, битта ҳаракатланиш бўлагида, чироқларини доимий ёқиб келаётган, уч ва ундан ортиқ механик транспорт воситалари гуруҳи.

Болалар гуруҳини ташкилий ташиш – йўналишли транспорт воситаларига дахли бўлмаган автобусларда саккиз ва ундан ортиқ болаларнинг ташкилий ташилиши.

Тўхташ – транспорт воситаси ҳаракатини 10 дақиқагача бўлган муддатга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).

Йўловчи – транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс.

Чорраҳа – йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи.

Чорраҳа чегараси унинг марказидан қатнов қисмлари охиридаги қарама-қарши томонларнинг энг узоқ бурила бошлаган жойларини туташтирувчи тасаввур қилинадиган чизиқлар билан аниқланади.

Ёндош ҳудудлардан чиқиш жойлари чорраҳа ҳисобланмайди.

Огоҳлантирувчи ишоралар – авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек ҳаракат йўналишини ўзгартиришда қўлланиладиган ишоралар.

Пиёда – транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс.

Велосипед, мопед, мотоцикл, чана, арава ва болалар ҳамда ногиронлар аравачасини етаклаган, ногиронларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган шахслар ҳам пиёда ҳисобланадилар.

Пиёдалар ўтиш жойи – йўл қатнов қисмининг пиёдалар кесиб ўтиши учун мўлжалланган, 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1 – 1.14.3 йўл чизиқлари билан ажратилган бўлаги.

Йўл чизиқлари бўлмаса, пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2 йўл белгилари орасидаги масофа билан аниқланади.



5.16.1.



5.16.2.

«Пиёдалар ўтиш жойи»

1.11.1.-1.14.2. Параллел чизилган кенг узлуксиз чизиклар, яъни «зебра» пиёдаларнинг ўтиш жойини билдиради. «Пиёдалар ўтиш жойи» (5.16) ахборот-ишора белгиси билан қўлланилиши мумкин. Йўлнинг бундай жойларида ҳайдовчи шу йўналишнинг қатнов қисмида бўлган пиёдаларни ўтказиб юбориши керак (ЙЎҚнинг 16-банди).



1.14.3. Светофор ёрдамида тартибга солинадиган пиёдаларнинг ўтиш жойи. Светофорнинг қизил чироғи яшилга алмашиб, пиёдалар қатнов қисмини тарк этишга улгурмаган бўлса, ҳайдовчи пиёдаларнинг шу йўналиш бўйича ўтиб боришларига имкон бериши керак.

Агар чизиклар бўлмаса, пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2 белгилари орасидаги масофа билан аниқланади.

Пиёдалар йўлкаси – йўлнинг пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми.

Пиёдалар йўлкаси тротуардан фарқли ўлароқ йўлга туташ ёки йўл ёқасида эмас, балки йўл билан бирон-бир манзил оралиғини туташтириб, 4.6 белгиси билан белгиланади. Баъзан пиёдалар йўлкаси икки йўлни туташтириши мумкин.

Ёндош ҳудуд – бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ҳовлилар, турар жой даҳалари, автомобиль тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, корхона ва шунга ўхшашлар).

Имтиёз – мўлжалланган йўналишда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан олдин ҳаракатланиш ҳуқуқи.

Тиркама – механик транспорт воситаси таркибида ҳаракатланишга мўлжалланган, двигатель билан жиҳозланмаган транспорт воситаси. Бу атама ярим тиркама ва узайтириладиган тиркамаларга ҳам тааллуқлидир.

Қатнов қисми – йўлнинг рельсиз транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган қисми.

Ҳаракатланиш бўлаги – автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун етарлича кенг бўлган, йўл чизиқлари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама бўлаги.

Ажратувчи бўлак – йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан баланд ва (ёки) 1.1 ётиқ чизиғи билан белгиланган қисми.

Рухсат этилган тўла вазн – аслаҳаланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган, юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги энг юқори вазни (ўлчови).

Бир таркибда ҳаракатланаётган (тиркама ва ҳ.к.) транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнига шу таркибга кирувчи транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнлари йиғиндиси киради.

Реверсив ҳаракат – йўл қатнов қисмининг махсус ажратилган, 5.35-5.37 йўл белгилари, 1.9 йўл чизиғи билан белгиланган ва устида реверсив светофор ўрнатилган бўлагида ҳаракат йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши.

Тартибга солувчи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙҲХХ), ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, ушбу Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган, йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишмаси ва сол кечувларидаги навбатчилар. Тартибга солувчи махсус кийим ва (ёки) таниқлик белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт.

Йўл бериш – йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзи бўлган бошқа йўл ҳаракати қатнашчисининг ҳаракат йўналиши ёки тезлигини ўзгартиришга мажбур этиши мумкин бўлган ҳолларда ҳаракатни давом эттирмаслигини ёки бошламаслигини, бирор-бир манёвр бажариши мумкин эмаслигини билдирувчи талаб.

Йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.

Транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

Тротуар – қатнов қисмига туташган ёки ундан майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисми.

Тўхтаб туриш – транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш.

Қоронғи вақт – кечки ғира-ширанинг охиридан тонгги ғира-ширанинг бошланишигача бўлган ораликдаги вақт.

Ҳақиқий вазн – транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги вазни.

Фото ва видео қайд этиш – йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео техник воситалари ёрдамида қайд этиш.

4-§. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг вазифалари

Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари

Сиз транспорт воситасини бошқариб ишга ёки бирор жойга кетаётганингизда ўз яқинларингиздан «Йўлингиз беҳатар бўлсин!» деб тилак билдирганлигини кўп эшитгансиз, лекин бу сўз қанчалик теран маъно англатишини биласизми? Инсон транспорт воситасини бошқариши билан ҳайдовчига айланади. Демак унга юксак масъулият юкланади, чунки унинг арзимас хатоси нафақат ўзига, балки олиб кетаётган йўловчи, ҳатто пиёдаларнинг ҳаётига ёки соғлиғига жиддий хавф солиши мумкин.

Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт:

➤ ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани;

➤ вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;

➤ транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

➤ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини;

➤ қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини.

Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига, вақтинчалик рухсатномага эга бўлган шахс, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин, агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс суғурта полисида кўрсатилган бўлса.

Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши шарт.

Қуйидаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади:

➤ автомобилнинг орқа ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган болалар;

➤ транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автото-транспорт воситасини ёки шахар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструктори;

➤ ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;

➤ орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;

➤ аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналишли такси ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;

➤ аҳоли пунктларида ташқи қисмига махсус рангли график чизмалар чизилган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.

Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт.

Халқаро йўл ҳаракатида иштирок этаётган механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида йўл ҳаракати ҳақидаги Конвенция талабларига мос келадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва транспорт воситасининг (тиркама бўлса унга ҳам) рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат, транспорт воситасида (тиркама бўлса унда ҳам) рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ва у рўйхатдан ўтган давлатнинг таниқлик белгиси бўлиши шарт.

Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир:

- йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши;
- ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши;
- ҳаракатланишни бошлашдан олдин йўловчилар транспорт воситасида жойларини эгаллаганлигига, транспорт воситасининг эшиклари ёпилганлигига, йўловчилар ташиш учун махсус жиҳозланган юк автомобилларида йўловчилар ташиётганда, ЙХҚнинг 24-банди талаблари бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши;
- ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;

Йўловчиларни қуйидагилар ҳақида огоҳлантириши:

- ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (кўлдан ташқари) чиқариш тақиқланганлиги;
- транспорт воситаси ҳаракатланишни бошланишидан олдин хавфсизлик камарини тақиш (ЙХҚнинг 9-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётганда эса махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги;
- сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда мажбурий тўхтаган транспорт воситасининг ҳайдовчиси таъмирлаш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига чиқишдан олдин нур қайтаргичли махсус жилет кийиб олиши (енгил ва юк автомобили, автобус ва ғилдиракли тракторлар ҳайдовчилари);
- ИИО ходимларининг талабига кўра мастлик ҳолатини аниқловчи махсус текширувдан ўтиши;

Қуйидаги ҳолларда транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиши:

- ИИО ходимларига қонунда белгиланган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун, шунингдек йўл-

транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобилдан);

➤ йўлакай йўналишда тиббий ёрдам кўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига ҳамда зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун.

Транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиш талаби фуқароларга тегишли (тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатидан ташқари) транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исми-шарифи, мансаби, иш жойи номини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда тегишли намунадаги маълумотномани ёзиб бериши керак.

Транспорт воситаларини текшириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

Ҳайдовчига қуйидагилар тақиқланади:

➤ транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва ҳ.к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш;

➤ ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бўлган, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган, йўл варақасида ёки транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида исм-шарифи кўрсатилмаган (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳоллардан ташқари) шахсларга транспорт воситасини бошқариш учун топшириш;

➤ тормоз тизими, рул бошқаруви ишламаётган, улагич мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлган, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмайдиган шароитда – олд чироқлар ва орқа габарит

чироқлари бўлмаган ёки ёнмаётган, ёмғир, қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламаётган транспорт воситаларини бошқариш;

➤ тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига махсус техник жиҳоз (рация, сирена ва шу кабилар)лар ўрнатиш;

➤ транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси, шу жумладан пиёдалар жамланмалари ҳаракатига ҳалақит бериш ва улар орасига кириш;

➤ транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган теле-, видеомонитордан теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш;

➤ транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан, приборлар панелига, қуёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига (фақат ташқи кўринишни тасвирга оладиган видеокамера, навигатор, видеорегистраторлардан ташқари, агар улар ҳайдовчига кўринишни чекламаса) теле, видео мониторлар ўрнатиш.

Ҳаракатланиш вақтида ЙХҚнинг 3-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар юзага келганда, ҳайдовчи уларни бартараф этиши, агар бунинг иложи бўлмаса, зарур бўлган эҳтиёт чораларини кўриб, таъмирлаш ёки тўхтаб туриш жойига етиб олиш учун ҳаракатланиши мумкин¹.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари

Автомобиллаштириш жамиятнинг иқтисодий юксалишига ижобий таъсир қилиш билан бирга қатор салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Буларга атроф-муҳитнинг ифлосланиши, нефть маҳсулотлари танқислигининг ошиши, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида инсонларнинг ҳалок бўлишлари ёки узоқ вақт тўшакда ётиб қолишлари, моддий зарар кабилар киради.

Йўл-транспорт ҳодисаси том маънода фожеа. Хўш бу фожеанинг олдини олиш мумкинми? Йўл-транспорт ҳодисаси содир этил-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚга 3-илова).

са, унга дахлдор бўлган ҳайдовчи ўзини қандай тутиши ва нималар қилиши керак? Келинг бир чеккадан кўриб чиқайлик.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришлари шарт (1-схема):


➤ транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгисини ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги;

➤ шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда кутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлақай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;

➤ агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилса қатнов қисмини бўшатиши. Қатнов қисмини бўшатиш ёки шикастланганларни ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш зарур бўлганда, йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар аввало транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириш, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларни кўриши;

➤ ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши.

Агар йўл-транспорт ҳодисасида шикастланганлар бўлмаса ва ҳайдовчилар ҳодисага баҳо беришда ўзаро келиша олсалар, дастлабки ҳодиса чизмасини чизиб, уни имзолаб, яқин орадаги ДЙХХХ маскани ёки ИИОга боришлари мумкин.



1-схема.

Пиёдаларнинг мажбуриятлари

«Пиёда, умринг бўлсин зиёда!» Бундай сўзлар битилган шиорларни сиз ЙПХ масканларида, шахримиз кўчаларида кўп кўргансиз, чунки пиёда ҳам йўл ҳаракати иштирокчиларидан бири бўлиб, унга ҳам бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари, транспорт воситаси ҳайдовчиси, йўловчи каби интизом ва улкан масъулият юкланган.

Пиёдалар тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан юришлари керак. Ҳажми катта юкларни олиб кетаётган пиёдалар, шунингдек ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган шахсларнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкасидан ҳаракатланиши бошқа пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган бўлса, улар қатнов қисмининг четидан ҳаракатланишлари мумкин.

Тротуар, пиёдалар йўлкаси, йўл ёқаси бўлмаса ёки улардан юришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда пиёдалар велосипед йўлкасидан ёки қатнов қисмининг четидан (ажратувчи бўлаги бор йўлларда қатнов қисмининг ташқи четидан) бир қатор бўлиб юришлари мумкин.

Қатнов қисмининг четида ҳаракатланаётган пиёдалар транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда юришлари керак. Ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган, мотоцикл, мопед, велосипед етаклаб кетаётган шахслар эса бундай ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб юришлари керак.

Пиёдалар йўлкасида, тротуарда, йўл ёқасида пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит берадиган қурилма ва тўсиқлар ўрнатиш тақиқланади.

Пиёдаларнинг ташкилий жамланмасига йўлнинг қатнов қисмида бир қаторда тўрт кишидан ортиқ бўлмасдан, фақат транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб ўнг томондан юришга рухсат этилади.

Жамланманинг олди ва орқасида чап томондан қизил байроқча, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида эса олдинда оқ, орқада қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлиши керак.

Болалар гуруҳини тротуарлар ва пиёдалар йўлкаларидангина, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан фақат кундузи ва катта ёшдагилар кузатувида олиб юришга рухсат этилади.

Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиклари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдаларга кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи бўлаксиз ва тўсиқсиз йўллардан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишларига рухсат этилади.

Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёдалар тартибга солувчининг ёки пиёдалар светофорларининг, улар бўлмаганда эса транспорт светофорларининг ишораларига амал қилишлари керак.

Ҳаракат тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида, пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаларигача бўлган масофани ва уларнинг тезлигини чамалаб кўриб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмига чиқишларига рухсат этилади.

Шунингдек, улар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳалақит бермасликлари, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўринишни чекловчи, тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмасликлари керак.

Йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле-, видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади.

Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олди томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса йўлнинг қатнов қисмига чиққан пиёдалар ушланиб қолмасликлари ва тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттиришлари мумкин.

Ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ва махсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмас-

ликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.

Йўналишли транспорт воситаларини фақат қатнов қисмидан баланд жойлашган кутиш майдончаларида, улар бўлмаганда эса, тротуар ёки йўл ёқасида кутишлари керак. Қатнов қисмидан баланд жойлашган майдончалар билан жиҳозланмаган бекатларда йўналишли транспорт воситалари тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Қатнов қисми бўйлаб бекатларга бораётган ёки ундан қайтаётган пиёдалар ушбу ЙХҚнинг 18-21-бандлари талабларига амал қилишлари керак¹.

Йўловчиларнинг мажбуриятлари

Йўловчилар транспорт воситасига фақат у тўла тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси томондан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар.

Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томондан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда, агар бу ҳаракат хавф туғдирмаса ёки бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаса йўлнинг қатнов қисми томонидан амалга оширилиши мумкин.

Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:

- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда ҳайдовчини бошқаришдан чалғитиш ва унга ҳалақит бериш;
- ҳаракатланаётган бортли юк автомобилларида тик туриш, бортларда ёки ундан юқоридаги юк устида ўтириш;
- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда унинг эшикларини очиш;
- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш.

Кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу ЙХҚнинг VII боб (38-банди-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 18-21- бандлари).

дан ташқари), IX-XVI, XIX-XX боблари, 1 ва 2-иловалари талабларидан четга чиқишлари мумкин¹.



Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари

Бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлишлари учун бундай транспорт воситаларида кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва махсус товушли ишора ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу имтиёздан кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчалар ва махсус товушли ишоралари ёқилган транспорт воситалар томонидан кузатиб келаётган транспорт воситалари ҳам фойдаланадилар. Кузатиб келинаётган транспорт воситаларида яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган бўлиши шарт.

Ҳайдовчилар кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва махсус товушли ишораларини ёққан ҳолда яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига, шунингдек уларнинг кузатувидаги, яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган транспорт воситаларига тўсиқсиз ўтиб кетишлари учун йўл беришлари шарт.

Кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчасини ёқиб тўхтаб турган транспорт воситасига яқинлашаётган ҳайдовчилар зарур бўлган ҳолларда ҳаракатланиш тезлигини дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада камайтиришлари шарт.

Зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтилловчи чироқ-маёқча йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётганда, шунингдек техник шикастланган, носоз бўлган ва бошқа транспорт

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м.

воситаларини қонунда кўзда тутилган ҳолларда ортишда, ташишда, йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари ушбу ЙХҚнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, шунингдек ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юк ташиётган транспорт воситаларида ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда бундай транспорт воситаларини кузатиб келаётган транспорт воситаларида ёқилиши керак. Зарғалдоқ ва сариқ рангли чироқ-маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини фақат хавф борлигидан огоҳлантиради.

Зарғалдоқ ёки сариқ рангли чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўл қурилиши, таъмирланиши ва тозаланиши жараёнида ҳамда техник шикастланган, носоз бўлган, шунингдек қонунда кўзда тутилган ҳолларда бошқа транспорт воситаларини ортишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу ЙХҚнинг йўл белгилари (2.2, 2.4 – 2.6, 3.11 – 3.14, 3.17.2, 3.20 йўл белгиларидан ташқари), йўл чизиқлари ҳамда 67-71 ва 121 – бандлари талабларидан четга чиқишлари мумкин.

Йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари ушбу ЙХҚнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, катта ўлчамли ва (ёки) ўта оғир юк ташиётган транспорт воситаларининг ҳамда уларни кузатиб келаётган зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтилловчи чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш шарти билан йўл чизиқлари талабларидан четга чиқишлари мумкин.

***Мансабдор шахсларга транспорт воситаларини бошқариш
ва бошқа шахсларга бошқаришни бериш имконини
тақиқловчи ҳолатлар***

Транспорт воситаларини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон бир ойдан уч ой муддатга, вақтинчалик рухсатнома эса бир ой муддатга берилади. Бундай ҳужжатлар билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчи ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (фуқаролик паспорти, гувоҳнома кабиларни) олиб юриши лозим.

Ишонч қоғози уч йил муддатга берилиши мумкин. Нотариал идоралари томонидан берилган ишонч қоғози олингандан сўнг уни ЙХХБнинг имтиҳон олиш ва рўйхатга қўйиш бўлимида 10 кун

муддат ичида қайд эттириш лозим. Эр-хотинлар эса ишонч қоғози ўрнига муддати чекланмаган ва умумий эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишлари мумкин.

Транспорт воситасининг эгаси ёки ишонч қоғоз билан бошқараётган шахс ўзига тегишли транспорт воситасини тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган бошқа шахсга бошқариш учун бериши мумкин, лекин автомобилда унинг эгаси ёхуд тасарруфга ёки фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс бўлиши лозим.

Агар ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситаси йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳайдовчининг мастлик ҳолати аниқланса, йўл-патруль хизмати ходими талабига биноан махсус текширувдан ўтишига мажбур.

Ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган транспорт воситасини шатакка олиш (фақат юк автомобилида), табиий офатлар содир бўлган жойларга етиб бориш, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш зарурати туғилган ҳолларда йўл-патруль ва тиббиёт ходимларига, зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни даволаш муассасасига олиб бориш учун тиббиёт ва йўл-патруль хизмати ходимларига транспорт воситасидан фойдаланишга имкон бериши керак. Тиббий хизматлар учун транспорт воситасидан фойдаланишга беришдан бошқа ҳолатлар фуқароларга тегишли транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исми-шарифи, мансаби, иш жойини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда эса тегишли намунадаги маълумотнома ёзиб бериши лозим.

Транспорт воситаларини текшириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларининг 180-бандига асосан, транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахсларга қуйидагилар тақиқланади¹:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 180-банди).

➤ техник носозлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат техник кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш;

➤ йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳар қандай мастлик (алкоголик, гиёҳванд ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, чарчоқлик ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтмаган, гиёҳванд ёки спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилувчи шахс сифатида ҳисобда турган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйиш;

➤ асфальт ёки цемент-бетон қопламали йўлларга занжирли трактор ва бошқа ўзиюрар механизмларни чиқариш.

Йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолатига жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахслар эса қуйидагиларга мажбурдирлар:

➤ йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатда сақлашга;

➤ йўл ҳаракатига ҳалақит берадиган ҳар қандай тўсқинлик вужудга келса уларни ўз вақтида бартараф этиш, йўлнинг айрим қисмларида улардан фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолларда ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш чораларини кўришга;

➤ йўлларда таъмирлаш ишларини бажаришга жавобгар мансабдор ва бошқа шахслар ишлар олиб борилаётган жойда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар. Бундай жойлар, шунингдек, йўлдан ташқарига олиб чиқиш имконияти бўлмаган иш бажармаётган йўл машиналари, қурилиш материаллари, қурилма ва шунга ўхшашлар тегишли йўл белгилари, йўналтирувчи ва тўсувчи мосламалар билан, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмаслик шароитида эса қўшимча қизил ёки сарик чироқлар ишоралар билан белгиланиши керак.

Таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган бўлиши керак.

Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан йўл ҳаракат хавфсизлиги органлари билан белгиланган тартибда қуйидагилар келишилади:

- шаҳарларда ва автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этишни лойиҳалаш;
- йўлларни ҳаракатни ташкил этувчи техник воситалар билан жиҳозлаш;
- йўлларни, йўл иншоотларини қуриш, қайта реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини лойиҳалаш;
- бевосита яқинроққа кўринишни чекловчи ёки пиёдалар ҳаракатини қийинлаштирувчи киоскалар, транспарантлар, плакатлар, реклама тахталари ва шунга ўхшашларни йўлларга ўрнатиш;
- йўналишли транспорт воситалари йўналишлари ва бекатларнинг жойланиши;
- йўлларда оммавий, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- транспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, уларга махсус ёруғлик ва товуш ишораларини ўрнатиш, транспорт воситалари кузовининг ён томонига қия оқ чизиқлар тортиш;
- бошқаришни ўргатиш рухсат этилган йўллар рўйхати ва чизмаси;
- йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатига хавф туғдирувчи ҳар қандай ишларни олиб бориш.

Милтиловчи чироқ-маёқчасини ёққан ва махсус товуш ишорасини бериб келаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда бошқа ҳайдовчиларнинг мажбуриятлари

Кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётган, кўк рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаси ёқилган ва махсус товушли ишора бераётган тезкор ҳамда махсус хизмат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан, йўл ҳаракати қоидаларидаги «Светофор ва тартибга солувчининг ишораси», «Ҳаракатланишни бошлаш йўналишини ўзгартириш», «Йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашиши», «Ҳаракатланиш тезлиги», «Қувиб ўтиш», «Чорраҳаларда ҳаракатланиш», «Автомагистралларда ҳаракатланиш», «Йўл белгилари» ва «Йўл чизиқлари» талабларидан четга чиқишлари мумкин.

Кўк рангли чироқ-маёқчага қўшимча қизил рангли чироқ-маёқча ҳам ёқилиши мумкин ва бундай автомобиллар, бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлишлари учун

ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчасини ёқишлари ва (ёки) махсус товушли ишора беришлари шарт. Улар имтиёздан ўзларига имкон берилганлигига тўла ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина фойдаланишлари мумкин. Тезкор хизмат ва махсус хизмат транспорт воситалари кузатиб келаётган транспорт воситалари ҳам шу имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳайдовчилар кўк рангли чироқ-маёқчаси ёқилган ва (ёки) махсус товушли ишоралар бериб яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига, шунингдек, уларнинг кузатувидаги яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган транспорт воситаларига йўл беришлари, зарур бўлган ҳолларда уларнинг тўлиқсиз ўтиб кетишлари учун ўзлари бошқариб бораётган транспорт воситаларини йўлнинг ўнг томонига олиб тўхтатишлари шарт.

Кўк рангли чироқ-маёқчасини ёқиб турган транспорт воситасига яқинлашаётган ҳайдовчилар зарур бўлиб қолганда дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада ҳаракатланиш тезлигини камайтиришлари шарт.

Зарғалдоқ рангли ёки сариқ чироқ-маёқчаси ёқилган йўлдан фойдаланиш хизматига тегишли мослама ва транспорт воситаларининг ҳайдовчилари иш бажариш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашлари шарт. Бошқа ҳайдовчилар уларнинг иш бажаришларига тўсқинлик қилмасликлари керак. Зарғалдоқ рангли ва сариқ чироқ-маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва у фақат бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларининг эътиборини жалб этиш учун хизмат қилади.

5-§. Йўл белгилари

Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишда йўл белгиларининг аҳамияти. Йўл белгиларининг гуруҳлари

«Йўл ҳаракати қоидалари» бизнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳар бир ҳаракатланиш иштирокчиси (ёш болалар, ўсмирлар, катталар) қатнов қисмларида ҳаракатланади. Шу билан бирга улар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишдан манфаатдордирлар.

Йўл ҳаракати қоидаларининг асосларидан бири бўлган йўл белгилари транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига, пиёдаларга ва умуман барча ҳаракатланиш иштирокчиларига тааллуқлидир.

Йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти белгиларга қарамай ёки аҳамият бермай ҳаракатланаётган йўл иштирокчиларига тегишлидир. Шу боис, уларни яхши ўрганиш инсон ҳаёти учун жуда муҳим.

Йўл белгилари қуйидаги еттита гуруҳга бўлинади:

1. *Огоҳлантирувчи белгилар;*
2. *Имтиёз белгилари;*
3. *Тақиқловчи белгилар;*
4. *Буюрувчи белгилар;*
5. *Ахборот-ишора белгилари;*
6. *Сервис белгилари;*
7. *Қўшимча ахборот белгилари.*

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчига йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги, хавфнинг тури ва шакли ҳақида ахборот беради.

Огоҳлантирувчи белгиларнинг асоси оқ, хошияси қизил рангда бўлган аксари тенг томонли учбурчак шаклидан иборат.

Имтиёз белгилари чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмлари кесишган жойларда, шунингдек, йўлнинг тор қисмида йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланиш навбатини белгилаш учун қўлланилади. Бундай белгилар бошқа гуруҳ белгиларидан олинган бўлиб, уларнинг шакллари турличадир.

Тақиқловчи белгиларнинг асосийлари фони оқ, хошияси қизил, доирасимон шаклдан иборат бўлиб, ҳаракатланишни маълум даражада чеклайди ёки умуман тақиқлайди.

Буюрувчи белгилар асоси ҳаво ранг, белгиси оқ, кўриниши доирасимон шаклда бўлиб, транспорт воситаларининг муайян тартиб бўйича ҳаракатланишини талаб этади.

Ахборот-ишора белгилари ҳаракатланишга муайян тартиб киритади ёки уни бекор қилади, шунингдек, аҳоли пунктлари ва манзилларнинг жойлашуви ҳақида ахборот беради. Бу белгиларнинг шакли тўртбурчак бўлиб, яшил, кўк, сарик ва оқ ранглардан иборатдир.

Сервис белгилари транспорт воситалари, йўловчилар ва ҳайдовчиларга йўл ёқасида жойлашган хизмат кўрсатиш жойлари ҳақида маълумот беради.


Қўшимча ахборот белгиларининг асоси оқ рангда бўлиб, якка ҳолда қўлланилмайди. Улар доимо бошқа белгилар билан бирга қўлланилади ва уларнинг таъсирини муайянлаштиради ёки чеклайди.

Йўл белгиларининг ўрнатилишига қўйиладиган талаблар. Қайтарилувчи, мавсумий ва вақтинчалик белгилар

Йўл белгиларини ўрнатишда маълум бир талаблар қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

➤ йўл белгиси ҳаракатланиш иштирокчиларига яққол кўриниши зарур. Белгиларни кўришга дарахтларнинг шохлари ёки бошқа хил қурилмалар ҳалақит бермаслиги лозим;

➤ транспорт воситалари ёки бошқа нарсалар белгиларни ёпиб қўймаслиги зарур, яъни ҳайдовчилар ўзларига тегишли бўлган транспорт воситаларини шундай жойлаштиришлари лозимки, улар ҳаракатланиш иштирокчиларига белгиларни кўришга ҳалақит бермаслиги керак.



➤ йўл белгилари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) томонидан белгилаган жойларда қўйилиши лозим.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларига йўлнинг шароити қанчалик мураккаб ва жиддий бўлса, улар шундан келиб чиққан ҳолда такроран ўрнатилади.

Аҳоли яшамайдиган жойлардаги йўлларда қайтарилувчи огоҳ-лантирувчи белгиларга қуйидагилар киради:

1.1. «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси»



1.2. «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси»



1.9. «Кўтарма кўприк»



1.10. «Соҳилга чиқиш»



1.21. «Болалар»



1.23. «Таъмирлаш ишлари»



Бу белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда йўлнинг хавфли қисмига етмасдан 150-300 метр қолганда, иккинчи маротаба эса 50-100 метр қолганда такрор ўрнатилади.

Мавсумий белгилар фақат йил мавсумига қараб ўрнатилади. Уларга қуйидагилар киради:

1.15. «Сирпанчиқ йўл»




1.26. «Тошлар тушиши»




1.23. «Таъмирлаш ишлари»



2.6. «Рўпарадан ҳаракатланишнинг устунлиги».



2.7. «Рўпарадан ҳаракатланишга нисбатан устунлик»



Вақтинчалик ўрнатиладиган белгилар асосан сариқ рангда бўлиб, транспорт воситалари ҳайдовчиларига белгиларнинг таъсир вақти чекланганлиги ҳақида ахборот беради.



3.17.2



5.31




5.34.1




5.34.2



5.32.1



5.32.2



5.32.3

Бу гуруҳ белгилари йўл ҳаракати иштирокчиларига қатнов қисмидаги вақтинчалик таъмирлаш ишлари мобайнида ёки уларга хавф-хатар таҳдид қилган вақтда транспорт воситаларининг бошқа йўналиш бўйича ҳаракатланиш йўналишлари ҳақида ахборот беради.

Бу гуруҳ белгиларидаги фақат 3.17.2 «Хавф-хатар» тақиқловчи белгисининг шакли ва ранги ўзгача бўлиб, у йўл-транспорт ҳодисаси ёки бошқа хавфли ҳолатлар туфайли барча транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.

Огоҳлантирувчи белгиларнинг вазифалари

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчини йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги, хавфнинг тури ва шакли ҳақида огоҳлантиради. Хавф-хатарларнинг турлари ушбу белгиларда рамзий шаклда ифодаланилади.

Огоҳлантирувчи белгиларнинг асоси асосан оқ, хошияси қизил бўлган тенг томонли учбурчак шаклидан иборат бўлади (1.3.1, 1.3.2, 1.4.1-1.4.6, 1.31.-1.31.3 белгиларидан ташқари).

Бу йўл белгилари ҳайдовчи чора кўриши талаб қилинадиган хавфли қисмларга аҳоли пунктларида 50-100 метр, аҳоли яшамайдиган жойларда эса 150-300 метр масофа қолганда ўрнатилади.

Аҳоли яшамайдиган жойларда бу гуруҳдаги белгиларнинг олисроқ масофада ўрнатилиши транспорт воситаларининг тезлиги билан изоҳланади (шаҳардан ташқаридаги тезлик шаҳардагидан бирмунча юқори, яъни соатига 100 км бўлади). Ҳайдовчи йўл белгиси ўрнатилган жойдан хавфли қисм бошланадиган жойгача тезликни пасайтиришга улгуриши лозим. Йўл шароити қанчалик мураккаб ва жиддий бўлса, шунчалик кўп огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилади.

Бу белгилар темир йўл кесишмалари олдида ўрнатилиб, биринчи (1.1) белги ўрнатилган кесишма шлагбаум, темир йўл симофори билан жиҳозланган бўлиб, ҳаракатланишни темир йўл назоратчиси назорат қилади.

1.1 «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси»



1.1.

1.2 «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси»



1.2.

Иккинчи (1.2) белги ўрнатилган кесишма назоратчисиз бўлиб, хавфсизликни таъминлаган ҳолда темир йўлни кесиб ўтиш ҳайдовчинининг ўзига ҳавола этилади.

1.3.1. «Бир изли темир йўл»



1.3.1

1.3.2. «Кўп изли темир йўл»



1.3.2

Бу белгилар бевосита шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилади. 1.3.2 белги биринчи издан ташқари иккинчи ва ундан кейинги изларда ҳам поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда кесишмадан ўтиш мумкинлигини англатади. 1.3.1 ва 1.3.2 белгилар бевосита темир йўл кесишмасининг олдида ўрнатилади.

1.4.1-1.4.6. «Темир йўл кесишмасига яқинлашув»

Юқорида айтилганидек, бу белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда ўрнатилиб, ҳайдовчининг темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлиги ҳақида қўшимча равишда огоҳлантиради.



1.4.1.

1.4.2.


1.4.3

1.4.4.


1.4.5.

1.4.6

1.4.1-1.4.3 белгилар йўлнинг ўнг томонида, 1.4.4-1.4.6 белгилар йўлнинг чап томонида ўрнатилади.



1.5. «Трамвай йўли билан кесишув»



Йўлнинг бурилиши ёки ундаги дўнглик туфайли йўлни кесиб ўтадиган трамвай изи кўринмаса (чорраҳадан ташқари), ундай жойларга ушбу йўл белгиси ўрнатилади. Кесишмада трамвай имтиёзга эга бўлади.



1.5

«Тенг аҳамиятли йўллар кесишуви»

Бу белги, усти қандай қоплама (асфальт, бетон, тош) бўлишидан қатъи назар, тенг аҳамиятли йўллар кесишган жойлар олдида ўрнатилиб, имтиёз ўнг томондан келаётган транспорт воситасига берилади.



1.6


1.6. «Айланма ҳаракатланиш билан кесишув»

Айланма ҳаракатланиш жорий этилган майдон йўл шароити (бурилиш, дўнглик) туфайли ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминловчи масофадан кўринмаса, у ҳолда ўша хавфсизликни таъминловчи масофада ушбу йўл белгиси ўрнатилади.



1.7

Кўриш масофаси етарли бўлса, 1.7 йўл белгисини ўрнатиш шарт эмас, чунки айланма ҳаракатланиш жорий этилган майдон олдида буюрувчи 4.3 йўл белгиси ўрнатилади.



1.7. «Светофор тартибга солади»

Ҳаракатланишни светофор тартибга соладиган чорраҳа ва пиёдалар ўтиш жойи йўл шароити туфайли ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминловчи масофадан кўринмаса, у ҳолда ўша хавфсизликни таъминловчи масофада 1.8. йўл белгиси ўрнатилади. Светофор



1.8

хавфсизликни таъминловчи масофадан кўринса, 1.8. йўл белгиси ўрнатилмайди.

1.9. «Кўтарма кўприк»

Бу белги кўтарма кўприк ёки солда кесиб ўтиш жойлар олдида ўрнатилиб, йўлнинг кўприк ёки сол олдида узилиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.9

1.10. «Соҳилга чиқиш»

Бу белги дарё ёки сув ҳавзаси қирғоқларига чиқишда ўрнатилиб, ҳайдовчидан тезликни камайтириш ва эътиборни оширишни талаб қилади. Ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги ушбу йўл белгисида кўрсатилган ҳолга олиб келиши мумкин.



1.10

1.11.1, 1.11.2. «Хавфли бурилиш»

1.11.1. «Хавфли бурилиш ўнгга»,

1.11.2. «Хавфли бурилиш чапга» белгилари.



1.11.1



1.11.2

Бу белгилар кичик радиусли бурилиш ёки кўриниши чегараланган бурилишлар олдида ўрнатилиб, хавфли бурилиш ўнг ёки чап томонда эканлиги ҳақида огоҳлантиради.

Транспорт воситаларини бундай бурилишларда юқори тезликда ҳайдаш уни рўпарадаги бўлақларга чиқиб кетишига ёки ағанаб кетишига олиб келиши мумкин.

1.12.1, 1.12.2. «Хавфли бурилишлар»

1.12.1 – «Хавфли бурилишлар, биринчи бурилиш ўнгга», 1.12.2 – «Хавфли бурилишлар, биринчи бурилиш чапга» белгилари. Бу белги йўлнинг икки қисми кичик радиусли ёки



1.12.1



1.12.2

кўриниши чекланган бурилиш жойи яқинида ўрнатилади. Кичик радиусли ёки чекланган бурилиш икки қисмдан кўп бўлса, ушбу йўл белгилар қўшимча 7.2.1 – «Таъсир оралиғи» қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади. Ҳайдовчи йўлнинг бундай қисмларидан тезликни камайтириб, эҳтиёт чораларини кўриб ўтиши ҳамда, иложи борича, йўлнинг ўнг томонидан ҳаракатланиши керак.


1.13. «Тик нишаблик»

Бу белги пастлик, нишаблик олдида ўрнатилиб, ичидаги рақам нишабликнинг 100 м узунликка тўғри келадиган пасайишини фоиз ҳисобида кўрсатади. Пастлик чўзилиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу белги юқоридагидек 7.2.1 – «Таъсир оралиғи» қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади.



1.13

Нишаблик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчи йўлнинг тор қисмларида рўпарадан тепалик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчига йўл бериши лозим. Бундай жойларда автомобилни узатмадан чиқармаган ва тўхтатиш тизимидан (тормоздан) фойдаланмаган ҳолда ҳаракатланиш лозим.



1.14. «Тик баландлик»

Бу белги тик баландликлар олдида ўрнатилади ва ҳайдовчини транспорт воситасининг динамик хусусиятлари, юкли ёки юксизлигига қараб, керакли узатмага улаш, баландликка тўхтамасдан чиқиш кераклигидан огоҳлантиради. Акс ҳолда, автомобиль тўхтаб қолса, ўз оғирлиги билан орқага кетиши мумкин. Нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, юқоридаги белгилар 50-100 м масофада эмас, балки бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилади.



1.14

1.15. «Сирпанчиқ йўл»

Йўлнинг ўта сирпанчиқ бўлган қисмини билдиради. Йўлнинг устки ўтиш қисми маълум сабабларга кўра (лой, қаватма-қават хўл барглар, гудрон, музлик оқибатида) сирпанчиқ бўлиб қолса, бундай қисм олдида ушбу йўл белгиси ўрнатилади. Ҳайдовчи йўлнинг бундай қисмларида тезликни камайтириши, кескин тўхтамаслиги, кескин бурилмаслиги лозим, акс ҳолда транспорт воситаси сирпаниб кетади ва ҳайдовчи автомобилни бошқаралмай қолади.



1.15

1.16. «Нотекис йўл»

Йўлнинг ўйдим-чуқур, тўлқинсимон бўртма жойлари, кўприк уламаларининг нотекис қисмлари олдида ушбу йўл белгиси ўрнатилади ва транспорт воситасининг тезлиги кескин оширилса ёки кескин тўхтатилса, унинг турғунлиги йўқолиб, ағаниб кетиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.16

1.17. «Тош отилиши хавфи»

Мукаммал қопламали йўл қисмида транспорт воситаси ғилдираги остидан шағал, тош ва шунга ўхшаш жисмларнинг отилиб чиқиш эҳтимоли деярли йўқ.



1.17

Бу белги йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган жойларида ғилдирак билан босилган тош, шағал ва шунга ўхшаш нарсаларнинг отилиб чиқиши эҳтимоли борлигидан огоҳлантиради. Йўлнинг бундай қисмларида ҳайдовчи тезликни камайтириб, оралиқ масофани тош отилиши хавфсизлиги мавжуд масофагача узайтириши лозим.

1.18.1, 1.18.2, 1.18.3. «Йўлнинг торайиши»

Йўлнинг торайиш қисмлари олдида (тораядиган томондан):

1.18.1 – икки томонлама торайиш;

1.18.2 – ўнгга торайиш;

1.18.3 – чапга торайиш йўл белгиларидан бири ўрнатилади.



1.18.1



1.18.2




1.18.3

ларидан бири ўрнатилади.

Бу йўлларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишлари лозим.

1.19. «Икки томонлама ҳаракатланиш»



Бу белги йўлнинг бир тарафлама ҳаракатланиш қисми тугаб, қарама-қарши ҳаракатланиш қисми бошланиши олдида ўрнатилади.



1.19.

1.20. «Пиёдалар ўтиш жойи»

Бу белги ҳайдовчини светофор билан бошқарилмайдиган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради. Бу ерда транспорт воситалари ҳайдовчиларидан ҳаракатланиш тезлигини камайтириш талаб қилинади.



1.20.

1.21. «Болалар»

Бу белги ҳайдовчини болалар муассасасига (боғча, мактаб, интернат ва шу каби жойларга) яқинлашаётганлиги ва йўлнинг бу қисмидан ҳар дақиқада болалар чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Белги аҳоли яшамайдиган жойларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида такрор ўрнатилади.



1.21.

1.22 «Велосипед йўлкаси билан кесишув»

Бу белги велосипед йўлкаси билан кесишув (чорраха эмас) жойлари яқинида ўрнатилади. Бундай кесишувларда имтиёз ҳайдовчи тарафида бўлса ҳам, у тезликни камайтириб эътиборни ошириши лозим.



1.22.

1.23. «Таъмирлаш ишлари»

Бу белги йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган қисмлари яқинида ўрнатилиб, ҳайдовчини эҳтиёт бўлиб ўтиш кераклиги тўғрисида огоҳлантиради. Йўлнинг бундай қисмлари қоронғи пайтларда хавфли ҳисобланганлиги сабабли, ушбу жойларни кечаси чироқлар билан таъминлаш талаб қилинади. Бу белги ҳам аҳоли яшамайдиган жойларда такрор ўрнатилади.



1.23.

1.24. «Мол ҳайдаб ўтиш»

Бу белги мол боқиладиган яйлов ёқалаб ўтадиган йўлларда, фермалар яқинида, мол ҳайдаб ўтиладиган жойларда ўрнатилиб, йўлга моллар подаси чиқиб қолиши мумкинлигидан огоҳлантиради.



1.24.

«Ёввойи ҳайвонлар»

Бу белги йўлнинг ўрмон хўжалиги, қўриқхона ва шунга ўхшаш жойлардан ўтадиган қисмларида ўрнатилиб, йўлга ёввойи ҳайвонлар чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.25.

1.26. «Тошлар тушиши»

Тош кўчиши, сурилиши ва тушиши мумкин бўлган йўл қисмини билдиради.



1.26.

Муз, қор ёки сел келиб, тоғ кўчиши мумкин бўлган тоғли йўл қисмларига «Тошлар тушиши» белгиси ўрнатилиб, хавф-хатар фақат қатнов қисмларидагина эмас, балки тепа тоғ тарафдан ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

1.27. «Ёнлама шамол»

«Ёнлама шамол» йўл белгиси кучли шамол автомобиль, мотоциклни бошқаришга салбий таъсир этиб, йўл фожиясини келтириб чиқариши мумкин бўлган жойлар (тоғ даралари, жарлик, сув ҳавзалари)га ўрнатилади. Айниқса, йўлнинг устки қисми музлаб, сирпанчик бўлган пайтларда ёнлама шамол автототранспортни бошқаришга салбий таъсир этиши мумкин.



1.27.

1.28. «Пастлаб учувчи самолётлар»

Аэропорт яқинидан ўтувчи йўлларнинг самолётлар пастлаб учувчи қисмларига «Пастлаб учувчи самолётлар» йўл белгиси ўрнатилиб, қисқа муддатли қаттиқ шовқинлар бўлиб туриши ҳақида огоҳлантиради. Бошқаришни ўрганаётган ёки ёш ҳайдовчилар бундай йўлларда диққатни сусайтирмасдан эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишлари лозим, чунки улар беҳосдан келадиغان ҳар хил шовқинлардан чўчиб кетадилар. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келиши мумкин.



1.28.

1.29. «Тоннел»

Қайрилиш, бурилиш ёки бошқа тўсиқлар орқали тоннелга кираверишда унинг пештоғи кўриниши чекланган ёки сунъий равишда ёритилмаган бўлса, олдида «Тоннел» йўл белгиси ўрнатилади. Бундай йўлларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҳайдовчилар транспорт воситасинининг габарит чироқларини ёки яқинни ёритувчи чироқларни ёқишлари керак.



1.29.

1.30. «Бошқа хавф-хатарлар»

Йўл белгиларининг бошқа огоҳлантирувчи белгиларида кўзда тутилмаган хавф-хатарлар бўлган йўл қисми (тез-тез туман бўлиб турадиган жойлар, жарликлар, тутун бўлиб йўлнинг кўриниши чекланган қисмлари) олдида «Бошқа хавф-хатарлар» белгиси ўрнатилади.



1.30.

1.31.1, 1.31.2. «Бурилишнинг йўналиши»



1.31.1.



1.31.2.


Йўлнинг хавфли бурилиш қисмларига «Бурилишнинг йўналиши» белгиси ўрнатилади. Бу белгилар бурилишнинг ўнгга, чапга йўналганлигини кўрсатади.

1.31.3. «Бурилишнинг йўналиши»



1.31.3.

«Т» симон чорраҳада ёки йўл айрилишларида ҳаракатланиш йўналиши, йўлнинг таъмирланаётган



қисмини айланиб ўтиш йўналишини кўрсатади.

1.1, 1.2, 1.5-1.30 огоҳлантирувчи белгилари аҳоли пунктларида хавфли жойдан 50-100 метр, аҳоли пунктлари-

дан ташқарида эса 150-300 метр олдин ўрнатилади. Зарурият бўлганда бу белгилар 7.1.1 қўшимча-ахборот белгисида кўрсатилган бошқа масофада ҳам ўрнатилиши мумкин.

Агар нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, 1.13 ва 1.14 белгилари бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилиши мумкин. Аҳоли пунктларидан ташқарида 1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21 ва 1.23 белгилари такрорланади. Иккинчи белги йўлнинг хавфли қисми бошланишига камида 50 метр қолганда ўрнатилади.

Агар қатнов қисмида қисқа муддатли йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, 1.23 белгиси иш бажарилаётган жойга 10-15 метр масофа етмасдан (7.11 қўшимча-ахборот белгисисиз) ўрнатилиши мумкин. 1.3.1 ва 1.3.2 белгилари бевосита темир йўл кесишмасининг олдида ўрнатилади.

Имтиёз белгиларининг вазифалари ва улар ўрнатиладиган жой

Имтиёз белгилари – чорраҳаларда, қатнов қисмлари кесишган жойларда, йўлнинг тор қисмларида ҳаракатланиш навбатини белгилайди.

2.1. «Асосий йўл»



2.1.

Ҳаракат тартибга солинмаган чорраҳаларда олдин ўтиш ҳуқуқини беради. Белги асосий йўл бошига ва кесишувларнинг бевосита олдида ўрнатилади.

Белги асосий йўл бошига ва чорраҳаларнинг бевосита олдида ўрнатилади. Асосий йўл билан кесишадиган йўлларда чорраҳа олдида «Йўл беринг» ёки «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади» белгилари ўрнатилади. Агар чорраҳада асосий йўл ўз йўналишини ўзгартирса, у ҳолда ушбу белги остига қўшимча 7.13 «Асосий йўлнинг йўналиши» белгиси ўрнатилади.



2.2. «Асосий йўлнинг охири»



2.2.

«Асосий йўл» имтиёзли белгиси «Йўл беринг» белгиси ўрнатилган жойда тугайди, чорраҳа олдида 2.2. «Асосий йўлнинг охири» белгиси ўрнатилади.



2.3.1. «Иккинчи даражали йўл билан кесишув»



2.3.1.

Бу белги асосий йўлда ўрнатилиб, ҳайдовчига ҳаракатланиш тартибга солинмаган чорраҳада имтиёз беради. Аҳоли пунктларида чорраҳадан 50-100 метр ва аҳоли яшамайдиган жойларда 150-300 метр олдин ўрнатилади.

2.3.2, 2.3.3. «Иккинчи даражали йўлнинг туташуви»



2.3.2.



2.3.3.

2.3.2 – туташув ўнгдан, 2.3.3 – туташув чапдан. 2.3.1-2.3.3 йўл белгилари аҳоли пунктларида кесишмагача 50-100 метр масофада, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150-300 метр масофада ўрнатилади. Бу белги асосий йўлда ўрнатилади ва 2.3.1. белгига ўхшаб тартибга солинмаган чорраҳаларда ҳайдовчига имтиёз беради.

2.4. «Йўл беринг»



2.4.

Бу белги ҳайдовчи кесиб ўтаётган йўлдаги транспорт воситасига йўл бериши кераклигини билдиради. Асосий йўлда транспорт воситалари бўлмаса, иккинчи даражали йўлдан келаётган ҳайдовчи чорраҳадан тўхтамасдан, хавфсизликни таъминлаган ҳолда, ўтиб кетиши мумкин.

2.5. «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган»



2.5.


Асосий йўлнинг йўналишидан қатъи назар, белги ҳайдовчига тартибга солинмаган чорраҳага тўхтамасдан кириб келишини тақиқлайди. Ҳайдовчи тўхташ чизиғи олдида, агар у бўлмаса, кесиб ўтиладиган қатнов қисмининг четида тўхтаб ўтади. Белги темир йўл кесишмаси, карантин ёки ЙПХ масканидан олдин ўрнатилган бўлса, ҳайдовчи тўхташ чизиғи олдида, у бўлмаса, белги олдида тўхташи керак. Бу белги саккиз қиррали бўлиб, уни шакли орқали ажратиш ҳам мумкин.

2.6. «Рўпара ҳаракатланишнинг устунлиги»



2.6.

Йўлнинг тор қисмлари (кўприк, тоннел ва бошқа жойлар)да қарама-қарши келувчи транспорт воситалари бир вақтда ўта олмайдиган ҳолатларда, рўпарадан келаётган транспорт




воситасига йўл бериш керак.

Қарама-қарши ҳаракатланишни қийинлаштирадиган ҳолларда йўлнинг тор қисмига кириш тақиқланади.

2.7. «Рўпарадаги ҳаракатланишга нисбатан имтиёз»

Бу белги қарама-қарши келувчи транспорт воситалари бир вақтнинг ўзида ўта олмайдиган йўл қисмларида рўпарадан келаётган транспорт воситасидан олдин ўтиш ҳуқуқини беради.



Ҳайдовчиларнинг имтиёз белгилари талабига мувофиқ ҳаракати

Ҳайдовчи чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмлари кесишган жойларда, шунингдек, йўлнинг тор қисмида имтиёз белгилари талабига мувофиқ йўл ҳаракати қатнашчилари билан ҳаракатланиш навбатини белгилаган ҳолда ҳаракатланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари аввало тартибга солувчининг, у йўқ бўлса светофорнинг ишораларига, светофор ишламаган ёки ўчирилган вақтда йўл белгиларига риоя қилган ҳолда чорраҳалардан ҳаракатланиб ўтишлари зарур. Етарли кўринмаслик шароитлари (қор, ёмғир, туман, бўрон ва бошқа ҳодисалар)да чорраҳаларда йўл белгилари кўринмаётган бўлса, чорраҳага кириб келаётган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ўзларини иккинчи даражали йўлда деб ҳисоблашлари керак.

Ҳар бир транспорт воситасининг ҳайдовчиси чорраҳаларда ҳаракатланаётганда имтиёз белгиларига риоя қилган ҳолда ҳаракатланса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олган ҳисобланади.

Тақиқловчи белгиларнинг вазифалари ва улар ўрнатиладиган жой

Тақиқловчи белгилар йўл ҳаракатига маълум чекланишлар киритиш ёки уларни бекор қилиш учун қўлланилади.

Тақиқловчи белгиларнинг асосий фони оқ (3.27, 3.28, 3.29, 3.30)лардан ташқари) ҳошияси қизил доирадан иборат бўлиб, ҳаракатланишни маълум даражада чеклайди ёки умуман тақиқлайди.


Уларнинг таъсир кучи ўрнатилган жойдан бошлаб биринчи чорраҳагача, чорраҳа бўлмаганда эса аҳоли яшаш жойининг охиригача давом этади. Баъзи белгилар ўша жойнинг ўзигагина тааллуқли бўлади.

3.1. «Кириш тақиқланган»



3.1.

Транспорт воситаларининг бир томонлама ҳаракатланишини жорий этишда йўлнинг бир тарафига ушбу белги ўрнатилади. Белги ўрнатилган йўлга барча транспорт воситаларининг (белгиланган йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) кириши тақиқланади.




3.2. «Ҳаракатланиш тақиқланган»



3.2.

Дам олиш уйлари, санатория, касалхона ва умум фойдаланадиган ҳовлиларга кираверишда транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш мақсадида ушбу йўл белгиси ўрнатилади. Бу белгининг белгиланган йўналишли транспорт воситалари, ногиронлар ҳайдайдиган мотоколяска, автомобиль, белги таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи ёхуд уларга ва корхоналарга хизмат қилувчи транспорт воситаларига дахли йўқ. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак. Бу ерда иккита тақиқловчи белгидан бири (3.1)нинг талаби устун бўлади.



3.3. «Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланган»



3.3.

Бу белги барча турдаги механик транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлаб, от-арава, велосипедчилар ҳаракатига дахл қилмайди. Белги таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга, шунингдек, шу ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларга хизмат қилувчи белгиланган йўналишли транспорт воситаларига таъсир этмайди.

3.4. «Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган»



3.4.

Белгида чекланган вазн кўрсатилмаган бўлса, бу белги тўла вазн 3,5 тоннадан юқори бўлган барча юк автомобилларининг, барча тракторларнинг, ўзи юрар машина ва механизмларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди. Бу белги ҳам таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга ва шу ҳудудга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига дахлдор эмас, шунингдек, бортларига қия оқ чизик тортилган ёки одамларни ташиётган юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқламайди.



3.5.

3.5. «Мотоцикллар ҳаракатланиши тақиқланган»

Бу белгининг автомобиль, автобус, велосипед, мопед, от-арава ҳаракатига ҳамда таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахли йўқ.



3.6.

3.6. «Тракторлар ҳаракатланиши тақиқланган»

Йўллардаги транспорт воситаларининг тезлигини ошириш мақсадида барча турдаги тракторлар, ўзи юрар машина ва механизмларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Бу белги ҳам таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахлдор эмас.



3.7.

3.7. «Тиркама билан ҳаракатланиш тақиқланган»

Бу белги автопоездларнинг ҳаракатланиши ва манёвр қилиши қийин бўлган тор кўчалар олдида ўрнатилиб, тиркамали, ярим тиркамали автомобиль ва тракторларнинг ҳамда барча турдаги транспорт воситаларининг шатакка олиб ҳаракатланишини тақиқлайди. Белгининг тиркамали енгил автомобилларга ҳамда таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахли йўқ.



3.8.

3.8. «От-арава ҳаракатланиши тақиқланган»

Механик транспорт воситаларининг ҳаракатини енгиллаштириш ва уларга халақит бермаслик мақсадида баъзи йўлларда от-арава, от-чана, буғу-чана ҳаракати тақиқланади. Белги таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахлдор эмас. Мазкур белги мавжуд йўлда от-арава (чана), отликлар, юк тортилган ҳайвонларнинг ҳаракатланиши, шунингдек, мол (пода) ҳайдаб ўтиш тақиқланади.



3.9.

3.9. «Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланган»

Серкатнов йўлларда белгиланган йўналишли транспорт воситалари (автобус, троллейбус)нинг бекатда тўхташига, бекатдан қўзғалишига велосипедчилар ҳалол бермаслиги учун велосипедчилар ва мопедчиларнинг ҳаракати тақиқланади.



3.10.

3.10. «Пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланган»

Йўл хизматчилари ва таъмирловчи ишчиларга мазкур белгининг дахли йўқ. Бу белги метро станцияларида (экскалатордан тушиб-чиқиш, бир станциядан иккинчисига ўтиш 3.10. жойларида) бир томонлама ҳаракатни жорий этиш учун ҳам ишлатилади.

3.11. «Вазн чекланган»



3.11.

Кўтариш қобилияти чекланган кўприк ва эстакадаларда ҳақиқий вазнлар йиғиндиси кўприк олдида ўрнатилган белгида кўрсатилганидан юқори бўлган юк автомобилларининг, ярим тиркамали юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.

3.12. «Ўққа тушадиган оғирлик чекланган»



3.12.

Қопламаси юпқа бўлган автомобиль йўлларига, оғир юк машиналари зарар етказмаслиги учун, битта ўққа тушадиган оғирлик йўл белгисида кўрсатилганидан юқори бўлса, бундай автомобилларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Шунини эслатиб ўтиш керакки, қоидага кўра енгил автомобилларда оғирлик икки ўққа тенг равишда тақсимланади. Икки ўқли юк автомобилларда олдинги ўққа 1/3, орқа ўққа 2/3 оғирлик тушади. Уч ўқли автомобилларда оғирлик уччала ўққа тенг тарқалади.

3.13. «Чекланган баландлик»



3.13.

Баландлиги чегараланган темир йўл кесишмалари, тоннеллар, кўприк ва эстакадалар остидан ўтувчи йўлларда баланд ёки юки баланд бўлган юк автомобиллари кўрсатилган иншоотларга зарар етказмаслиги учун ушбу белги билан уларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Белги бўлмаган тақдирда эса, йўл ҳаракати қоида-сига кўра, баландлик 4 м билан чекланади.

Габарит баландлиги (юк билан ёки юксиз) белгида кўрсатилгандан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади. Бу хилдаги транспорт воситалари мазкур белги билан белгиланган ҳудудни бошқа йўналиш орқали айланиб ўтишлари лозим.

3.14. «Чекланган кенглик»

3.14.



Энига тор бўлган тоннел, кўприк ва эстакадалар олдида ушбу белги ўрнатилиб, белгида кўрсатилганидан энли юк автомобилларининг (ёки узун автомобилларнинг) иншоотларга зарар етказмаслиги учун уларнинг 3.14. ҳаракатини тақиқлайди.

3.15. «Чекланган узунлик»



3.15.

Кўп бурилишли узун тор кўчаларда узун юк автомобилларининг тикилиб қолмаслиги, ҳаракат иштирокчиларига ҳалақит бермаслиги учун кўчанинг бундай қисми

олдида ушбу белги ўрнатилади ва у узун юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.



3.16.

3.16. «Энг кам оралик»

Ушбу белги музликлар, сирпанчик йўллар, тоғли йўллар, кўтариш қобилияти чекланган узун кўприклар олдида ўрнатилиб, энг кам оралик масофани чегаралайди.



3.17.

3.17.1. «Божхона»

Ушбу белги давлат тили ва инглиз тилида ёзилиб, божхонада керакли ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўхтаб ўтишни талаб қилади.



3.17.

3.17.2. «Хавф-хатар»

Кўп талафотли йўл фожиаси ёки фалокат юз берганда (қор кўчиши, йўлни сув босиши, кўприкни сув олиб кетиши каби) шу йўл қисмларида ўрнатилиб, фалокатни бартараф этувчи хизматчиларнинг автомобилларидан ташқари барча автомобилларнинг ҳаракатини тақиқлайди.



3.18.1

3.18.1. «Ўнгга бурилиш тақиқланади»

Бу белги йўл кесишмаси олдида ўрнатилиб, айнан шу кесишмага таъсир этади. Белгиланган йўналишли транспорт воситаларига бунинг дахли йўқ.



3.18.2

3.18.2. «Чапга бурилиш тақиқланади»

«Чапга бурилиш тақиқланади» белгиси ўрнатилган жойдан орқага қайрилиш тақиқланмайди.



3.19. «Қайрилиш тақиқланади»



3.19.

Бу белги жамоат транспортидан ташқари барча транспорт воситаларининг орқага қайрилишини тақиқлайди. Белги ўрнатилган жойдан чапга бурилиш тақиқланмайди.

3.20. «Қувиб ўтиш тақиқланади»



3.20.

Бурилиш ёки дўнглик туфайли кўриниши чекланган серкатнов йўлларда, тор кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ушбу белги ўрнатилиб, барча турдаги транспорт воситаларига қувиб ўтишни тақиқлайди. Бу

белги соатига 40 км дан кам тезликда, якка тартибда келаётган транспорт воситаларини қувиб ўтишга рухсат этади. Ушбу белги биринчи кесишмагача (чорраҳагача) ёки «Қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.



3.21.

3.21. «Қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири»

Бу белгининг таъсир ҳудудида барча турдаги транспорт воситаларини қувиб ўтишга рухсат этилади.

3.22. «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган»



3.22.

Бу белги тўла вазни 3.5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари ва соатига 40 кмдан кам тезликда якка тартибда келаётган транспорт воситаларидан бошқа транспорт воситаларини қувиб ўтишни тақиқлайди. Бу белги биринчи кесишмагача ёки «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.

3.23. «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири»



3.23.

Бу белгининг таъсир ҳудудида юк автомобилларида барча турдаги транспорт воситаларини қувиб ўтишга рухсат этилади.

3.24. «Юқори тезлик чекланган»



3.24.

Йўлларнинг хавфли қисмларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу белги ўрнатилиб, барча турдаги транспорт воситаларининг юқори тезлигини чеклайди. Бу белги яқинлашаётган биринчи кесишмагача ёки «Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.

3.25. «Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири»



3.25.

Мазкур белгининг таъсир ҳудудида барча турдаги транспорт воситалари «Йўл ҳаракати қоидалари»да белгиланган тезликдан ошмаган ҳолда ҳаракатланишлари мумкин.

3.26. «Товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланган»



3.26.

Ушбу белги дам олиш уйлари, касалхоналар, санаторийлар, болалар дам олиш оромгоҳлари олдида ортиқча

шовқин солинмаслиги учун ўрнатилади, барча турдаги транспорт воситаларининг товуш мосламаларидан фойдаланишни тақиқлайди. Бироқ йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш мақсадида, истисно тариқасида, товуш мосламасидан фойдаланиш (товуш сигнали бериш) мумкин.

3.27. «Тўхташ тақиқланган»



3.27.

Серкатнов йўлнинг тор қисмларида транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини юқори даражада таъминлаш мақсадида ушбу белги ўрнатилиб, белгиланган йўналишли транспорт воситаларидан бошқа барча транспорт воситаларининг тўхташини тақиқлайди.

3.28. «Тўхтаб туриш тақиқланган»



3.28.

Йўлнинг етарли даражада кенг бўлмаган қисмларига ушбу белги ўрнатилиб, барча транспорт воситаларининг ўн минутдан ортиқ туришларини тақиқлайди (таксометри ишлаб турган такси автомобили, ногирон ҳайдовчиларга тегишли автомобиль ва мотоколяска, юк ортилаётган ёки туширилаётган автомобиллар бундан мустасно).

3.29. «Ойнинг тоқ кунларида тўхтаб туриш тақиқланади»



3.28.

Йўлнинг ўнг ёки чап тарафида ўрнатилиб, ойнинг тоқ кунларида йўл чеккаларини механизмларда супуриб, тозалаб олиш ва шу каби ишларни амалга ошириш мақсадида ушбу белгидан фойдаланилади. Бу белгининг талаби 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиси талаби билан бир хил.

3.30. «Ойнинг жуфт кунларида тўхтаб туриш тақиқланади»



3.29.

Йўлнинг ўнг ёки чап тарафида ўрнатилиб, ойнинг жуфт кунларида йўл чеккаларини механизмларда супуриб, тозалаб олиш ва шу каби ишларни амалга ошириш мақсадида ушбу белгидан фойдаланилади. Бу белгининг талаби 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиси талаби билан бир хил.

3.31. «Барча чекловларнинг охири»



3.31.

Бу белги барча чекловларнинг охири деб номланса-да, амалда 3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26-3.30 белгиларнинг таъсир доирасини кесишмадан аввалроқ тугатиш учун ишлатилади. 3.1-3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27 белгиларининг белгиланган йўналишли транспорт воситаларига, 3.2-3.8 белгилари

таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи фуқароларга тегишли ёхуд уларга ва корхоналарга хизмат қилувчи транспорт воситаларига дахли йўқ. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

Тақиқловчи белгиларнинг талабига мувофиқ ҳайдовчиларнинг ҳаракати

Йўл ҳаракати қоидаларининг 176-бандига биноан, «Ногирон» таниқлик белгили автомобиллар ва кажавали мотоциклларни бошқараётган ногирон ҳайдовчилар 3.2 «Ҳаракатланиш тақиқланган», 3.3 «Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланган» ва 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгилари талабларидан четга чиқишлари мумкин. 7.18 «Ногиронлар мустасно» қўшимча ахборот белгиси бўлганда, 3.27 «Тўхташ тақиқланган» белгисининг таъсир оралиғида уларга тўхташга рухсат этилади.¹

3.28-3.30 белгиларнинг таксометри ишлаб турган таксиларга дахли йўқ.

3.18.1 «Чапга бурилиш тақиқланган» ва 3.18.2 «Ўнгга бурилиш тақиқланган» белгилари қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, шу кесишмага татбиқ этилади.

3.16 «Энг кам оралиқ», 3.20 «Қувиб ўтиш тақиқланган», 3.22 «Юқ автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган», 3.24 «Юқори тезлик чекланган», 3.26 «Товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланган», 3.27 «Тўхташ тақиқланган», 3.28-3.30 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиларининг таъсири белги ўрнатилган жойдан кейинги чорраҳагача, чорраҳаси бўлмаган аҳоли пунктларида эса аҳоли яшайдиган ҳудуднинг охиригача амал қилади. Йўлга ёндош ҳудудларда дала ва ўрмонларнинг йўл билан туташган ҳамда иккинчи даражали йўллардан чиқиш жойларида, агар уларнинг олдида тегишли белгилар ўрнатилмаган бўлса, бу белгиларнинг таъсири йўқолмайди.

Аҳоли пунктларига етмай ўрнатилган 3.24 «Юқори тезлик чекланган» белгисининг таъсири 5.22 «Аҳоли пунктининг бошланиши» белгисигача кучини сақлайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 176-банди).

Тақиқловчи белгиларнинг таъсир доираси

3.16 «Энг кам оралиқ» ва 3.26 «Товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланган» белгилари 7.2.1 «Таъсир оралиғи» қўшимча белгиси орқали;

3.27 «Тўхташ тақиқланган», 3.28-3.30 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига 3.27-3.30 белгилари 7.2.3. «Таъсир оралиғи» қўшимча белгиси билан бирга такрор ўрнатилади ёки 7.2.2. «Таъсир оралиғи» билан қўлланилади.

3.27 «Тўхташ тақиқланган» белгиси 1.4 «Тўхташ тақиқланган» ётиқ чизиғи билан биргаликда, 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиси эса 1.10 «Тўхтаб туриш тақиқланган» ётиқ чизиғи билан биргаликда қўлланиши мумкин. Бунда белгиларга амал қилиш ётиқ чизиқларнинг узунлигига боғлиқ бўлади.

3.10 «Пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланган», 3.27-3.30 белгилари йўлнинг қайси томонига ўрнатилган бўлса, уларга фақат ўша томонда амал қилинади.

Буюрувчи белгилар

Буюрувчи белгилар асосан ҳаво ранг, белгиси оқ, кўриниши доира шаклида бўлиб, транспорт воситаларининг муайян тартиб бўйича ҳаракатланишини талаб этади.

Буюрувчи белгилар, одатда, йўлнинг муайян тартиб бўйича ҳаракатланиш лозим бўлган қисмлари олдида ўрнатилади.

Бу белгиларнинг таъсири қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, шу кесишмага татбиқ этилади.

4.1.1. «Ҳаракатланиш тўғрига»



4.1.1.

Бу белги йўлнинг бошига ўрнатилса, таъсири шу йўл давомидаги биринчи кесишмагача амал қилади. Қуйидаги (а ва б) расмлардаги фарқ шундан иборатки, биринчи расмда транспорт воситасининг чорраҳадан ортга қайрилиши ёки чапга бурилиши тақиқланади. Бироқ унга чорраҳадан ўтгандан сўнг бу манёврларни бажаришга рухсат этилади.



а)

б)

Иккинчи расмда эса, белгининг таъсир худуди чорраҳанинг ажратиш бўлагигача. Бунда транспорт воситасига ажратиш бўлагидан сўнг чапга бурилиш ёки ортга қайрилишга рухсат этилади.



Мазкур белги йўл бўйлаб ўнг томонда жойлашган ҳовли ва йўлга туташ бошқа ҳудудларга бурилишни тақиқламайди.

4.1.2. «Ҳаракатланиш ўнгга»



4.1.2.

Мазкур белги чорраҳаларнинг олдида ўрнатилиб, белгиланган йўналишда қатнайдиغان транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига тўғрига ҳаракатланишни, чапга бурилишни ва ортга қайрилишни тақиқлайди.



4.1.3.

4.1.3. «Ҳаракатланиш чапга»

Мазкур белги чорраҳаларнинг олдида ўрнатилиб, белгиланган йўналишда қатнайдиغان транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига тўғрига ҳаракатланишни, ўнгга бурилишни тақиқлайди, бироқ ортга қайрилишга рухсат этади.



4.1.4.

4.1.4. «Ҳаракатланиш тўғрига ёки ўнгга»

Мазкур белги чорраҳаларнинг олдида ўрнатилиб, белгиланган йўналишда қатнайдиغان транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига чапга бурилишни ва ортга қайрилишни тақиқлайди.



4.1.5.

4.1.5. «Ҳаракатланиш тўғрига ёки чапга»

Мазкур белги чорраҳаларнинг олдида ўрнатилиб, белгиланган йўналишда қатнайдиغان транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига ўнгга бурилишни тақиқлайди, бироқ ортга қайрилишга рухсат этади.



4.1.6.

4.1.6. «Ҳаракатланиш ўнгга ёки чапга»

Мазкур белги чорраҳаларнинг олдида ўрнатилиб, белгиланган йўналишда қатнайдиغان транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига тўғрига ҳаракатланишни тақиқлайди, ортга қайрилишга рухсат этади.

4.1.1-4.1.6 белгиларининг белгиланган йўналишли транспорт воситаларига дахли йўқ.

4.1.1-4.1.6 белгиларининг таъсири қатнов қисмининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, фақат шу кесишмага татбиқ этилади.



4.2.1.

4.2.1. «Тўсиқни ўнгдан четлаб ўтиш»

Барча транспорт воситалари ҳайдовчиларига тўсиқни ушбу белги ўрнатилган жойнинг ўнг тарафидан четлаб ўтишга буюради.



4.2.2.

4.2.2. «Тўсиқни чапдан четлаб ўтиш»

Барча транспорт воситалари ҳайдовчиларига тўсиқни ушбу белги ўрнатилган жойнинг чап тарафидан четлаб ўтишга буюради.



4.2.3.

4.2.3. «Тўсиқни ўнгдан ёки чапдан четлаб ўтиш»

Йўлдаги хавфсизлик майдончаларининг ажратиш бўлақларини, устунларни, таъмирлаш ишлари бўлаётган йўл қисмларини четлаб ўтишда ушбу белгилар ўрнатилиб, улар қайси тарафдан четлаб ўтиш лозимлигини буюради.



а)



б)



в)



4.3.

4.3. «Айланма ҳаракатланиш»

Бу белги майдонлар олдида ўрнатилиб, майдон ўртаси текис бўлса ҳам, уни тўғри кесиб ўтмасдан, соат стрелкасига тескари йўналишда айланиб ўтиш кераклигини кўрсатади.




4.4. «Енгил автомобиллар ҳаракатланади»



4.4.

Бу белгида фақатгина енгил автомобиль ифодаланган бўлса ҳам, белги енгил автомобиллар билан бирга барча турдаги автобуслар, мотоцикллар ва тўла вазни 3,5 тоннадан кам бўлган юк автомобилларининг ҳаракатланишига рухсат этади, бироқ тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари ва тракторларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди.



Белгининг таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчи фуқароларга тегишли, уларга ва корхоналарга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига бу белги татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга энг яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

4.5. «Велосипед йўлкаси»



4.5.

Бу белги велосипед ва мопедларда ҳаракатланишга рухсат этилишини билдиради. Тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлмаса, велосипед йўлкасидан пиёдаларнинг юришига ҳам рухсат этади.

4.6. «Пиёдалар йўлкаси»



4.6.

Бу белги фақат пиёдаларнинг юришига рухсат этади. Баъзан белги метро станциялари оралиғида пиёдаларнинг бир тарафлама ҳаракатини жорий этиш учун ҳам ишлатилади.

4.7. «Энг кам тезлик»



4.7.

Белгида кўрсатилган ёки ундан юқори тезликда ҳаракатланишни талаб этади. Аксарият ҳолларда кўп бўлакли йўлларнинг чап бўлағида транспорт воситаларининг тезлигини ошириш мақсадида ушбу белгидан фойдаланадилар. Бунда юқори тезлик чегараси йўл ҳаракати қоидалари бўйича қолаверади. Баъзан бу белги 7.14. «Ҳаракатланиш бўлағи» белгиси билан биргаликда бўлакнинг ўзига ўрнатилади.



4.8. «Энг кам тезлик белгиланган йўлнинг охири»



4.8.

4.7. белгининг таъсир қисмини қисқартириш учун ишлатилади. Бу белги ўрнатилган жойдан бошлаб ҳаракатланиш тезлигини ўзгартиришга рухсат этилади, лекин юқори тезлик чегараси йўл ҳаракати қоидалари бўйича қолади.

Ахборот-кўрсаткич белгилари

Ахборот-кўрсаткич белгилари маълум ҳаракат тартибларини киритади ёки уларни бекор қилади ҳамда аҳоли пунктлари ва бошқа манзилларнинг жойлашуви ҳақида маълумот беради. Ахборот-ишора белгилари асосан тўртбурчак шаклга эга бўлиб, яшил (автомагистралга тегишли белги), сариқ (вақтинчалик ўрнатилган белгилар), оқ ва кўк рангли белгилардан иборат.



5.1.

5.1. «Автомагистрал»

Махсус тартиб (қоидалар) ўрнатилган ва транспорт воситаларининг тез ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган автомагистралларнинг бошланишига ушбу белги ўрнатилади.



5.2.

5.2. «Автомагистралнинг охири»

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб махсус тартиб талаблари бекор қилинади ва «Автомобиллар учун мўлжалланган йўл» тартиби кучга киради.

5.3. «Автомобиллар учун мўлжалланган йўл»



5.3.

Ушбу белги барча турдаги автомобиллар, автобус ва мотоциклларнинг ҳаракатланишига рухсат этади, аммо отарава, велосипед каби транспортларнинг ҳаракатини тақиқлайди.

5.4. «Автомобиллар учун мўлжалланган йўлнинг охири»



5.4.

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат этилади.

5.5. «Бир томонлама ҳаракатланиш йўли»



5.4.

Тор кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг ҳаракатини йўлнинг қатнов қисми бўйича бир томонлама жорий этиш учун ушбу йўл белгисидан фойдаланилади. Бу белги йўл бошида ўрнатилиб, ҳаракат давомида орқага қайрилишни тақиқлайди. Аҳоли пунктларида бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларнинг чап тарафида тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади. Бир тарафлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларда ҳовли ва йўлга туташ бошқа ҳудудларга бурилиш тақиқланмайди.



5.6. «Бир томонлама ҳаракатланиш йўлининг охири»



5.6.

Ушбу белги транспорт воситалари бир томонлама ҳаракатланадиган йўлнинг тугаганлигини билдиради.

5.7.1, 5.7.2. «Бир томонлама ҳаракатланиш йўлига чиқиш»



5.7.1.

5.7.2.

Ушбу белги чорраха олдида ўрнатилиб, ҳайдовчига кеси-



шадиган йўлда белги йўналиши бўйича бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилганини кўрсатади.

5.8.1. «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши»



5.8.1.

Ушбу белги чоррахага яқин (чоррахада) кўп бўлакли кенг йўлларда ҳаракатланиш тартибини белгилайди. Ҳайдовчилар-



нинг тушунишлари осон бўлиши учун бир белгида учтагача бўлақдаги ҳаракатланишни ифодалаш мумкин. Бўлақлар сони учтадан ортиқ бўлса, яна белги киритиш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, чапга бурилишга рухсат этилган жойдан орқага қайрилиш ҳам мумкин. Юқоридаги расмда ҳар бир бўлақ бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналиши кўрсатилган.

5.8.2. «Бўлақ бўйича ҳаракатланиш йўналиши»



5.8.2.

Ушбу белги аввалги 5.8.1 белгининг бир тури бўлиб, ҳар бир бўлақдаги ҳаракатланиш тартиби алоҳида белги билан кўрсатилади.

Йўлнинг четки чап бўлагидан чапга бурилишга рухсат берувчи 5.8.1 ва 5.8.2 белгилари шу бўлақдан қайрилишга ҳам рухсат беради.


Чорраҳадан олдин ўрнатилган 5.8.1 ва 5.8.2 белгиларининг таъсири, агар шу туркумдаги бошқа белгилар ўрнатилмаган бўлса, бутун чоррахага татбиқ этилади.

5.8.3. «Бўлакнинг бошланиши»



5.8.3.

Йўлнинг баландликка кўтариладиган қисмларида оғир юк автомобиллари ва секин юрадиган транспортлар



бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бермаслиги учун, уларга қўшимча бўлак ажратилиб,

бўлакнинг бошланиши жойига ушбу белги ўрнатилади, бўлак охирига эса 5.8.5 «Бўлак охири» белгиси ўрнатилади.

Агар қўшимча бўлак олдида 4.7. «Энг кам тезлик» белгиси ўрнатилган бўлса, кўрсатилган ёки ундан каттароқ тезликда ҳаракатлана олмайдиган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий бўлақдан қўшимча бўлаққа қайта тизилиши керак.

5.8.4. «Бўлакнинг бошланиши»



5.8.4.


Уч бўлакли йўлларда ўрта бўлақдан фойдаланишга рухсат этиладиган қисм олдида ушбу белги ўрнатилиб, бу бўлақ секин юрадиган транспорт воситаларидан ўзиб кетишга имкон беради.



5.8.5.

5.8.5. «Бўлак охири»

Баландликка кўтарилиш ёки тўхташ қисмидаги қўшимча бўлакнинг охири.



5.8.6.

5.8.6. «Бўлак охири»


Уч бўлакли йўлнинг фойдаланишга рухсат этилган ўрта бўлақ қисми тугаши олдида ушбу белги ўрнатилади.

5.8.7, 5.8.8. «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши»



5.8.7.

Ушбу белгилар чорраха олдида ўрнатилиб, транспорт воситаларининг рўпара қатновларига мўлжалланган уч бўлакли йўлларда ҳаракатланиш тартибини белгилайди.



5.8.8.

Бу белгилар бўлмаса, ҳайдовчи ўрта бўлакни иккала тарафдан қувиб ўтишга мўлжалланган деб ўйлаши мумкин. Баъзи ҳолларда транспорт оқимининг тезлигини ошириш учун юк автомобилларининг ўрта бўлақ бўйича ҳаракатланиши тақиқланади. Юк автомобиллари чекка (ўнг) бўлақдан ҳаракатланади.

Агар 5.8.7 белгида бирор транспорт воситасининг ҳаракатланишини тақиқловчи белги тасвирланган бўлса, унда бу транспорт воситасининг тегишли бўлақда ҳаракатланиши тақиқланади.



5.8.7 ва 5.8.8 белгилари йўналишлар сонига кўра тўрт ва ундан ортиқ бўлакли йўлларга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Тасвири алмашадиган 5.8.7 ва 5.8.8 белгилари ёрдамида реверсив ҳаракат ташкил этилиши мумкин.

5.9. «Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлак»



5.9.

Ушбу белги транспорт воситаларининг оқими бўйича йўналган, белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлакни белгилашда ишлатилади. Ушбу бўлак бошқаларидан сидирға чизик билан ажратилган бўлса, у ҳолда бу бўлакка бошқа транспорт воситаларининг кириши тақиқланади. Агар узук чизикчалар билан чегараланган бўлса, у ҳолда йўловчи тушириш ёки олиш, ўнгга бурилиш учун бўлакка кириш мумкин.




Белги қайси бўлак устида жойлашган бўлса, шу бўлакка татбиқ этилади. Йўлнинг ўнг томонига ўрнатилган белгининг таъсири ўнг бўлакка татбиқ этилади.

5.10.1. «Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўл»



5.8.4.

Ушбу белги бир томонлама ҳаракатланиш йўлининг четки чап бўлаги белгиланган йўналишли транспорт воситаларига ажратилгани ҳақида ахборот беради. Бўлак бошқаларидан (узук бўлмаган) сидирға чизик билан ажратилиб, унга бошқа транспорт воситаларининг кириши тақиқланади.



5.10.2, 5.10.3. «Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлга чиқиш»



5.10.2. 5.10.3

Ушбу белгилар кесишадиган йўлда бир томонлама ҳаракатланиш жорий қилинганлигини билдириб, йўлнинг бир бўлаги белгиланган йўналишли транспорт воситаларига ажратилган ва унинг бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига қарама-қарши йўналишда эканлигидан ахборот беради.



5.10.4. «Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлнинг охири»



5.10.4.


Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб барча транспорт воситалари йўл қатнов қисмининг барча кенглиги бўйича ҳаракатланиши, тўхташи ва тўхтаб туриши мумкин.

5.11.1. «Қайрилиш жойи»



5.11.1.

Ушбу белгининг таъсир доираси ҳудудида транспорт воситаларининг бурилиш жойи кўрсатилади. Бу жойда чапга



бурилиш тақиқланади.

5.11.2. «Қайрилиш оралиғи»



5.11.2.

Ушбу белги транспорт воситаларининг икки қатор бўлиб қайрилиш жойи ва унинг оралиғини белгилайди. Бу жойда транспорт воситаларининг чапга бурилиши тақиқланади.

5.12. «Автобус ва троллейбус тўхташ жойи»



5.12.

Ушбу белги автобус ва троллейбусларнинг тўхташ ва тўхтаб туриш жойларини кўрсатиб, белги ўрнатилган жойдан 15 метргача масофада бошқа транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланади.

5.13. «Трамвай тўхташ жойи»



5.13.

Ушбу белги трамвайнинг тўхташ ва тўхтаб туриш жойини кўрсатиб, белги ўрнатилган жойдан 15 метргача масофада бошқа транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланади.

5.14. «Такси тўхтаб туриш жойи»



5.14.

Ушбу белги таксиларининг тўхташ ва тўхтаб туриш жойларини кўрсатиб, белги ўрнатилган жойдан 15 метргача масофада бошқа транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланади.

5.15. «Тўхтаб туриш жойи»



5.15.

Транспорт воситаларининг қисқа ва узоқ муддатга тўхтаб туриш жойи.

5.16.1, 5.16.2. «Пиёдалар ўтиш жойи»




5.16.1



5.16.2

«Пиёдалар ўтиш жойи». Ўтиш жойи олдида 1.14.1-1.14.2 ётиқ чизиғи бўлмаганда 5.16.2 белгиси йўлдан ўнг томонга ўтиш жойининг олд чегарасига,



5.16.1 белгиси эса чап томонга ўтиш жойининг орқа чегарасига ўрнатилади.

5.17.1, 5.17.2. «Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи»



5.17.1



5.17.2

Ушбу белгилар ер остидан (серкатнов кўчаларнинг остидан) ўтиш жойларини кўрсатади.

5.17.3, 5.17.4. «Пиёдаларнинг ер устидан ўтиш жойи»



5.17.1



5.17.2

Ушбу белгилар ер устидан (кўпинча темир йўл ташлама кўприклари устидан) ўтиш жойларини кўрсатади.

5.18. «Тавсия этилган тезлик»



5.18.

Ушбу белги йўлнинг шарт-шароитлари ёки метеорология (об-ҳаво) шароитларига қараб, шу йўл қисми учун маъқул тезликни (белгида кўрсатилган) тавсия қилади. Белги биринчи чорраҳагача таъсир қилади. Агар мазкур белги огоҳлантирувчи белги Билан бирга қўлланса, унинг таъсир оралиғи хавфли қисмнинг узунлиги билан аниқланади.

5.19.1-5.19.3. «Охири берк йўл, кўча»



5.19.1.





5.19.2.



5.19.3.

Ушбу белги йўлнинг давоми йўқ, охири берк эканлигини кўрсатиб, ҳаракатланишни (кўчага киришни) тақиқламайди).

5.20.1. «Йўналишнинг дастлабки кўрсаткичи»



5.20.1

Белгида кўрсатилган аҳоли пункти ёки манзилга автомагистрал орқали бориладиган бўлса, асоси яшил, оддий йўлларда асоси ҳаво

ранг, шаҳар йўлларида асоси оқ белгилар билан ҳаракат йўналиши кўрсатилган бўлади. Белгида белги ўрнатилган жойдан чорраҳагача бўлган масофа ёки йўналишлар бўйича, қўшимча ахборотлар ёхуд 3.11-3.15 тақиқловчи белгилардан бири ўрнатилган қисмни айланиб ўтиш кераклиги акс эттирилиши мумкин. Белги шаҳар йўлларида 50-100 метр, шаҳардан ташқарида 150-300 метр масофада, автомагистралларда 300 метр ва ундан ортиқ масофаларда ўрнатилади.

5.20.2. «Йўналишларнинг дастлабки кўрсаткичи»

Белгида кўрсатилган аҳоли пункти ва бошқа манзилларга ҳаракатланиш йўналишини билдиради. Белгида 5.29.1 белгисининг ҳамда автомагистрал, аэропорт ва бошқа рамзий белгилар тасвири туширилган бўлиши мумкин. 5.20.1 белгисида ҳаракатланиш тартибининг хусусиятлари тўғрисида ахборот берувчи бошқа белгиларнинг тасвири ҳам тушган бўлиши мумкин. 5.20.1 белгисининг паст қисмида белги ўрнатилган жойдан чорраҳагача бўлган масофа кўрсатилади. 5.20.1 белгиси йўлнинг 3.11-3.15 тақиқловчи белгиларидан бири ўрнатилган қисмларини айланиб ўтиш йўналишини кўрсатиш учун ҳам қўлланилади.



5.20.2.

5.20.3. «Ҳаракатланиш тавсифи»



5.20.3.

Ушбу белги бирор йўналиш бўйича ҳаракатланиш тақиқланадиган мураккаб чорраҳаларда ҳаракатланиш тартибини кўрсатади. У чорраҳа олдида ўрнатилиб, айрим ҳаракатлар тақиқланган вақтда ёки серқатнов чорраҳада рухсат этилган ҳаракатланиш тартибини кўрсатади.

5.21.1. «Йўналиш кўрсаткичи»



5.21.1.

Манзил томон бурилиш жойида ушбу белги ўрнатилиб, манзилгача қанча километр масофа қолганини кўрсатади.

5.21.2. «Йўналишлар кўрсаткичи»



5.21.2.

Ушбу белги бир неча манзил томон ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади. Унда манзилларгача бўлган масофа (км) кўрсатилиши, автомагистраллар, аэропортлар ва бошқа рамзий белгилар тасвирланган бўлиши мумкин.


5.22. «Аҳоли пунктининг бошланиши»



5.22.

Асоси оқ рангда, аҳоли яшаш жойининг номланиши қора рангда ёзилган бундай белгилар юқори тезликни соатига 70 км билан чегаралаб, товуш мосламаларидан фойдаланишни тақиқлайди. Ушбу белги аҳоли пунктларида ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларга амал қилинадиган жойининг номи ҳамда унинг бошланиши.

5.23. «Аҳоли пунктининг охири»



5.23.

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб, аввалги белги 5.22 белгига тегишли ҳудуд ва ҳаракатланиш қоидалари бекор бўлади.

5.24. «Аҳоли пунктининг бошланиши»



5.24.

Асоси ҳаво ранг, ёзуви оқ рангда ёзилган бундай белгилар ҳаракат тезлиги ва товуш мосламаларидан фойдаланишни чекламасдан, фақат белгида ёзилган географик жой номини билдиради. Ушбу белги ўрнатилган жойда аҳоли пунктларидаги йўлларда жорий этилган тартиб талаб этилмайди.

Мазкур белги аҳоли пунктларида ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларга амал қилинмайдиган жойининг номи ҳамда унинг бошланиши.

5.25. «Аҳоли пунктининг охири»



5.25.

Ушбу белги 5.24 белгида кўрсатилган географик жойининг охири билдиради.

5.26. «Манзил номи»



5.26.

Аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг номи, аҳоли яшамайдиган жойларда эса дарё, кўл ва бошқа хушманзара жойларнинг номи ушбу белги билан кўрсатилади.

5.27. «Масофалар кўрсаткичи»



5.27.

Ушбу белги шаҳарлардан чиқиб кетиш жойларига ўрнатилиб, йўналиш бўйича жойлашган аҳоли яшайдиган манзилгача бўлган масофани билдиради. Ҳаракатдаги ҳайдовчи ўқиб улгуриши учун битта

белгида учтагача манзил номи ёзилиши мумкин. Мазкур белгидаги рақамлар йўналиш бўйича жойлашган аҳоли пунктларигача бўлган масофа (км)ни билдиради.



5.28. «Километр белгиси»

Ушбу белги йўл бошланганидан бошлаб ҳар бир километрда ўрнатилади.

5.28.

5.29.1, 5.29.2. «Йўл рақами»



5.29.1



5.29.2

Ушбу белгилар йўл рақами ва йўналишини кўрсатиб, ҳайдовчига автомобиль йўллари атласи бўйича ундан фойдаланишни осонлаштиради.

5.29.1 – йўлга берилган рақам, 5.29.2 – йўлнинг рақами ва йўналиши.

5.30.1-5.30.3. «Юк автомобиллари учун ҳаракатланиш йўналиши»



5.30.1



5.30.2



5.30.3

Ушбу белгилар чорраха олдида ўрнатилиб, юк автомобиллари ҳайдовчиларига энг қулай йўлни кўрсатади ва шу йўл бўйича ҳаракатланишни тавсия этади. Бошқа йўлларга бурилиш тақиқланмайди, лекин уларда тез орада юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқлайдиган белгига дуч келиш мумкин.

Чорраҳаларда юк автомобиллари, тракторлар ва ўзиюрар мосламаларга бирор йўналишда ҳаракатланиш тақиқланадиган бўлса, бундай транспорт воситаларига тавсия этилган ҳаракатланиш йўналишлари ҳақида ахборот беради.

5.31. «Айланиб ўтиш тасвири»




5.31.

Асоси сариқ рангда бўлган ушбу белги вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини айланиб ўтиш чизмасини кўрсатади. Белги аҳоли пунктида 50-100 м, аҳоли яшамайдиган жойларда 150-300 м масофада, баъзи ҳолларда айланиб ўтиладиган йўлнинг олдида ўрнатилади.

5.32.1-5.32.3. «Четлаб ўтиш йўналиши»



5.32.1



5.32.2



5.32.3

Асоси сариқ рангда бўлган ушбу белги вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш йўналишини кўрсатади. Бу белги аввалги белгига ўхшаб аҳоли пунктида 50-100 м, аҳоли яшамайдиган жойда 150-300 м масофада, баъзи ҳолларда айланиб ўтиладиган йўлнинг олдида ўрнатилади.

5.33. «Тўхташ»



5.33.

Ушбу белги светофорга 5-20 метр етмасдан, баъзи ҳолларда светофор остида ўрнатилиб, светофорнинг фақатгина тақиқловчи ишорасида транспорт воситаларининг тўхташ жойини кўрсатади.

5.34.1, 5.34.2. «Бошқа қатнов қисмига қайта тизилишнинг бошланғич кўрсаткичи»



5.34.1.



5.34.2.

Ушбу белги ажратувчи бўлакли йўлларда турли тадбирлар (халқ сайли, митинг, спорт йиғилишлари) сабабли вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини айланиб ўтиш йўналишини ёки



бошқа қатнов қисмига ўтиш йўналишини кўрсатади.

5.35. «Реверсив ҳаракатланиш»



5.35.

Ушбу белги йўлнинг бошида ўрнатилиб, бир ёки бир неча бўлақларда ҳаракатланиш йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради. Бу белги 1.9 ётиқ чизиғи Билан қўлланилади, шунингдек улар Билан бирга реверсив светофор ҳам қўлланилиши мумкин.



5.36.

5.36. «Реверсив ҳаракатланишнинг охири»

5.36 белги йўлнинг охирига ўрнатилиб, реверсив ҳаракатланишнинг охирини кўрсатади.



5.37.

5.37. «Реверсив ҳаракатланиш йўлига чиқиш»

Ушбу белги чорраҳа олдида ўрнатилиб, кесишадиган йўлнинг



бир ёки бир неча бўлакларида ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради.

5.38. «Турар жой даҳаси»



5.38.

Турар жой даҳаларида пиёдалар тротуардан ташқари катнов қисмида ҳам ҳаракатланишлари мумкин. Бунда пиёдалар имтиёзга эга бўладилар. Ҳайдовчига юргизгични ишлаб турган ҳолда тўхтаб туриши, механик транспорт воситасини бошқаришни ўргатиш ва тўла вазни 3.5 тоннадан ортиқ бўлган автомобилларнинг (махсус 5.38 майдон бўлмаса) тўхтаб туриши тақиқланади.

5.39. «Турар жой даҳасининг охири»



5.39.

Йўл ҳаракати қоидаларининг турар жой даҳаларида ҳаракатланиш тартиби ўрнатилган йўлнинг тугаганлигини билдиради.

5.40. «Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли»





5.40.

Тоғли йўлларда, доводда тик нишабликдан тушиб келаётган транспорт воситаларининг тўхтатиш тизими ишламай қолса, тўхтатиш учун ажратилган йўлга кириши мумкинлигини кўрсатади.

5.41. «Фото- ва видео қайд этиш»



5.41



Аҳоли пунктларидан ташқарида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларида яшил ёки кўк асосда кўрсатилган аҳоли пунктларига тегишли автомагистрал ёки бошқа йўллар орқали борилади.

Оқ асосда кўрсатилган манзил шу аҳоли пунктида жойлашганлигини билдиради.

Аҳоли пунктларида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларида оқ асосдаги яшил, кўк рангли қўшимчалар кўрсатилган аҳоли пунктига ёки тегишли манзилларга ҳаракатланиш ана шу аҳоли пунктидан чиқилгандан сўнг, автомагистрал ёки бошқа йўллар орқали амалга оширилишини билдиради.

Сервис белгилари

Сервис белгилари тўғри тўртбурчак шаклга эга бўлиб, чеккаси кўк, оққа қизил ёки қора рангда чизилган ишоралардан иборат.

Сервис белгилари транспорт воситалари, йўловчилар ва ҳайдовчиларга йўл ёқасида жойлашган хизмат кўрсатиш жойлари ҳақида маълумот беради.

6.1. «Тиббий ёрдам кўрсатиш жойи»



6.1.

Белги биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари, фельдшерлик пунктлари олдида ўрнатилади ёки барча сервис белгиларида ўрнатилган жойдан хизмат кўрсатиш жойигача бўлган масофа уларнинг остида акс эттирилиши мумкин.

6.2.»Шифохона»



6.2.

Белги шифохоналар, санитария-профилактик марказлар олдида ўрнатилади ёки белги ўрнатилган жойдан хизмат кўрсатиш жойигача бўлган масофа унинг остида кўрсатилади.

6.3. «Ёнилғи шохобчаси»



6.3.

Белги ёнилғи қуйиш шохобчалари олдида ўрнатилади ёки белги ўрнатилган жойдан хизмат кўрсатиш жойигача бўлган масофа унинг пастки қисмида (800 м) акс эттирилади.

6.4.»Техник хизмат кўрсатиш жойи»



6.4.

Белги транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш жойлари олдида ўрнатилади ёки белги ўрнатилган жойдан хизмат кўрсатиш жойигача бўлган масофа белгининг пастки қисмида (ўнгга 100 м) кўрсатилади.

6.5.»Транспорт воситаларини ювиш жойи»



6.5.

Белги транспорт воситаларини ювиш жойлари олдида ўрнатилади.

6.6. «Телефон»



6.6.

Белги бевосита телефонлар, таксофонлар, телефон тармоғи бўлган иншоотлар олдида ўрнатилади.



6.7. «Ошхона»

Белги овқатланиш жой (кафе, бар, чойхона)лари олдида ўрнатилади.

6.7.



6.8. «Ичимлик суви»

Белги бевосита ичимлик сувлари олдида ўрнатилади.

6.8.



6.9. «Меҳмонхона»

Белги меҳмонхоналар ҳамда отеллар олдида ўрнатилади.

6.9.



6.10. «Кемпинг»

Белги бевосита кемпинглар олдида ўрнатилади.

6.10.



6.11. «Дам олиш жойи»

Белги йўл ёқасида жойлашган қисқа муддат учун мўлжалланган дам олиш жойлари олдида ўрнатилади. Бундай жойларда майда техник хизмат кўрсатиш учун

6.11.

эстакада ёки кўздан кечириш чуқурчаси мавжуд бўлади.



6.12.»ЙПХ маскани»


Белги бевосита «Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» масканлари олдида ўрнатилади. Мазкур ҳудудда транспорт воситалари ҳайдовчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими»нинг ишорасига биноан тўхтаб, унинг талабларини бажаришлари лозим.

6.12.

Қўшимча ахборот белгилари

Қўшимча ахборот белгиларининг асоси оқ рангда бўлиб, доимо бошқа белгилар билан бирга қўлланилади ва уларнинг таъсирини муайянлаштиради ёки чеклайди.

7.1.1. «Объектгача бўлган масофа»



Ушбу белги:

7.1.1.

– огоҳлантирувчи белгилар билан қўлланса, хавфли жойгача бўлган масофани;

- имтиёз белгилари билан қўлланса, белгининг таъсири қанча масофадан кейин имтиёз ёки йўл бериш бошланишини;
- тақиқловчи белгилар билан қўлланса, қанча масофадан кейин йўлнинг ҳаракатланиши тақиқланадиган қисмининг бошланишини;
- ахборот-ишора белгилари билан қўлланса, чорраҳадан манзилгача бўлган масофани кўрсатади.




7.1.2.


7.1.2. «Объектгача бўлган масофа»

Чорраҳа ёки кесишма олдида 2.5. «Тўхтамасдан ўтиш тақиқланади» белги ўрнатилган бўлса, 2.4. «Йўл беринг» белги ўрнатилган жойдан чорраҳа ёки кесишмагача бўлган масофани кўрсатади.

7.1.3, 7.1.4. «Объектгача бўлган масофа»



7.1.3.



7.1.4.

Белгидан йўлнинг хавфли жойи, йўл ҳаракатига тегишли чекловлар киритиладиган жойи ёки ҳаракат йўналиши бўйича олдиндаги

муайян жойгача бўлган масофани кўрсатади.


7.2.1. - 7.2.6. «Таъсир оралиғи»



7.2.1.

Ушбу белги: огоҳлантирувчи белгилар билан қўлланса, йўлнинг хавфли қисми қанчагача давом этишини;

– тақиқловчи белгилар билан қўлланса, уларнинг таъсир оралиғини;



7.2.3.



7.2.3.




7.2.4.

– ахборот-ишора белгилари билан қўлланса, 5.15, 5.18 белгиларининг таъсир оралиғини кўрсатади.


7.2.2–3.27 – 3.30 тақиқловчи белгиларининг таъсири сақланган оралиқни кўрсатади.

7.2.3–3.27 - 3.30 тақиқловчи белгиларининг таъсир оралиғи охири кўрсатади.

7.2.5, 7.2.6 - майдон, бинолар олди ва шунга ўхшаш жойлар



7.1.5.



7.2.6.

четида тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланганда 3.27–3.30 белгиларининг таъсир оралиғи ва йўналишини кўрсатади.

7.3.1-7.3.3. «Таъсир йўналишлари»



7.3.1.



7.3.2.



7.3.3.

Ушбу белгилар чорраҳа олдида ўрнатилган тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-ишора белгилари билан қўлланилиб, уларнинг таъсир йўналишини кўрсатади.



а)



б)

7.4.1-7.4.7. «Транспорт воситасининг тури»



7.4.1



7.4.2



7.4.3




7.4.4



7.4.5




7.4.6



7.4.7

Ушбу белгилар асосий белгилар билан бирга қўлланилиб, асосий белгининг таъсири қайси турдаги транспортга тааллуқли эканини тасвирдаги сурат оркали кўрсатади. Енгил автомобиль сурати тасвирланган 7.4.3 белги



тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган юк автомобилларига ҳам тааллуқли, юк автомобили сурати тасвирланган 7.4.1 белги эса тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган автомобилларга тегишли. Белгининг таъсири жорий этилган транспорт воситалари турини кўрсатади. 7.4.1 қўшимча белгисининг таъсири юк ташувчи, шу жумладан, тиркамали, тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситаларига, 7.4.3 қўшимча белгиси эса енгил автомобилларга, шунингдек, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган юк ташувчи транспорт воситаларига татбиқ этилади.

7.5.1. «Шанба, якшанба ва байрам кунлари»



7.5.1.

Асосий белгилар остига ўрнатилган ушбу белги асосий белгининг ойнинг байрам кунига, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунига тегишли эканлигини кўрсатади.

7.5.2. «Иш кунлари»



7.5.2.

Белги остига ўрнатилган ушбу белги асосий белгининг ҳафтанинг иш кунига тегишли эканлигини кўрсатади.

7.5.3. «Ҳафта кунлари»




7.5.3.

Асосий белгилар остига ўрнатилган ушбу белги асосий белги ҳафтанинг қайси кунига тегишли эканлигини кўрсатади.

Белгида ҳафтанинг қайси кунлари амал қилиниши акс эттирилган бўлади.

7.5.4. «Амал қилиш вақти»




7.5.4.

Асосий белги билан қўлланилган ушбу белги асосий белгига куннинг қайси вақтида амал қилинишини кўрсатади.


7.5.5. - 7.5.7. «Амал қилиш вақти»



7.5.5




7.5.6



7.5.7

Асосий белгилар билан кўрсатилган 7.5.5 белги асосий белгига ойнинг байрам кунлари ҳамда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларининг қайси вақтида амал қилинишини кўрсатади.

7.6.1 - 7.6.9. «Транспорт воситасини тўхтаб туриш жойига қўйиш усули»



а)



б)

Ушбу белгилар «Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланилиб, енгил автомобиллар ва мотоциклларнинг тротуар ёнига қўйиш усулини кўрсатади. «Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланилган 7.6.1 белги барча турдаги транспорт воситаларининг тўхтаб туриш усулини кўрсатади.

7.6.1 – барча турдаги транспорт воситаларини тўхтаб туриш учун йўлнинг қатнов қисмида, пиёдалар йўлкаси ёнида қўйиш усули.

7.6.2–7.6.9 – пиёдалар йўлкаси ёнидаги тўхтаб туриш жойига енгил автомобиллар ва мотоциклларни қандай қўйиш усули.

Юқоридаги расмда йўл четига транспорт воситаларининг қўйиш усуллари кўрсатилган. Бу белгининг таъсир ҳудудида оғирлиги 3,5 тоннадан ошган юк автомобиллари ва ўзинюар механик транспорт воситаларини қўйиш тақиқланади. Бироқ енгил автомобиллар ҳамда мотоциклларнинг тўхташига рухсат этилади.


7.7. «Юргизгични ишлатмасдан тўхтаб туриш жойи»



7.7.

Касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, аҳоли зич яшайдиган ва шунга ўхшаш жойларда экологияни бузмаслик мақсадида «Тўхтаб туриш жойи» билан бирга 7.7 белги қўлланилиб, тўхтаб туриш жойида фақат юргизгичи ишламаётган транспорт воситаларининг тўхтаб туришига рухсат этилишини билдиради. 5.15 белги билан биргаликда қўлланганда, тўхтаб туриш фақат юргизгичи ишламаётган транспорт воситаларигина тўхтаб туришига рухсат этилганини билдиради.


7.8. «Пулик хизмат кўрсатиш жойи»



7.8.

«Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланган ушбу белги тўхтаб туриш жойининг пулик эканини англатади.

7.9. «Тўхтаб туриш муддати чекланган»



7.9.

Дўкон, бозор ва шунга ўхшаш жойларда харидорларнинг тўхтаб туриш жойидан фойдаланиш самардорлигини ошириш учун «Тўхтаб туриш жойи» билан бирга қўлланган ушбу белги тўхтаб туриш муддатини чеклайди.

5.15 белги ўрнатилган тўхтаб туриш жойида транспорт воситалари тўхтаб туришининг энг кўп муддатини кўрсатади.


7.10. «Автомобилларни кўриқдан ўтказиш жойи»



7.10.

Тўхтаб туриш (5.15) ёки дам олиш жойида (6.11) автомобилларга майда техник хизмат кўрсатиш учун эстакада ёки кўздан кечириш чуқурчаси бор эканини билдиради. 5.15 ёки 6.11 белги билан кўрсатилган майдонларда эстакада ёки кўздан кечириш чуқурчалари борлигини билдиради.

7.11. «Рухсат этилган тўла вазни чекланган»



7.11.

Белгининг таъсири рухсат этилган тўла вазни қўшимча-ахборот йўл белгисида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлган транспорт воситаларига тааллуқли эканлигини кўрсатади.

7.12. «Хавфли йўл ёқаси»



7.12.

«Таъмирлаш ишлари» белгиси билан қўлланилган ушбу белги йўл ёқасида йўл ишлари олиб борилаёт-

ганини, йўлдан ташқарига чиқиш хавфли эканлигини кўрсатади. Йўл ишлари бажарилаётгани сабабли йўл ёқасига чиқиш хавфли эканлиги ҳақида огоҳлантиради, 1.23 белги билан қўлланилади.

7.13. «Асосий йўлнинг йўналиши»



7.13.

Ушбу белги асосий йўл йўналиши ўзгарганда «Асосий йўл», «Йўл беринг», «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади» белгилари билан қўлланилади.

7.14. «Ҳаракатланиш бўлаги»



7.14.

Бу белги асосий белгилар ёки светофор билан бирга қўлланилиб, уларнинг таъсири қўшимча белги кўрсатадиган бўлакка тегишли эканлигини билдиради.

7.15. «Кўзи ожиз пиёдалар»



7.15.

Ушбу белги «Пиёдалар ўтиш жойи» 1.20, 5.16.1, 5.16.2 белгилари ҳамда светофор билан бирга қўлланилиб, ҳайдовчига пиёдалар ўтиш жойидан кўзи ожизлар ўтиши мумкинлигини билдиради ва пиёдалар ўтиш жойидан кўзи ожиз кишилар фойдаланиши ҳақида огоҳлантиради.

7.16. «Нам қоплама»



7.16.

Юқори тезликнинг чекланиши, энг кам оралиқнинг чекланиши сабабларини маълум қилиш учун асосий белгилар билан бирга 7.16 белги қўлланилади. Белги қатнов қисмининг қопламаси нам бўлган вақтда таъсир этишини кўрсатади.

7.17. «Ногиронлар»



7.17.

Асосий белгилар билан қўлланилган ушбу белги асосий белги фақат ногиронларга тегишли эканини билдиради. «Тўхтаб туриш жойи» белгиси 7.17 белги билан қўлланилса, тўхтаб туриш жойи фақат ногиронларга тегишли автомобиль ёки мотоқоляскага тааллуқли бўлади. Мазкур белги 5.15 белги билан қўлланилади. Тўхтаб туриш жойи (ёки унинг бир қисми) ЙХҚнинг 175- бандига мувофиқ, «Ногирон» таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситалари учун ажратилганлигини кўрсатади.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 176-банди).


7.18. «Ногиронлар мустасно»



7.18.

Тақиқловчи белгилар билан ўрнатилган ушбу белги тақиқловчи белгининг ногиронларга тегишли автомобиль ёки мотоколяскага тааллуқли эмаслигини билдиради. Белгиларнинг таъсири ушбу ЙХҚнинг 176-бандига мувофиқ, «Ногирон» таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситаларига ва мотокажаваларга жорий этилмайди.

7.19. «Фото ва видео қайд этиш»



7.19

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатлари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилаётганлигини билдиради. Огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот ишора белгилари билан биргаликда қўлланилади.

Қўшимча белгилар қайси белги билан бирга жорий этилса, бевосита ўша белгининг тагига жойлаштирилади. 7.2.2-7.2.4, 7.13 қўшимча белгилари йўлнинг, йўл ёқасининг, пиёдалар йўлкасининг тепасига ўрнатилган белгининг ёнига жойлаштирилади.

Вақтинчалик (кўчма тиргакдаги) ва доимий белгилар маъно жиҳатдан бир-бирига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар вақтинчалик ўрнатилган белгиларга амал қилишлари керак.

Огоҳлантирувчи, тақиқловчи, буюрувчи, ахборот-ишора йўл белгиларининг тагида мазкур йўл белгисининг таъсир оралиғини кўрсатувчи 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси ўрнатилган бўлса, йўл белгиларининг таъсир оралиғи охирини кўрсатувчи йўл белгиси ўрнатилиши шарт эмас.

6-§. Йўл чизиклари

Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишда йўл чизикларининг аҳамияти, уларнинг турлари

Йўл чизиклари ҳаракатланишни ташкил этишда ҳайдовчининг асосий эътибори йўналтирилган жойларга чизилади.

Йўл чизиклари ётиқ ёки тик чизик гуруҳларига бўлинади.

Йўл чизикларини йўл шароитларининг ўзгаришига қараб ишла-тиш қоидалари ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилиш техник воситалари», уларнинг элементларига қўйиладиган талаблар эса ГОСТ 13508-74 «Белги чизиклари»да келтирилган.

Ҳаракатнинг тартибини белгиловчи йўл чизикларига йўлнинг қатнов қисмига, тўсиқларга ва бошқа йўл иншоотларига тушириладиган чизиклар, ёзувлар ва ҳар хил белгилар киради.

Автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил қилишнинг самарадор усулларида бири йўл чизикларини ишлатишдир. Йўл чизикларини ишлатиш йўл-транспорт ҳодисалари сонининг 30-50 % камайишига олиб келади.

Ишлатиш вазифаси бўйича йўл чизиклари йўл белгиларига кўпинча мос келади. Лекин кўпчилик ҳолларда йўл чизиклари бир қатор афзалликларга эга. Йўл чизиклари ҳайдовчиларни ён атрофга қаратиб чалғитмасдан нигоҳини йўлнинг қатнов қисмига қаратган ҳолда кўрсатмалар беради, шунинг билан биргаликда улар ҳайдовчига йўл белгиларига нисбатан узоқ муддат мобайнида таъсир қилади. Йўл чизикларининг камчилиги тез едирилиши, ифлосланиши ва қор тагида кўринмаслиги.

Юқорида таъкидланганидек, йўл чизиклари икки гуруҳга бўлинади: ётиқ ва тик йўл чизиклари.

Ётиқ йўл чизиклари такомиллаштирилган қопламали йўлларда туширилиб, қуйидаги турларга бўлинади:

- бўйлама чизиклар;
- кўндаланг чизиклар;
- хавфсизлик оролчаси;
- аҳоли яшаш жойини, маршрут йуналишини билдирувчи ёзувлар ва бошқа чизиклар.

Ётиқ йўл чизиклари аҳоли пунктларида тез юрар, магистрал йўлларда, шунингдек, йуналиши белгиланган транспортлар қатнайдиган йўлларда туширилади.

Ётиқ йўл чизиклари аҳоли яшамайдиган жойларда ҳаракат миқдори суткасига 1000 автомобиль ва ундан ортиқ ҳамда қатнов қисмининг кенглиги 6 м ва ундан кўп бўлган йўлларда туширилади. Бунда йўл чизиғи билан белгиланган кенглик 3,0 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Тик йўл чизиклари турли таянчларни, кўприк, йўл ўтказгичларнинг тўсиқларини, тоннелларнинг деворларини, йўл тўсиқларининг ён томонларини, хавфли жойларда ўрнатилган хавфсизлик оролчаларини белгилашда ишлатилади.

Ётиқ чизиклар

Ётиқ белги чизиклари биринчи йўл чизиклари гуруҳига кириб, жами 23 хил бўлади. Қуйида ҳар бир белги чизигининг ўлчамлари ва қандай йўл шароитида ишлатилиши кераклиги тўғрисида маълумот берилган.

Бўёқлар билан белгиланган йўл чизиги тез едирилиб кетмайди.

Йўл чизиклари оқ, қора ва сариқ рангларда белгиланади.

Йўл чизигини кўпчилик ҳолларда табиий оқ тошлардан ёки смолага (клейга) фарфор синиқларини қўшиб ишлатилиши амалда учраб туради. Шаҳар кўчаларида эса металдан қилинган «кнопка» шаклидаги йўл белги чизиклари пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилашда ишлатилади.


Ётиқ чизиклар йўлнинг қатнов қисми юзасига чизилади. Бўйлама ётиқ чизиклар ва уларнинг моҳияти қўйида келтирилган расмларда кўрсатилган.

Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиклар, ишоралар, ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартибини белгилайди.


Йўл юзасидаги ётиқ чизиклар оқ рангда бўлади (1.4, 1.10 ва 1.17 чизиклар сариқ рангда бўлади).

Ётиқ чизиклар ва уларнинг хусусиятлари


1.1. Йўлнинг ўртасида чизилган энсиз, сидирға оқ чизик қарама-қарши транспорт оқимини ажратади. Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.




Йўлнинг хавфли жойларида ҳаракатланиш бўлаклари ўртасида чизилган узлуксиз оқ рангдаги сидирға чизик бўлақларнинг чегарасини билдиради. Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.



1.1. Расмдаги (1.16.2 ва 1.16.3 йўл чизиклари транспорт оқимлари ажраладиган ёки қўшиладиган хавфсизлик оролчаси чегаралари) йўлнинг ҳаракатланиш тақиқланадиган қисми (транспорт воситалари оқими ажраладиган ёки қўшиладиган



хавфсизлик оролчалари чегараси)ни англатади. Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.




1.1. Йўлнинг чеккаси ва махсус майдончаларда чизилиб, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойи чегарасини билдиради. Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.

1.1. Йўлнинг чеккасига чизилган энсиз сидирға оқ чизик ҳаракатланиш қисмининг чегарасини билдиради. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.2. Автомагистралларда қатнов қисмининг чеккасига чизилган энли (20 см) узлуксиз сидирға чизик қатнов қисмининг чегарасини билдиради. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.

1.3. Йўлнинг ўртасида чизилган параллел икки сидирға оқ чизик тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларининг оқимини ажратади. Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.




1.4. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тўсиққа (бордюрга) чизилган сариқ чизик транспорт воситаларининг тўхташини тақиқлайди. Белгиланган йўналишли транспортларга чизикнинг дахли йўқ. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.5. Йўлнинг ўртасига чизилган энсиз узук-узук оқ рангдаги чизик икки ёки ундан ортиқ бўлакли йўлларда бўлақларнинг чегарасини билдиради (оралиқ масофанинг чизикқа нисбати 3/1)



Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин. Бир йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган икки ёки ундан ортиқ бўлакли йўлларда бўлақларнинг чегарасини билдиради (оралиқ масофанинг чизикқа нисбати 3/1).



1.6. Яқинлашиш чизиғи (ҳар бир чизик узунлиги улар орасидаги масофадан уч баробар катта бўлган узук-узук чизик) қарама-қарши ёки бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи **1.1.** ёки **1.11.** чизикқа яқинлашаётганлик ҳақида огоҳлантиради. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.7. Расмдаги энсиз узук-узук, оралиғи қисқа оқ чизиклар чорраҳалардаги ҳаракатланиш бўлакларини билдиради. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.

1.8. Энли узук-узук чизик секинланиш ёки тезланиш бўлаги билан йўлнинг ҳаракатланиш қисмидаги асосий бўлаги ўртасидаги чегарани билдиради (чорраҳаларда, йўлнинг турли сатҳда кесишган қисмларида, автобуслар тўхтайдиган жойларида ва ҳоказо). Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.9. Реверсив ҳаракатланишда қатнов қисмининг чегарасини белгилайди. Реверсив ҳаракатланиш амалга ошириладиган йўлларда (реверсив светофор ўчирилган ҳолатда) қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимини ажратади. Реверсив светофорлар бўлмаганда ёки улар ўчириб қўйилганда **1.9.** чизиғини фақат у ҳайдовчининг ўнг томонида бўлса, босиб ўтишга рухсат этилади. Реверсив светофор ўчирилган бўлса, қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи **1.9.** чизиғини босиб ўтиш тақиқланади. Реверсив светофор ёқилган пайтда бир йўналишли бўлакларни ажратаётган **1.9.** чизиғини исталган томонидан босиб ўтишга рухсат этилади. Реверсив светофор ўчирилганда ҳайдовчилар дарҳол **1.9.** чизиғидан ўнгга қайта тизилишлари керак.


1.10. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тўсиқ (бордюр) устидан чизилган сариқ чизик тўхтаб туришни тақиқлайди. Таксометри ишлаб турган таксиларга бунинг дахли йўқ. Чизикни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.11. Сидирға чизик ёнида чизилган узук-узук чизик фақат бирор бўлакка қайта тизилишга рухсат этади. Бу белги йўналиши бўйлаб ёки қарама қарши транспорт оқимларини ажратишда, эгри йўл қисмларида кўриниши ёмон бўлган ҳолларда, бир томондан қувиб ўтиш рухсат берилиб, иккинчи йўналиш томонидан рухсат берилмаган йўл қисмларида чизилади.



Ушбу чизикни кесиб ўтиш қуйидаги тартибда бўлади:

- а) узук-узук тарафдан мумкин;
- б) сидирға чизик томонидан тақиқланади.



1.12. Бу белги чизиғи «Тўхтанг» ёзуви «Тўхташ» чизиғи светофорнинг ва тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида, бошқарилмайдиган чорраҳаларда, «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» (2.5.) белгиси олдида ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Бу чизик «Тўхташ» ахборот-ишора белгиси (5.33) билан қўлланилиши мумкин. 1.12. йўл чизиғи билан кесишаётган йўл қатнов қисмининг чегарасигача ёки пиёдалар ўтиш жойигача бўлган масофа 3 м дан ошмаслиги керак. Агарда светофор ён томондан ўрнатилган бўлса, 10 м дан кўп бўлмаслиги керак. Темир йўлдан ўтишларда светофорли шлагбаум билан 1.12 йўл чизиғи орасида масофа 5 м, агар умуман шлагбаум бўлмаса, энг яқин рельс билан 1.12 йўл чизиғи орасида 10 м дан кам бўлмаслиги керак.

1.13. Бир қатор бўлиб терилган учбурчаклар, битта катта учбурчак «Йўл беринг» белгиси билан қўлланиб, кесишган йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериш зарур бўлганда, ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Йўл чеккасида ўрнатилган «Йўл беринг» белгиси кўриниши чекланган кўп бўлакли йўлларда қўлланилиши мумкин.



1.14.1. Йўл чизиғи чорраҳада пиёдалар ўтиш жойини белгилайди. Уларнинг эни пиёдаларнинг 1 соатда ўтишига боғлиқ бўлиб, агар 1 соатда 500 пиёда ўтса, унда пиёдалар йўлагининг эни 1 м бўлиши керак, лекин йўлакнинг эни 4 м дан кам бўлмаслиги лозим.


1.14.1-1.14.2. 1.14.1 ва 1.14.2 йўл чизиқлари («зебра») тартибга солинмаган пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди. Агарда пиёдалар йўлагининг эни 6 м дан кам бўлса, 1.14.1., 6 м ва ундан кўп бўлса, 1.14.2 йўл чизиғи ишлатилиши тавсия этилади. Бу чизиқларни йўл ўқиға параллел чизиш керак. «Пиёдалар ўтиш жойи» (5.16) ахборот-ишора белгиси билан қўлланилиши мумкин. Йўлнинг бундай жойларида ҳайдовчи шу йўналишнинг қатнов қисмида бўлган пиёдаларни ўтказиб юбориши керак.

1.14.3. Светофор ёрдамида тартибга солинадиган пиёдаларнинг ўтиш жойи. Светофорнинг қизил чироғи яшилга алмашиб, пиёдалар қатнов қисмини тарк этишға улгурмаган бўлса ҳайдовчи пиёдаларнинг шу йўналиш бўйича ўтиб боришларига имкон бериши керак.



1.15. Йўлнинг велосипед йўлкаси кесиб ўтган жойи. Бундай бошқарилмайдиган кесишмада велосипед ҳайдовчиси йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ўтказиб юборишлари керак (имтиёз йўлидаги транспорт воситаларида).

1.16.1-1.16.3. Ушбу йўл чизиқлари йўналтирувчи хавфсизлик оролчасини белгилайди. Бу чизиқларнинг эни 0,1 м, кўндаланг чизиқларники эса 0,4 м қилиб олинади. Транспорт оқимлари ажраладиган ёки қўшиладиган хавфсизлик оролчаси. 1.16.3. транспорт оқимлари қўшиладиган жойдаги йўналтирувчи оролчани билдиради. Оролчанинг чегараси 1.1. чизиғи билан белгиланган бўлиб, уни кесиб ўтиш ёки устига чиқиб тўхташ тақиқланади.



1.17. Йўл чизиғи жамоат транспортларининг ва таксиларининг тўхтаб туриш жойларини белгилайди. Бу йўл чизиқларининг узунлиги 20-30 м, эни 2,0 м қилиб белгиланади. Сарик рангдаги, аррасимон чизиқ белгиланган йўналишли транспорт воситалари ҳамда таксиларнинг тўхтаб туриш жойини билдиради. Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.

1.18. Йўл чизиғи чорраҳаларда ҳаракат тасмалари бўйича йўналтиришда ишлатилиб, тўғрига, тўғрига ва чапга, чапга, тўғрига ва ўнгга, ўнгга йўналтиргичлар билан чизилади. Уларни 20-30 м масофада икки ёки уч маротаба чорраҳага яқинлашиб келаётган жойда такрорлаш керак.



Чорраҳада ва кесишмалар олдида бўлақлар бўйича қатнов қисмининг юзасига чизилган йўналтиргич, мустақил равишда ёки «Бўлақлар бўйича ҳаракатланишнинг йўналиши» (5.8.1, 5.8.2) ахборот-ишора белгилари билан қўлланиб, транспорт воситаларига бўлақлар бўйича рухсат этилган йўналишни кўрсатади.




1.19. Йўл чизиғи қатнов қисмининг тор жойига ёки рўпарадан келаётган транспорт воситаларининг оқимларини ажратувчи 1.1 ёки 1.11. чизиғга яқинлашаётган йўл қисмларида белгиланади. Уларни ҳаракат йўналиши бўйича бир-биридан 45, 30, 15 м. кетма-кетликда ҳаракат тасмасининг ўртасида йўл ўқиға параллел равишда жойлаштириш лозим. 45° бурчак остида чизилган йўналтиргич йўл қисмининг тор жойига яқинлашганлик ҳақида огоҳлантириб, алоҳида ёки «Йўлнинг торайиши» (1.18.1-1.18.3) белгилари билан бирга қўлланилади.



1.20. Ҳайдовчини 1.13. чизиғига яқинлашаётгани ҳақида огоҳлантиради ва ушбу йўл чизиғига 2-10 м қолганда чизилади.

1.21. «STOP» – тўхтанг ёзуви 2.5. белги билан бирга қўлланилганда ҳайдовчини 1.12 чизиғига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради ва уларга 2-10 м қолганда чизилади.

1.22. Йўл чизиғи йўл (ҳаракатланиш йўналиши) номерини белгилашда ишлатилади. Агарда сон олдида «Е» ҳарфи қўйилса, у халқаро аҳамиятга эга эканлигини англатади. Сон билан ёнма-ён ёзилган ҳарф йўл (ҳаракатланиш йўналиши) рақамларини кўрсатади.



1.23. Йўлнинг фақат белгиланган йўналишли транспорт воситалари бўлагини билдириб, ахборот-ишора (5.9, 5.10.1) белгилари билан қўлланилади. Бу йўл чизиқларни чорраҳадан 50 м масофадан узоқда жойлашган жамоат транспортлари тўхташ жойидан кейин қайта белгилаш керак. Тўғри йўл қисмларида 1.23. йўл чизиғини ҳар 200 м масофадан кейин қайта белгилаб туриш лозим. Бу бўлак сидирға чизиқ билан ажратилмаган тақдирда ҳайдовчилар ўнгга бурилиш, йўловчиларни чиқариш, тушириш учун бу бўлакка киришлари мумкин (ЙХҚнинг 132-банди).¹



Кўчма тиргакка ўрнатилган вақтинчалик йўл белгилари ва чизиқлар маъно жиҳатидан бир-бирига зид келса, ҳайдовчилар вақтинчалик йўл белгиларига амал қилишлари керак.

Тик чизиқлар ва уларнинг хусусиятлари

Тик йўл чизиқлари иккинчи йўл чизиқлар гуруҳига кириб, жами 7 хил бўлади ва улар қуйидагича ишлатилади:

2.1. Ҳаракатланаётган транспорт воситаларига хавф туғдирадиган йўл иншоотларининг тик элементлари (кўприклар, йўл ўтказгич ва эстакадалар, устунлар ва ҳ.к.)ни билдиради.

2.2. Йўл ўтказгичларнинг, кўприклар ва тоннелларнинг пастки қисмини белгилашда ишлатилади ва қопламанинг устидан бу белгигача бўлган масофа 5 м дан кичик бўлмаслиги керак.

2.3. Ажратувчи тасмада ёки хавфсизлик оролчаларида думалоқ тумбалар қўйилган вақтда белгиланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 132-банди).

2.4. Йўналтирувчи, бетон ёки темир бетон устунлар, тўсиқ тиргаклар ва ҳоказоларни билдиради.

2.5. Тўғри йўлларда ўрнатилган тўсиқларнинг белгиланишидан 10 м масофада юза қисмига белгиланади. Режадаги эгриликнинг радиуси 50 м дан кам бўлган ҳолларда ва йўллар икки сатҳда кесишган жойларда ўрнатилган тўсиқларнинг бутун узунаси бўйича юза қисмини белгилашда ишлатилади.

2.6. Ён тўсиқларнинг юзасига туширилади (бундан олдинги пунктлардагидан бошқа ҳолларда). Ён тўсиқларда ёки ўрнатилувчи устунчаларда ўрнатилган 2.4, 2.5, 2.6 йўл чизиқларининг нур қайтарувчи элементлари бўлиши керак. Бунда йўлнинг ўнг томонда ўрнатилган элементларнинг ранги қизил, чап томондагиси эса сариқ бўлади.

2.7. Қатнов қисмининг сатҳи баландроқ қилиб ўрнатилган хавфсизлик оролчалари четини ҳамда режадаги эгриликни белгилашда ишлатилади.

Ҳар бир тик чизиқнинг ранги ва қўлланилиш шартлари

Йўл чизиқлари эпоксид эмаль бўёқлар, турли хил термопластлар ва бошқа материаллар билан белгиланади. Йўл чизиғи учун ишлатиладиган ҳар қандай материалларга тегишли ҳужжатлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати назоратида тасдиқланиши керак.

Термопластлар билан белгиланадиган йўл чизиқларининг қалинлиги 6 мм дан ошмаслиги керак. Тишланиш коэффиценти эса ҳўл ҳолатда $q=0,4$ дан кам бўлмаслиги керак. Термопластларга қўйиладиган асосий – талаб дарз кетмаслик, иссиқда эриб кетмаслик ва оқ рангли бўлиш, нур қайтариш хусусияти кабилар.

Тик чизиқлар

Тик чизиқлар йўл иншоотлари ва жихозлари юзаларига кетма-кет чизилган йўл-йўл оқ-қора чизиқлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг ўлчамларини кўрсатишда, кўз билан чамалаш воситаси сифатида хизмат қилади.


Осмон булут, кулранг бўлганда, қоронғи вақтларда йўлнинг ёритилмаган қисмларида йўл ёқасидаги тик бетон иншоотларнинг

ранги осмон ва йўлнинг ранги билан ўхшашиб кетади. Ҳаракатдаги ҳайдовчи уларни фарқлай олмай, бетон иншоотларни кўрмай қолади. Бу ҳол ҳайдовчини бетон тўсиқларга (иншоотларга) урилиб кетишига олиб келиши мумкин.

2.1. Ҳаракатланаётган транспорт воситаларига хавф туғдирадиган йўл иншоотларининг тик элементлари (кўприклар, йўл ўтказгич ва эстакадалар, устунлар ва ҳ.к.)ни билдиради.



2.2. Тонеллар, кўприклар, осма йўл ва кўприкларнинг пастки қирраларига чизилган оқ-қора рангли чизма ҳайдовчига иншоотнинг пастки қисмини фарқлашни осонлаштиради.




2.3. Ажратиш бўлакларидаги ёки «хавфсизлик оролчалари»даги думалок устунларни билдиради.

2.4. Йўналтирувчи бетон ёки темир бетон устунлар, тўсиқ тиргаклар ва қозикларни билдириб, қоронғи вақтда қуюқ туманда ҳамма жой оппоқ қор билан қопланганида йўлнинг траекториясини ўзининг кескин фарқландиган оқ-қора ранги билан аниқ кўрсатади.

2.5. Йўлнинг кичик радиусли бурилишлари, тик нишабликлар ва бошқа хавфли жойларда йўл четига ўрнатилган тўсиқларнинг ён юзаларини билдиради.



2.6. Бошқа жойлардаги тўсиқларнинг ён юзаларини билдиради.



2.7. Йўлнинг хавфли жойларида унинг четидаги тўсиқни (бордюрни) ва йўл сатҳидан баланд бўлган «хавфсизлик оролчалари» четини билдиради.



7-§. Ҳаракатланиш тартиби. Транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши

Огоҳлантирувчи ва авария ишоралари, авария сабабли тўхташ белгисининг қўлланилиши

Ҳайдовчи ўзининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириши ҳақида ўзга ҳайдовчи ва йўл иштирокчиларига огоҳлантириш ишоралари орқали хабар қилади.

Ҳайдовчи ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида: йўл ёқаси (обочина) ёки тротуар олдидан кўзғалишда, йўл ёқаси (обочина) ёки тротуар олдида тўхтаётганида, чап ёки ўнгга бурилишда, қайрилишда, кувиб ўтиш ва уни тугаллашда, қайта тизилишда огоҳлантириш ишораларидан фойдаланиши керак.


Ҳайдовчи бурилишни билдирувчи ёруғлик кўрсаткичлари билан, улар носоз ёки умуман бўлмаган тақдирда қўл ишораси орқали, ўзга ҳайдовчи ва йўл иштирокчиларини огоҳлантириши керак.

Ҳайдовчи берадиган қуйидаги ишоралар огоҳлантирувчи ишоралар ҳисобланади:

- бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чироқ ёки қўл билан бериладиган ишоралар;
- товушли ишоралар;
- фараларининг ёқиб-ўчирилиши;
- кундуз кун яқинни ёритувчи фара чироғининг ёқилиши;
- фалокат сабабли тўхташ ишораси;
- орқага ҳаракатлантириб юриш ишораси.

Ҳайдовчи ўзининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириши ҳақида ўзга ҳайдовчи ва бошқа йўл иштирокчиларига огоҳлантириш ишоралари орқали хабар беради. Манёвр бошлашдан аввал берилган огоҳлантириш ишораси вазиятни тўғри баҳолашга имкон беради.

Бурилиш кўрсаткичи ёки қўл билан берилаётган ишора манёврни бажаришдан олдинроқ берилиши ва уни тугаллагач дарҳол тўхтатилиши лозим (қўл



билан берилаётган ишорани манёвр қилишдан бевосита олдин тугаллаш мумкин).

Ишоралар бериш бошқа йўл ҳаракат қатнашчиларини чалғитмаслиги керак.

Берилган расмдан кўриниб турибдики, қизил автомобиль ҳайдовчисининг ўнга бурилиш тўғрисида кўрсатган ишораси сариқ автомобиль ҳайдовчисини чалғитиши мумкин. Шунинг учун қизил автомобиль ҳайдовчиси бурилиш ишорасини сариқ автомобилнинг олдидан ўтганидан сўнг билдириши керак.

Огоҳлантирувчи ишора бериш ҳайдовчига олдин ўтиш ҳуқуқини бермайди ва уни зарурий эҳтиёт чораларини кўриш масъулиятидан озод қилмайди.

Айланма ҳаракатли чорраҳаларга киришда ва автомобиль йўлининг траекторияси буриладиган жойларда бурилиш ишораларини бериш шарт эмас.

Ҳайдовчи ўзидан орқада келаётган, қувиб ўтишни бошлаган ва бошқа транспорт воситаларига ҳалол бермаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш ҳақида огоҳлантирувчи ишора бериши керак.

Ҳаракатланишни бошлашдан, қайта тизилишдан, бурилиш (қайрилиб олиш)дан ва тўхташдан олдин ҳайдовчи тегишли йўналишни билдирувчи бурилиш ёруғлик кўрсаткичи, улар бўлмаганда ёки бузук бўлганда қўл билан ишора қилиши шарт.

Чапга бурилиш (қайрилиб олиш)ни билдирувчи ишорага чап қўлни ёки тирсакдан тўғри бурчак остида букилган ўнг қўлни, ўнгга бурилишни билдирувчи ишорага ўнг қўлни ёки тирсакдан тўғри бурчак остида букилган чап қўлни ёнга узатиш мос келади.

Тўхташ ишораси чап ёки ўнг қўлни юқори кўтариб берилади.

Шуни таъкидлаш керакки, огоҳлантирувчи ишоралар уни бажараётган ҳайдовчига имтиёз бермайди ва уни зарурий эҳтиёт чораларини кўриш масъулиятидан озод қилмайди. Шунинг учун ҳайдовчи огоҳлантириш ишорасини берганидан сўнг, орқани кўриш кўзгуси орқали қараб, ҳеч кимга ҳалақит бермаса, манёвр қилиши мумкин.

Ҳайдовчи берадиган огоҳлантириш ишоралари бошқа ҳайдовчи ва йўл иштирокчиларини чалғитадиган бўлса, бундай ишоралар берилмаслиги керак. Баъзан ҳайдовчи мўлжалдаги бурилишдан бирмунча аввал бурилиш чироғини ёқиб, мўлжалдаги буриладиган

йўлдан аввалгисини пайқамай қолади ва ундан чиқиб келаётган ҳайдовчини чалғитади. Бу эса тўқнашувга олиб келиши мумкин. Чапга бурилиш ёки қайрилиш учун огоҳлантириш ишорасини беришдан аввал ҳайдовчи, орқадан келаётган, қувиб ўтишни бошлаган ҳайдовчига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак, акс ҳолда бу эътиборсизлик бир йўналишдаги тўқнашувга олиб келиши мумкин.

Транспорт воситаларини қувиб ўтиш ҳаракатланишнинг мураккаб жараёни бўлиб, рўпара бўлакка қисман ёки тўлиқ чиқиб амалга оширилади. Бу жараённи хавфсиз бажарилиши қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг ҳайдовчисига ҳам боғлиқдир.

Қувиб ўтишни хавфсиз бажариш учун қувиб ўтилаётган ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш керак. Қувиб ўтишда огоҳлантириш ишоралари сифатида узоқни ёритувчи чироқларни ёқиб ўчириш ва аҳоли яшамайдиган жойларда товуш мосламасидан фойдаланиш мумкин, лекин бошқа ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштирадиган ҳолатларда фараларнинг узоқни ёритувчи чироқларидан бу мақсадда фойдаланиш тақиқланади.

Аҳоли пунктларида, йўлга яқин жойларда дам олувчиларга, ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлмаганларга ва йўл иштирокчиларига ҳалақит бермаслик учун товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади. Истисно тариқасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида товуш мосламасидан фойдаланиш мумкин, лекин ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган товуш мосламасини бошқа хил товуш чиқарувчи мосламалар билан алмаштириш тақиқланади.

Товушли ишоралар фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- аҳоли пунктларидан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огоҳлантириш учун;
- зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун.

Аҳоли пунктларида, йўл яқинида дам олувчиларга, ҳаракат билан боғлиқ бўлмаганларга ва йўл иштирокчиларига ҳалақит бермаслик учун товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Қувиб ўтиш ҳақида товушли ишора ўрнига ёки у билан бирга фара чироқларини ёқиб-ўчириб огоҳлантириш ишорасини бериш мумкин.

Қувиб ўтишни хавфсиз бажариш, қувиб ўтилаётган ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун огоҳлантириш ишораларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазиятда огоҳлантирувчи ишоралар сифатида фараларни ёқиб ўчириш ва аҳоли яшамайдиган жойларда товуш мосламасидан фойдаланиш мумкин, лекин бошқа ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштирадиган даражада фараларнинг узокни ёритувчи чироқларидан ушбу мақсадда фойдаланиш тақиқланади.

Куннинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи чироқлардан фойдаланиш

Ўзга ҳайдовчиларнинг эътиборини жалб этиш, йўл иштирокчиларининг эҳтиёткорлигини ошириш ҳамда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳолатларда куннинг ёруғ вақтида ҳаракатланаётган транспорт воситалари, ҳайдовчилари яқинни ёритувчи чироқларни ёқиши керак:

- транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда;
- йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида;
- болалар гуруҳини ташкилий ташишда;
- хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда;
- механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);
- мотоцикл ва мопедларда.

Айрим ҳайдовчиларнинг об-ҳаво шароитини, йўл қопламасини, оралиқ масофаларни ҳисобга олмасликлари ва бошқариш малакаси етарли даражада эмаслиги йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига олиб келади.

Бурилишни кўрсатувчи барча ёруғлик ишораларининг бир вақтда милтиллаши фалокат ишоралари ҳисобланади.

Шатакка олинган транспорт воситаси паст тезлиги ва паст динамикаси билан маълум даражада оқимдаги транспорт воситаларига халақит беради. Шу сабабли шатакка олинган транспорт воситаларида сутканинг исталган вақтида фалокат ёруғлик чироқлари ёқилган бўлиши керак (улар ишламаганида габарит чироқлари ёқилади).

Фалокат ёруғлик ишоралари қуйидаги ҳолларда ёқилиши керак:

- йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;
- тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхталганда;
- фара чироқлари ҳайдовчининг кўзини қамаштирганда;
- шатакка олишда (шатакка олинган транспорт воситасида).

Транспорт воситаларида ҳаракатланиш тақиқланмаган, лекин фойдаланиш тақиқланган техник носозликлар пайдо бўлганда таъмирлаш ёки тўхтаб туриш жойларига етиб бориш учун фалокат ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Ҳайдовчи йўл ҳаракати қатнашчиларини огоҳлантириш учун ўзи бошқараётган транспорт воситаси хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолларда ҳам фалокат ёруғлик ишораларини ёқиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда фалокат ёруғлик ишоралари ёқилгандан кейин, шунингдек, у бўлмаганда ёки бузук бўлганда, фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтиловчи қизил чироқ) дарҳол ўрнатилиши керак:

- йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;
- тақиқланган ва кўриниш шароитини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси бошқа ҳайдовчилар томонидан ўз вақтида пайкаб бўлмайдиган жойларда мажбурий тўхтаб қолганда.

Шатакка олинган транспорт воситасининг габарит чироқлари ишламаса ёки носоз бўлса, шатакка олинган транспорт воситасининг орқа тарафига «фалокат сабабли тўхташ» белгиси ўрнатилиши керак.

Транспорт воситаларининг техник носозлиги ёки ҳайдовчининг саломатлиги туфайли мажбурий тўхталганда, йўлнинг ёритилмаган қисмида ёки етарли кўринмаслик шароитида тўхталганда, тўхтаб турилганда, габарит ёки тўхтаб туриш чироқлари бузук бўлса, мажбурий тўхташ ёритгичлари ёқилиши керак.

Мажбурий тўхтаган ёки тўхтаб турган механик транспорт воситасининг мажбурий тўхташ ёритгичи бўлмаса ёки носоз бўлса, шунингдек, бирор йўналишда йўлнинг 100 метрдан камроқ қисми кўринадиган жойларда уларнинг орқа тарафига, аҳоли пунктларида 15-20 метр, аҳоли яшамайдиган жойларда 30-40 метр масофада, ҳаракат йўналишига қараб, «фалокат» белгиси ёки фонар, фонус, ялт-ялт этувчи қизил белги ўрнатилиши керак.

Огоҳлантирувчи ишораларни бериш қоидаларига риоя қилмасликнинг хавфли оқибатлари

Ҳайдовчи ҳар доим ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришида бошқа ҳаракат қатнашчиларига огоҳлантириш ишоралари орқали хабар бериши ва уларга халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилганидан кейин ҳаракатини давом эттириши лозим. Шунингдек, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ёқаси ёки тротуар олдида кўзғалишда, йўл ёқаси ёки тротуар олдида тўхтаётганда, чап ёки ўнгга бурилишда, қайрилишда, қувиб ўтиш ва уни тугаллашда, қайта тизилишда огоҳлантириш ишораларидан фойдаланиш лозим.

Аксинча, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўналишини ўзгартиришда, чапга ёки ўнгга бурилишда, қайрилишда, қувиб ўтиш ва уни тугаллашда, қайта тизилишда, сутканинг ёруғ вақтида ҳаракатланаётганда огоҳлантирувчи ишораларини бериш қоидаларига амал қилмасликлари ёки ундан фойдаланмасликлари йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига ҳамда оғир тан жароҳати етказилишига олиб келади.


Ҳаракатланишни бошлаш, ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш, қайта тизилиш ва бошқа ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришдан олдин ҳайдовчининг вазифалари

Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ҳовли, тўхтаб туриш майдончалари, ёқилғи қуйиш тармоғи ва йўлга туташган бошқа жойлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи ўзи кесиб ўтаётган ҳаракат йўлидаги пиёдалар ва транспорт воситаларига йўл бериши керак.



а)



б)

Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, қайта тизилиш, бурилиш (қайрилиб олиш), йўналишни ўзгартириш ва тўхташдан олдин ўз ҳаракати билан (бошқа транспорт воситаларига хавф туғдирмаётганлигига ва тўсқинлик қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

а-расмда қизил автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланишни бошлашдан олдин, ўнгга бурилишни бошлаган ҳаракатланиш бўлагида ҳаракатланаётган кўк автомобилни ўтказиб юбориши лозим. б-расмда ҳаракатланишни бошлаётган қизил автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланиш бўлагида орқага қайрилиб олаётган кўк автомобилнинг қайрилиб олишини кутиб туради.

Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва пиёдаларга, шунингдек, ундан чиқишда ўзининг ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак.



Ушбу расмда автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасидан чиқаётган қизил автомобиль ҳаракатланиш бўлагида ҳаракатланаётган юк автомобилнинг ўтиб кетишини кутади.

Ёндош ҳудуд (ҳовли, ташкилот, ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, турар жой даҳалари ва шунга ўхшаш) чорраҳа ҳисобланмайди.


Ҳайдовчи қайта тизилишда ён бўлакда ҳаракат йўналишини ўзгартирмасдан кетаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

Қуйидаги расмлардан бирида чапга бурилаётган яшил автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирмасдан тўғрига ҳаракатланаётган қизил автомобилга йўл беради. Иккинчи расмда эса ўнгга бурилаётган яшил автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирмасдан тўғрига ҳаракатланаётган қизил автомобилга йўл беради.



Қўшни қаторларда ёнма-ён ҳаракатланаётган транспорт воситалари бир вақтда қайта тизиладиган бўлса, ўнг қўл қондасига биноан, ҳайдовчи ўнг томондаги транспорт воситасига йўл бериши керак.

Ушбу расмда яшил ва қизил автомобиль ҳайдовчилари бир вақтда қайта тизилаётганида яшил автомобиль қизил автомобилнинг ўнг томонида тургани учун биринчи бўлиб қизил автомобиль эса иккинчи бўлиб ҳаракатланиши лозим.




Транспорт воситалари серқатнов бўлган, кўп бўлакли йўлларда, транспорт оқимиغا тўсқинлик қилмаслик, унинг тезлигини камайтирмаслик, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туташган йўл ва кесишмалар олдида секинланиш бўлаги, кесишмадан кейин тезланиш бўлаги бўлиши мумкин.

Секинлашиш бўлаги бўлган йўлларда бурилмоқчи бўлаётган ҳайдовчи ўз вақтида шу бўлакка ўтиши ва тезликни фақат унда камайтириши керак.


Қуйидаги расмда ўнгга бурилаётган сариқ автомобиль ҳайдовчиси секинлашиш бўлагига ўтиши ва тезликни шу бўлакда камайтириб, бурилишни амалга ошириши керак.

Йўлга чиқиш жойида тезланиш бўлаги бўлса, ҳайдовчи унда ҳаракатланиши ва қўшни бўлакда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши, сўнгра оқимга қўшилиши керак. Шунингдек, тезланиш бўлагига ҳаракатланаётган сариқ автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланиш бўлагига ҳаракатланаётган қизил автомобилни ўтказиб юбориб, ҳаракатланиш бўлагига чиқиши керак.



Чорраҳада бурилишни бажариш тартиби, чорраҳадан ташқарида чапга бурилиш ва қайрилиб олиш. Йўлнинг тезланиш (тормозлаш) бўлагида ҳайдовчининг ҳаракати

Чорраҳаларда бурилишни, қайрилиб олишни шундай амалга ошириш керакки, бунда катнов қисмларининг кесишмасидан чиқаётган транспорт воситаси қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат томонга ўтиб кетмасин. Чорраҳаларда бурилишлар фақат четки бўлақлардан амалга оширилади.



А расмда чапга бурилаётган қизил автомобиль қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига ўтмасдан, ўзининг ҳаракатланиш бўлагидан чорраҳанинг марказигача бориб, кейин бурилишни амалга ошириши керак.

В расмда чапга бурилаётган қизил автомобиль ҳайдовчиси қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига бурилмасдан, чорраҳанинг марказигача бориб кейин бурилиши керак.

С расмда бир томонлама ҳаракатланиш бўлагидан чапга бури-лаётган автомобиль ҳайдовчиси бир томонлама ҳаракатланиш бўла-гининг чап томонига ўтиб чапга бурилишни амалга ошириши керак.

Д расмда орқага қайрилиб олаётган транспорт воситаси ҳай-довчиси қайрилиб олиш учун қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқмасдан, чорраҳа марказигача бориб, кейин қайрилиб олиши керак.

Е расмда чапга бурилаётган қизил автомобиль кўндаланг ҳара-катланиш йўналишининг қарама-қарши бўлагига чиқмасдан, чапга бурилишда хоҳлаган ҳаракатланиш бўлагига бурилиши мумкин.

Қайрилиб олаётган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт воситаларига йўл бериши лозим.

Ўнгга бурилиш, «айланма ҳаракатланиш»га киришдан ташқари фақат четки ўнг бўлакдан рухсат этилади. Ўнгга буриладиган ҳайдовчи йўналиши бўйича велосипедга ва кўндаланг йўналишда йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларга йўл бериши керак.

Чапга бурилиш, четки чап бўлакдан рухсат этилади. Чапга бурилиётган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт воситаларига ва кўндаланг йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларга йўл бериши керак.

Ҳайдовчи ўнгга ва чапга бурилишларни шундай бажариши керакки, транспорт воситаси қатнов қисмларнинг кесишмасидан чиқишда қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб кетмасин.

Ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг габарит ўлчамлари ёки бошқа сабаблар туфайли четки бўлакдан бурила олмаса, бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бермаган ҳолда юқоридаги талаблардан четга чиқиб, бурилишни бажаришга рухсат этилади. Яъни бу ҳолда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаш учун ҳайдовчи бошқа ҳайдовчи ва йўл иштирокчиларининг ёрдамидан фойдаланиши лозим.



Мазкур расмда юк автомобили қарама-қарши бўлакда ҳаракатланиш учун биттадан ҳаракатланиш бўлаги бўлган йўлдан қайрилиб олишда габарит ўлчамлари туфайли четки чап бўлакдан бурила олмайди, шунинг учун бошқа ҳаракат иштирокчиларига ҳалақит бермаган ҳолда йўл четига чиқиб бурилишни амалга ошириши мумкин, лекин енгил автомобиль ҳайдовчиси йўл четига чиқмасдан ҳаракатланиш бўлагининг ўзида бурилиши мумкин.




Юқоридаги расмда юк автомобили қарама-қарши бўлакда ҳаракатланиш учун иккитадан ҳаракатланиш бўлаги бўлган йўлдан


қайрилиб олишда габарит ўлчамлари туфайли четки чап ёки ўнг бўлакдан бурила олмайди, шунинг учун бошқа ҳаракат иштирокчиларига ҳалақит бермаган ҳолда йўл четига чиқиб бурилишни амалга ошириши мумкин, лекин енгил автомобиль ҳайдовчиси ўнг бўлакка чиқмасдан ҳаракатланиш бўлагининг четки чап бўлагидан бурилиши лозим.

Ҳаракатланиш давомидаги қайрилишлар чорраҳалар ва чорраҳалар оралиғидаги йўлларда амалга оширилади.

Айланма ҳаракатланиш ташкил қилинган чорраҳаларга кириш учун бурилишдан бошқа барча ҳолларда ҳайдовчи ўнгга, чапга бурилиш ёки қайрилиб олишдан олдин шу йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган қатнов қисмининг энг четки бўлагини эгаллаши шарт.



Ушбу расмда ўнгга бурилиш учун қизил автомобиль четки ўнг бўлакдан бурилишни тўғри амалга оширяпти, лекин яшил автомобиль чап бўлакдан ўнгга бурилиши нотўғри, чунки чап бўлак тўғрига ёки чапга ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлак.



Юқоридаги расмда эса ўнгга бурилиш учун қизил автомобиль четки ўнг бўлакдан бурилишни тўғри амалга оширяпти, лекин яшил автомобиль чап бўлакдан ўнгга бурилиши нотўғри, чунки чап бўлак буюрувчи белгининг талабига асосан фақат чапга ёки қайрилиб олишга мўлжалланган.






5.9

Айланма ҳаракат ташкил этилган чорраҳага киришда нечта бўлак бўлса, барчасидан баробар кириш мумкин. Айланма ҳаракатли чорраҳанинг ичида қаторлар бўйича ҳаракатланиш кучга кириб, ундан чиқишда 5.9 белги бўлмаса «Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлак», энг четки ўнг қатордан амалга оширилади.

Айланма ҳаракатланиш ташкил қилинган чорраҳага киришда қизил, сариқ ва кўк автомобиллар ҳамма ҳаракатланиш бўлагидан кириши мумкин, лекин ўнгга бурилиш учун ўнг, чапга бурилиш учун чап бўлакларни эгаллаши лозим.

Рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан келаётган транспорт воситаларига ва тўғри йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт.

Йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишни бажараётган қизил автомобиль ҳайдовчиси қарама-қарши йўналишдан келаётган транспорт воситаларига ва тўғри йўналишдаги трамвайга йўл бериб, кейин ҳаракатини давом эттиради.



Ўнгга бурилаётган транспорт воситаси иложи борида қатнов қисмининг ўнг томонига яқинроқда ҳаракатланиши керак.

Ўнгга бурилаётган қизил автомобиль кўндаланг ҳаракатланиш бўлакларининг четки ўнг бўлагини эгаллаши лозим.

Ўнгга бурилаётган қизил автомобиль кўндаланг ҳаракатланиш бўлагининг четки ўнг бўлагидан фалокат тўхташ чироғини ёққан оқ автомобиль бўлгани учун четки ўнг бўлакка эмас, балки чап бўлакка бурилиши мумкин.



Транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари кесишадиган ва ўтиш навбати йўл ҳаракати қоидаларда кўзда тутилмаган вазиятларда ҳайдовчи ўнг томондан яқинлашиб келаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.


Орқага қайрилиб олишни амалга ошираётган қизил автомобиль орқага қайрилиб олишни бажараётган кўк автомобилнинг ўнг томонида, шунинг учун қизил автомобиль биринчи, кўк автомобиль эса иккинчи бўлиб қайрилиб олишни амалга оширади.

Тўхтаб туриш жойидан ҳаракатланиш бўлагига чиқаётган юк автомобили қизил автомобилнинг ўнг томонида, шунинг учун юк автомобили биринчи, қизил автомобиль эса иккинчи бўлиб ҳаракатланиш бўлагига чиқади.



Қайрилиб олиш тақиқладиган жойлар ва орқага ҳаракатланиш тартиби

Транспорт воситаларида қайрилиб олиш ва орқага ҳаракатланишни амалга ошириш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли, ўзга ҳайдовчилар ва йўл иштирокчилар хавфсизлигига таҳдид солмаслик учун қуйидаги ҳолларда қайрилиб олиш тақиқланади:

- пиёдаларнинг ўтиш жойларида;
- тоннелларда;



- кўприкларда;
- осма йўллар, осма кўприксимон иншоотлар ва уларнинг остида;
- темир йўл кесишмасида;
- йўлнинг кўриниши бир йўналишда 100 метрдан кам бўлса.



Қайрилиш йўл белгилари ёки ётиқ чизиклар орқали тақиқланади.

Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалакит бермаслиги шарт.

Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантириш мураккаб манёвр бўлиб, ҳайдовчидан юқори даражадаги эҳтиёткорлик талаб этилади. Ушбу манёврни бажараётган ҳайдовчи ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига ҳалол бермаслиги керак. Агар кўриниш маълум сабабларга кўра чекланган бўлса (чиқиш жойида иморат, иншоот, ўзга транспортлар ва бошқалар), ҳайдовчи ўзга ҳайдовчилар ёки бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши лозим.

Ҳаракатланиш бўлақларининг сони, транспорт воситаларининг турлари ва ҳаракат тезлигига қараб қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашишига бўлган талаблар

Рельсиз транспорт воситаларининг йўлнинг қатнов қисмида бўлақлар бўйича муносиб жойлашуви, йўлнинг ўтказиш қобилиятини юқори даражада



5.8.2

бўлишини таъминлайди. Рельсиз транспорт воситалари ҳаракатланадиган бўлақлар сони чизиклар ёки 5.8.1 «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши», 5.8.2 «Бўлақ бўйича ҳаракатланиш йўналиши», 5.8.7 ва 5.8.8лар «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши»

белгилари билан белгиланади. Бундай йўл белгилари ёки йўл чизиклари бўлмаса, ҳайдовчилар йўл бўлақларини ўзлари қатнов қисмининг кенглигини, транспорт воситалари орасидаги зарур ёнлама оралик



5.8.7




5.8.8

масофани ва уларнинг габарит ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда

аниқлайдилар. Бунда ҳаракат икки томонлама бўлган йўл қатнов қисмининг чап томондаги ярми, қатнов қисмининг жойлардаги кенгайишлари (секинлашиш ва тезлашиш бўлаклари, баландликка кўтарилишдаги қўшимча бўлаklar, йўналишли транспорт воситаларининг тўхташ жойларидаги кенгайишлар)ни ҳисобга олмаган ҳолда, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳаракатланиш бўлаги транспорт воситаларининг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун мўлжалланган. Давлат стандартига кўра, ҳаракатланиш бўлаги 2,5 метрдан 3,75 метргача бўлади.

Тўрт ва ундан ортиқ бўлакли, ҳаракат икки томонлама бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлаklarга чиқиш тақиқланади. Қуйидаги биринчи расмда қувиб ўтишни бошлаган қизил автомобиль ҳайдовчисининг тўрт бўлакли ҳаракат икки томонлама бўлган йўлда қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб қувиб ўтишни бажариши тақиқланади.



Бундай йўлларда қарама-қарши оқим икки узлуксиз йўл чизиғи билан ажратилади ва бу чизиқни кесиб ўтиш тақиқланади. Йўл чизиғи кўринмаса ёки умуман бўлмаса ҳам қарама-қарши бўлакка чиқиш тақиқланади.


Транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳаракатланиш бўлаklarида бўлаklar бўйича ҳаракатланиш йўналиши белгиси ўрнатилган бўлса унинг талабларидан четга чиқмаслиги лозим. Чапга бурилиш ёки орқага қайрилиб олиш учун оч қизил автомобиль, чапга бурилиш ёки тўғрига ҳаракатланиш учун қизил автомобиль, ўнгга бурилиш ёки тўғрига ҳаракатланиш учун сариқ автомобиль ҳайдовчилари ҳаракатланиш бўлаklarини тўғри танлаган. Юқоридаги сўнгги расмда тўғрига ҳаракатланиш учун оч қизил автомобиль, ўнгга ҳаракатланиш учун қизил автомобиль ҳайдовчилари ҳаракатланиш бўлаklarини тўғри танлаган.

Ҳаракатланиш икки томонлама бўлган учта бўлакки (1.9 реверсив ҳаракатланишда қатнов қисмининг чегарасини белгиловчи чизиқлари билан белгилангандан ташқари) йўлларда ўрта бўлакка фақат қувиб ўтиш, чапга бурилиш, қайрилиб олиш ва айланиб ўтиш учунгина чиқишга рухсат этилади. Қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатланиш учун мўлжалланган четки чап бўлакка чиқиш тақиқланади.

а-расмда қувиб ўтишни бошлаган қизил автомобиль ҳайдовчисининг қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатланиш учун мўлжалланган четки чап бўлакка чиқиши тақиқланади.




а)




б)

б-расмда қизил автомобиль қувиб ўтиш учун ўрта бўлакка чиқиши ва қувиб ўтишни тугаллагач, ўзининг ҳаракатланиш бўлагига қайтиши керак, чунки ўрта бўлак доимий ҳаракатланишга мўлжалланмаган.

Расмда сариқ автомобиль чапга бурилиш ёки орқага қайрилиб олиш учун, қизил автомобиль чапга бурилиш ёки қувиб ўтиш, тўсиқни четлаб ўтиш учунгина ўрта бўлакка ўтиши мумкин, ўрта бўлак қувиб ўтиш, айланиб ўтиш, қайрилиб олиш ёки чапга бурилиш каби манёврларга мўлжалланган.



Аҳоли пунктларидан ташқарида ҳайдовчилар транспорт воситаларини мумкин қадар қатнов қисмининг ўнг четига яқинроққа олиб ҳаракатланишлари керак.



Аҳоли яшамайдиган жойларда йўл чеккасида йўл ёқаси (обочиналари) бўлиб, транспорт воситалари тўхташ ва тўхтаб туриш учун йўл ёқасига чиқади ва йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ҳалақит бермайди. Транспорт воситаларининг ўнг бўлак бўйлаб ҳаракатланишларига тўлиқ имконият яратилади.

Аҳоли пунктларидан ташқаридаги йўлларда ҳамда аҳоли пунктларида айрим турдаги транспорт воситалари учун ушбу Қоидаларда белгилангандан юқори тезликда ҳаракатланиш рухсат этилган йўл қисмларида ҳайдовчилар транспорт воситаларини мумкин қадар қатнов қисмининг ўнг четига яқинроқ олиб ҳаракатланишлари керак. Ўнг бўлаклар бўш бўлганда чап бўлакларни эгаллаш тақиқланади.

Аҳоли пунктларида ЙХҚнинг 69, 123 ва 161-бандларидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳайдовчилар ўзларига қулай бўлган ҳаракатланиш бўлагидан фойдаланишлари мумкин. Ҳаракат серқатновлиги сабабли бошқа бўлаклар банд бўлган ҳолларда ҳаракатланиш бўлагини фақат ўнгга ёки чапга бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш, тўхташ ёки тўсиқни четлаб ўтиш олдидан ўзгартиришга рухсат этилади.¹

Бир йўналишда уч ва ундан ортиқ бўлакли ҳар қандай йўлларда учинчи қаторга қуйидаги ҳолларда чиқиш мумкин:

➤ ҳаракатланиш серқатновлиги сабабли бошқа бўлаклар банд бўлганида;

➤ қувиб ўтиши учун;

➤ чапга бурилиш учун;

➤ қайрилиш учун;

➤ рухсат этилган тўла вазн 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига чапга бурилиш ёки қайрилиш учун. Бошқа ҳолларда бу юк автомобилларига четки чап бўлакка чиқиш тақиқланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 69,123 ва 161-бандлари).

Бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларда рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари йўлнинг четки чап бўлагига юк ортиш ёки тушириш учун чиқишлари мумкин. Бошқа сабаблар билан четки чап бўлакни банд қилмасликлари керак.

Аҳоли пунктларида чапга бурилиш ва орқага қайрилиш каби манёврлар тез-тез учраб туриши боис ҳайдовчилар ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига асосан мўлжалланган манёврни бажариш учун ўзига тегишли йўл бўлагини эгаллашлари лозим.

Ҳаракат бир томонлама бўлган йўлнинг чап бўлагига тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидаларининг 88-бандига (транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томонидаги ёқасида, у бўлмаганда эса қатнов қисмининг четида тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат берилади) мувофиқ амалга оширилади.¹

Ҳаракатланиш бир томонлама йўлларда ёнма-ён бўлакдаги транспорт воситаларига нисбатан катта тезликда ҳаракатланиш қувиб ўтиш ҳисобланмайди.

Тезлигини соатига 40 километрдан ошириши мумкин бўлмаган ёки техник сабабларга кўра тезлигини бундан ошира олмайдиган транспорт воситалари айланиб ўтиш, қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун қайта тизилишдан ёки рухсат этилган ҳолларда йўлнинг чап томонида тўхташдан бошқа ҳолларда фақат четки ўнг бўлакда ҳаракатланишлари керак.

Бир йўналишдаги қатнов қисмининг чап томонида у билан бир сатҳда жойлашган трамвай изидан, шу йўналишдаги бошқа бўлаклар банд бўлганда ҳаракатланишга, шунингдек айланиб ва қувиб ўтишга, чапга бурилиш ва қайрилиб олишга йўл ҳаракати қоидаларининг 56-бандини ҳисобга олган ҳолда рухсат этилади. Бироқ бу трамвайга ҳалақит бермаслиги керак. Қарама-қарши йўналишдаги трамвай изидан ҳаракатланиш тақиқланади.

Трамвай изларида ҳаракатланиш ва реверсив ҳаракатли йўлларга бурилиш

Тўғри йўналишдаги қатнов қисмининг чап томонида у билан бир сатҳда жойлашган трамвай изидан шу йўналишдаги бошқа


¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 88-банди).




5.8.1

бўлақлар банд бўлганда ҳаракатланишга, айланиб ва қувиб ўтишга, шунингдек, «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши», 5.8.1, 5.8.2 белгилари билан белгиланмаган ҳолларда эса чапга бурилиш ва қайрилиб олишга рухсат этилади (а-расм). Бироқ

бу манёвр трамвай ҳаракатига ҳалақит бермаслиги керак. б-расмда қизил автомобиль ҳайдовчиси чапга бурилиш учун қатнов қисми билан бир сатҳда жойлашган трамвай изидан шу йўналишдаги трамвайга ҳалақит бермаслик шарти билан тўғри бажараяпти, яшил автомобиль ҳайдовчиси ҳам чапга бурилиш учун шундай манёврни бажариши керак эди.




а)



б)

Қарама-қаши йўналишдаги трамвай изидан ҳаракатланиш тақиқланади. б-расмда қувиб ўтишни бажараётган яшил автомобиль ҳайдовчиси қарама-қаши йўналишдаги трамвай изига чиқиб қувиб ўтишни бажариши нотўғри.

Агар қатнов қисми йўл чизиқлари билан бўлақларга ажратилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъий равишда белгиланган бўлақларда амалга оширилиши керак (а ва б-расмлар).



а)



б)

Берилган расмда 5.8.2 «Бўлак бўйича ҳаракатланиш йўналиши» белгининг талабига асосан яшил автомобиль ҳайдовчиси тўғрига




5.8.2


ҳаракатланиш учун эгаллаган бўлақдан ёки ўнг бўлақдан ҳаракатланиши лозим.

Реверсив бўлакли йўлга бурилаётган ҳайдовчига реверсив

бўлакдаги ҳаракатланиш қайси йўналишда эканлиги номаълум, шунинг учун у четки ўнг бўлак бўйича ҳаракатланиш. а-расмда реверсив бўлакни йўлга буриладиган ҳайдовчи фақат четки ўнг бўлак бўйича ҳаракатланиши мумкин. Реверсив бўлакка реверсив светофор ўрнатилган жойдан унинг рухсат этувчи ишорасидагина кириши мумкин. Реверсив ҳаракатланишли йўлга бурилишда транспорт воситалари қатнов қисмлари кесишмасидан чиқишда четки ўнг бўлакни эгаллаши керак.




а)




б)

Ҳайдовчига шу йўналишдаги бошқа бўлакларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина қайта тизилишга рухсат этилади. б-расмда реверсив бўлакни йўлга буриладиган ҳайдовчи четки ўнг бўлак бўйича ҳаракатланиши ва бошқа бўлакларда ҳам ҳаракатланишга рухсат этилганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин қайта тизилишга рухсат этилади.

Транспорт воситаларининг йўл ёқаси, тротуар ва пиёдалар йўлқаларидан ҳаракатланиши тақиқланади. Расмда кўрсатилганидек, тўғрига ҳаракатланаётган қизил автомобиль ҳайдовчиси ҳаракатланиш икки томонлама бўлган икки бўлакни йўлда, олдидаги юк автомобили чапга бурилганидан сўнг ўзи эгаллаган бўлагидан ҳаракатни давом эттиради. Бу жойларда йўлдан фойдаланиш ва коммунал хизмат машиналарининг ҳаракатланишига, шунингдек, бошқа имконият бўлмаган ҳолларда бевосита йўл ёқасида, тротуар ёки пиёдалар йўлқалари олдида жойлашган савдо шахобчалари, корхоналар ва бошқа иншоотларга юк олиб кириш учун транспорт воситаларининг киришга рухсат этилади. Бундай вазиятда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўла таъминланган бўлиши шарт.



Ҳайдовчи ўзидан олдинда кетаётган транспорт воситаси кескин тўхтаганда,



у билан тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган оралик масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани сақлаши керак.


Ҳайдовчи йўлнинг ҳолати ва шароитини, транспорт воситаси ва ташилаётган юкнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда оралик масофа (дистанция ва интервал)ларни танлаши керак.

Аҳоли яшаш жойларидан ташқаридаги икки томонлама ҳаракат ташкил этилган икки бўлакли йўлларда тезлигини соатига 50 километрдан ошириши мумкин бўлмаган, шунингдек узунлиги 7 метрдан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг (транспорт воситаларининг таркиби) ҳайдовчилари ўзи ва олдида ҳаракатланаётган транспорт воситаси орасида, уларни қувиб ўтаётган транспорт воситалари олдин эгаллаган бўлакка бемалол қайта тизилиши учун имкон берадиган масофани сақлашлари керак.


Қувиб ўтиш тақиқланган йўлларда, шунингдек транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси таркибида ва серкатнов бўлган йўлларда ҳаракатланаётганда ушбу талабга амал қилинмайди.



а)



б)



в)

Агар бирор-бир тўсиқ сабабли қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланиш қийин бўлса, тўсиқ ўз томонида бўлган ҳайдовчи йўл бериши керак. а-расмда қизил автомобиль ҳайдовчилари тўсиқ ўз томонида бўлганлиги учун қарама-қарши йўналишдаги сариқ автомобиль ҳайдовчиларни ўтказиб юборади.

Агар тўсиқ олдида имтиёз белгилари бўлса, ҳайдовчи ушбу белгилар талабига бўйсунди (б-расм). б-расмда имтиёз белгилари 2.6 (рўпара ҳаракатланишнинг устунлиги), 2.7 (рўпарадаги ҳаракатланишга нисбатан имтиёз) ўрнатилган сабабли сариқ автомобиль биринчи, қизил автомобиль иккинчи бўлиб ҳаракатланади.

Тик нишаблик ва баландлик белгилари ўрнатилган жойларда эса пастга ҳаракатланаётган ҳайдовчи йўл бериши керак (в-расм). в-расмда 1.13 (тик нишаблик) ва 1.14 (тик баландлик) белгилари ўрнатилганлиги учун тўсиқ қарама-қарши томондаги транспорт

воситаси томонида бўлишидан қатъи назар сариқ автомобиль қора автомобилга йўл беради.

Агар йўл белгилари ва чизиқлари бошқа йўналишни кўрсатмаган бўлса, ҳайдовчилар ажратувчи бўлаги бўлмаган икки томонлама ҳаракат ташкил этилган йўллардаги хавфсизлик оролчалари, устунчалар ва йўл иншооти қисмлари (кўприк, йўл ўтказгич устунлари ва шунга ўхшашлар)ни ўнг томондан айланиб ўтишлари керак.

Ҳаракатланиш тезлиги ва тезлик танлашдаги тақиқланишлар

Транспорт воситалари ва оқимнинг тезлиги ортган сайин йўлнинг ўтказиш қобиляти унумлашади, йўловчиларнинг йўлда йўқотадиган вақтлари камаяди, юк ташиш тезлашади, иқтисодий самарадорлиги ортади, лекин юқори тезлик ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак.

Транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига йўл ҳаракати қоидаларининг талабларини бажариш, ҳаракатни доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.

Рухсат этилган максимал тезлик билан ҳаракатланиш ҳар доим ҳам хавфсиз бўлавермайди. Ҳайдовчи танлаган тезлик, йўлда хавф пайдо бўлганида, транспорт воситасини тўхтата оладиган даражада бўлиши керак. Бунинг учун ҳайдовчи кўриниш масофасига қараб шундай тезлик танлаши керакки, тўхташ йўли кўриниш масофасидан ўтиб кетмасин (автомобилнинг тўхташ йўли – ҳайдовчи хавфни кўриб, тўлиқ тўхтагунча ўтган масофа).

Ҳаракатланиш пайтида, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.

Хавф – йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, бехосдан пайдо бўладиган транспорт воситалари, пиёдалар ва ҳоказо.

Тўсиқ – транспорт воситасидан тушиб қолган бирор-бир юк, йўлда бузилиб, тўхтаб турган транспорт воситаси ва бошқалар.

Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, ДЙХХХ билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлакларида айрим транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини оширишга (тегишли йўл белгиларини ўрнатиб) ваколатлидир.

Тезликнинг бундай чекланиши фақат кириши 5.22 (аҳоли пунктнинг бошланиши), чиқиши 5.23 (аҳоли пунктнинг охири) асоси оқ рангда бўлган йўл белгилари билан белгиланган аҳоли яшаш жойларига тегишли.



5.22.



5.23.



5.24.



5.25.

Кириш жойи 5.24 (аҳоли пунктнинг бошланиши), чиқиш 5.25 (аҳоли пунктнинг охири) асоси кўк рангли

белгилар билан белгиланган ҳудуддаги тезлик аҳоли яшамайдиган жойлардаги тезлик чегараси билан бир хил бўлади.

Аҳоли пунктларида ва кириш йўли – 5.24, чиқиш йўли – 5.25 белгилари ўрнатилган ҳудудларда:

➤ енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан;

➤ шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга ва микроавтобусларга тезликни соатига 90 километрдан оширмасдан;

➤ бошқа автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига тезликни соатига 80 километрдан оширмасдан;

➤ тиркамали юк автомобилларига тезликни соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

➤ Ҳар қандай йўлларда:

➤ юкхонасида одам ташиётган юк автомобилларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;

➤ болалар гуруҳини ташкилий ташиётган транспорт воситаларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;

➤ механик транспорт воситаларини шатакка олган транспорт воситаларига тезликни соатига 50 километрдан оширмасдан;

➤ хавфли, оғир вазнли ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ДЙҲХХ билан келишилган тезликдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Ҳайдовчиларга қуйидагилар тақиқланади:

➤ тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезликдан ошириш;

Пастлик (нишаблик) томон ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлиги ишлаб чиқарувчи ташиқлот томонидан мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган нормадан ошиб кетиши мумкин. Бу ҳол транспорт воситасининг турғунлиги йўқолиб, ағанаб кетишга олиб келиши мумкин.

➤ тезликни транспорт воситасига ўрнатилган таниқлик белги («Тезлик чекланган»)да кўрсатилганидан ошириш;

Баъзи махсус транспорт воситалари (автокран, ун ташувчи цистерна, цемент ташувчи цистерна, бетон ташувчи цистерна ва шу кабилар) ишлаб чиқарувчи ташиқлот томонидан юқори тезликни чегараловчи таниқли белги билан таъминланади. Йўл шароитлари имкон берган тақдирда ҳам тезликни, таниқли белгида кўрсатилганидан ошириши мумкин эмас.

➤ зарурат бўлмаганда жуда паст тезликда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бериш;

Йўлларнинг эни чекланган бўлиб, айниқса серқатнов йўлларда паст тезлик билан ҳаракатланиши тирбандликлар ҳосил қилади ва автотранспортнинг иш унумини пасайтиради (йўловчиларнинг қимматли вақтлари, юкни кечиктириб етказиши ва ҳоказо).


➤ йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш зарурати бўлмаганда кескин тормоз бериш.

Заруратсиз кескин тўхташ кетма-кет келаётган транспорт воситаларининг тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Қувиб ўтишдан олдин ва қувиб ўтиш вақтида ҳайдовчининг вазифалари

Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган атамаларда қувиб ўтиш қуйидагича белгиланган:

Қувиб ўтиш-эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда кетаётган транспорт воситаларидан ўзиб кетиш. Тўхтаб турган транспорт воситасини айланиб ўтиш қувиб ўтиш ҳисобланмайди.



а)



б)



в)

Икки томонлама ҳаракатли икки бўлакли йўлларда қувиб ўтиш қарама-қарши йўналишдаги бўлакка чиқиш орқали, хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилади (а-расм).

Икки томонлама ҳаракатланувчи тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қувиб ўтиш йўналиши бўйича қўшни қаторга чиқиш билан боғлиқ (б- расм).

Ёнма-ён бўлакдаги транспорт воситасидан ўзиб кетиш, қувиб ўтиш ҳисобланмайди (в-расм).




Расмда икки томонлама ҳаракатланувчи уч бўлакли йўлларда қувиб ўтиш ўрта бўлакка чиқиш билан амалга оширилади.

Ҳайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин:

➤ ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, бу қарама-қарши йўналишдаги ва шу бўлакдаги транспорт воситаларининг ҳаракатига халақит бермаслигига;

➤ шу бўлакда орқада келаётган транспорт воситаси қувиб ўтишни бошламаганлигига (а-расм);



а)




б)


➤ олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси эса қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ҳақида ишора бермаганлигига (б-расм);

➤ қувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига ҳалақит бермасдан илгари эгаллаган бўлакка қайтиб ўта олишига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Рельсиз транспорт воситаларини фақат чап томондан қувиб ўтишга рухсат берилади (а-расм). Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини қувиб ўтиш ўнг томондан амалга оширилади (б-расм).



а)




б)

Қувиб ўтиш жараёнининг хавфсиз амалга оширилиши қувиб ўтилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг хулқига ҳам боғлиқ.

Қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг ҳайдовчисига ҳаракат тезлигини ошириш ёки бошқа хатти-ҳаракатлар билан қувиб ўтишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.


Акс ҳолда қувиб ўтаётган транспорт воситаси ўз бўлагига қайта тизила олмай бошқа транспорт воситалари (рўпарадан келувчи) билан тўқнашиб кетиши ҳам мумкин.

Икки томонлама ҳаракатланувчи икки бўлакли йўлларда қувиб ўтиш учун рўпара бўлакка, икки томонлама ҳаракатланувчи уч бўлакли йўлларда ўрта бўлакка чиққан ҳайдовчи қувиб ўтишни тугаллагандан сўнг илгари эгаллаган ҳаракатланиш бўлагига қайтиши шарт (ўнг томондан рухсат этилган қувиб ўтишдан ташқари)). Тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қувиб ўтишни тугаллаган ҳайдовчи ўз бўлагига қайтиши мумкин (бу манёвр илгарилаб ўтиш ҳисобланади).



Ўз қаторига қайтишда қувиб ўтилаётган транспорт воситасини олдида кескин бурчак билан эмас, балки оралик масофани ҳар томонлама сақланган ҳолда равон ўтиш керак.

Бироқ ушбу йўналишда ҳаракатланиш учун икки ёки ундан ортиқ бўлак бўлса, қувиб ўтаётган




хайдовчи ўзи эгаллаган бўлакка қайтган заҳоти кейинги қувиб ўтишни бошлашга тўғри келадиган ҳолларда орқада ўзидан катта тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ҳалақит бермаса, чап бўлакда ҳаракатланишни давом эттириши мумкин.

Қувиб ўтиш тақиқланган жойлар

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қувиб ўтиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

1) тенг аҳамиятли йўллар кесишган, тартибга солинмаган чорраҳаларда;

2) тартибга солинмайдиган чорраҳаларда асосий ҳисобланмайдиган йўлларда ҳаракатланишда (айланма ҳаракатланишли чорраҳаларда қувиб ўтиш, кажавасиз икки ғилдиракли транспорт воситаларини қувиб ўтиш ва рухсат этилган ҳолларда ўнг томондан қувиб ўтиш бундан мустасно) (а-расм); 3) пиёдалар ўтиш жойларида пиёдалар бўлганда (б-расм);



а)



б)


4) темир йўл кесишмалари ва уларга 100 метрдан кам масофа қолганда (а-расм);

5) қувиб ёки айланиб ўтаётган транспорт воситаларини (б-расм);


6) тепаликка кўтарилишнинг охирида ва йўлнинг кўриниши чекланган бошқа жойларда қарама-қарши ҳаракатланиш йўналишига чиқиб (в-расм);

7) тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатланиш бўлагига чиқиб (г-расм).


8) 3.20 ва 3.22 йўл белгилари таъсири доирасида.



а)



б)



в)



с)

Қуйидаги ҳолларда қувиб ўтишга рухсат этилади:

1) тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши бўлакка чиқмасдан (а-расм);

2) тенг аҳамиятли чорраҳаларда кажавасиз мотоциклларни ва велосипедларни қувиб ўтиш (б-расм);



а)



б)



а)



б)

3) чорраҳаларда асосий йўл бўйлаб (а-расм);

4) чапга бурилаётган ёки орқага қайрилаётган транспорт воситаларини ўнг томондан(б-расм).

Аҳоли пунктидан ташқаридаги йўлларда секин ҳаракатланадиган ёки катта габаритли транспорт воситасини қувиб ўтиш қийин бўлган ҳолларда унинг ҳайдовчиси ушбу транспорт воситасини


иложи борица йўлнинг ўнг томонига олиши, зарур бўлганда эса орқасида тўпланиб қолган транспорт воситаларини ўтказиб юбориш учун тўхташи керак.

Тўхташ ва тўхтаб туриш тартиби

Ҳайдовчининг кундалик иш фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, тўхташи ва тўхтаб туриши билан боғлиқ.

Серкатнов йўлларда транспорт воситасининг йўл чеккасида тўхташи ёки тўхтаб туриши маълум даражада ҳаракатланишга тўсқинлик қилади, ўзга ҳайдовчи ва бошқа йўл иштирокчиларига кўринишни чеклайди ва ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади. Шунинг учун тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоида-сига асосан маълум тартибда бажарилади.

Транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томони ёқасида, у бўлмаганда эса қатнов қисмининг четида ва ушбу йўл ҳаракати қоидаларнинг 89-бандида кўрсатилган ҳолларда тротуарда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади (а-расм).



а)




б)

Аҳоли пунктларида йўлнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга ҳар йўналишда камида биттадан ҳаракатланиш бўлаги бўлган ва ўртада трамвай изи бўлмаган ҳамда ҳаракат фақат бир томонлама бўлган йўлларда рухсат этилади (б-расм).

Рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк автомобиллари ҳаракат бир томонлама бўлган йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин.

Бундай автомобиллар йўлнинг четки бўлагига чапга бурилиш ва орқага қайрилиш учун чиқишлари мумкин.

Транспорт воситаларини қатнов қисмининг чети бўйлаб бир қатор қилиб, кажаваси бўлмаган икки ғилдиракли транспорт воситаларини эса икки қатор қилиб қўйишга рухсат этилади.



а)



б)

Йўлнинг қатнов қисми кенгайган айрим жойларда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаслик шарти билан транспорт воситаларини бошқача тартибда ҳам қўйишга рухсат этилади (а-расм).

Қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5.15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6-7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда рухсат этилади.

Пиёдалар ҳаракатига ҳалақит бермаслик шарти билан қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга рухсат этилади (б-расм).

Сутканинг қоронғи вақтида аҳоли яшамайдиган жойларда йўللарни устунларга ўрнатилган фонарлар билан ёритиш кўзда тутилмаган. Бундай йўлларда габарит чироқларсиз йўлда тўхтаб турган транспорт воситалари кўринмайдиган ёки ёмон кўринадиган тўсиққа айланиб қолишади. Шу сабабли аҳоли пунктларидан ташқарида тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда тўхтаб туриш фақат бунинг учун кўзда тутилган махсус майдончаларда ёки йўлдан ташқарида рухсат этилади.

Тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланадиган жойлар

Қуйидаги жойларда тўхташ тақиқланади:

– трамвай йўлларида, шунингдек, бевосита уларга яқинроқда, агар бу тўхташ трамвайларнинг ҳаракатланишига ҳалақит берадиган бўлса (а-расм);



а)



б)



в)

- тоннелларда (б-расм), кўприкларнинг остида (в-расм);
- темир йўл кесишмаларида (а-расм);



а)



б)


– бир йўналишда ҳаракатланиш учун учтадан кам бўлаги бўлган кўприк, йўл ўтказгич ва эстакада ҳамда уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан тўхтаб туриш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно) (б-расм);

– тўхтаган транспорт воситаси билан сидирға чизик (катнов қисмининг четини белгиловчи чизикдан ташқари), ажратувчи бўлак ёки катнов қисмининг қарама-қарши чети орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда (а-расм);

– пиёдалар ўтиш жойларида ва уларга 5 метрдан камроқ масофа қолганда (б-расм);



а)



б)

– катнов қисмининг хавфли бурилишларида ва кўриниш 100 метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида (а-расм);

– бекат майдончаларида, йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойларида, жумладан, 1.17 чизиғи билан белгиланган, улар бўлмаганда эса йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойи белгилари ва бекатдан ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб (етмасдан ва ўтиб кетиб) 15 метрдан кам масофада. (йўналишли транспорт

воситалари ҳаракатига ҳалақит бермаса йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ бундан мустасно);



а)




б)

– қатнов қисми кесишмаларида ва кесишаётган қатнов қисми четига 5 метрдан кам масофа қолганда (уч томонлама кесишмаларда (чорраҳаларда) ёндан туташган йўлнинг сидирға чизиқ ёки ажратувчи бўлак билан ажратилган қарама-қарши томони бундан мустасно) (а ва б-расмлар);



а)



б)

– транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа ҳайдовчилардан тўсиб қўядиган (а-расм) ёки бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига (кириш ва чиқишга) имкон қолдирмайдиган (б-расм) ва пиёдаларнинг ҳаракатига ҳалақит берадиган жойларда;

– 3.27 «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиси ҳамда 1.4 чизиғининг амал қилиш ҳудудида (а-расм).



а)



б)

Тўхтаб туриш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:


- тўхташ тақиқланадиган жойларда;
- аҳоли пунктларидан ташқарида 2.1 белги билан белгиланган йўлларнинг қатнов қисмида (а-расм);



– темир йўл кесишмаларига 50 метр қолганда ёки 50 метр етмасдан тўхтаб туриш тақиқланган, лекин тўхташ тақиқланмаган. (б-расм);



а)



б)

– тўхташ ва тўхтаб туришни тақиқловчи йўл белгилари ҳамда йўл чизиклари амал қилиш ҳудудида.

Тўхташ тақиқланган жойда мажбурий тўхтаган ҳайдовчи транспорт воситасини бу жойдан олиб кетишнинг барча чораларини кўриши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг талабига асосан, ҳайдовчи фалокат ёруғлик ишораларини ёқиши, у бўлмаганида ёки бузуқ бўлганида фалокат сабабли тўхташ белгисини дарҳол ўрнатиши керак.

Агар бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатига ҳалақит берадиган бўлса ёки хавф туғдирса, транспорт воситасининг эшикларини очиш тақиқланади. Бу талаб ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам тааллуқли.

Ҳайдовчи транспорт воситасининг ўз-ўзидан ҳаракатланишини ёки ўзи йўқлигида ундан фойдаланишни истисно қиладиган зарур эҳтиёт чораларини кўргандан кейингина ўз жойини ташлаб кетиши ёки транспорт воситасини қолдириши мумкин. Тўхтаб туриш тормози носоз бўлса ёки яхши ишламаса, нишабликларда турган транспорт воситаси ўз-ўзидан ҳаракатланиши оқибатида хавфли вазиятни вужудга келтириши мумкин.

Транспорт воситасини тарк этаётган ҳайдовчи ўзи йўқлигида ундан фойдаланишни истисно қилиш учун эшикларни кулфлаши, керак бўлса, рул бошқармаси, тормоз педали ва шу кабиларни блокировка қилишдан фойдаланиши керак.

Йўл ҳаракати қоидаларида тўхташ рухсат этилган, лекин тўхтаб туриш тақиқланадиган жойлар ҳам белгиланган.

Серқатнов йўлларда транспорт воситаларининг йўл чекасида тўхтаб туриши маълум даражада ҳаракатланишга тўсқинлик қилади, бошқа ҳайдовчи ва йўл ҳаракати иштирокчиларига кўринишни чеклайди ҳамда ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

Шунинг учун бундай жойларда транспорт воситаларининг тўхтаб туриши тақиқланади, лекин одамларни, юкларни ортиш ёки тушириш учун бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ҳалақит бермасдан тўхташи мумкин.

8-§. Йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш

Йўлларда ҳаракатланишни тартибга солувчи воситалар

Йўлларда ҳаракатланишни тартибга солишдан мақсад серкатнов йўллар кесишмаларида, ҳаракатланиш хавфсизлигини ва чорраҳанинг барча йўналишларидан келаётган транспорт воситаларининг ҳаракатланиб ўтиши навбатини таъминлашдан иборат. Йўллардаги ҳаракатланишларни бошқариш, тартибга солувчи ЙПХ ходими ёки ҳаракатни бошқаришнинг техникавий воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Ҳаракатланиш бўлаклари бир хил сатҳда кесишадиган транспорт воситалари кўпайган сайин, чорраҳа ва кесишмалар олдида, айниқса иккинчи даражали йўлларда ўтиш навбатини кутиб қолган транспорт воситалари кўпайиб боради. Ўтиш навбатини узоқ пойлаган ҳайдовчи, сабри тугаб, асосий йўлдан келаётган транспорт воситалари оралиғидан ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Баъзан ҳайдовчининг бундай ҳаракати кўндаланг йўналишдаги тўқнашувга олиб келади.

Ҳаракатланишни тартибга солиш зарурати ҳали автомобиллар бўлмаган даврлардаёқ пайдо бўлган эди. 1868 йилда Лондонда муҳандис Ж.Найт механик тартибга солувчини яратишга биринчи бор уринган эди. Англия парламенти биноти олдида шу мақсадда қанотлари кўтариладиган темир йўл семафори ўрнатилган. Ўшанда семафорнинг қанотларини хизматкор кўтариб туширар эди. Бу иш анча мушкул бўлиб у ўзини оқламади. Шу боис, кўчаларга фонус ва сурнайи бўлган тартибга солувчиларни қўйиб чиқишди.

Йил сайин ортиб бораётган транспорт ва пиёдалар оқимини тартибга солиш жуда ҳам қийин. Бунинг устига ҳар бир чорраҳага тартибга солувчини қўйиш мумкин ҳам эмас. Шу сабабли транспорт ҳаракати жуда кўп бўлган йўллар кесишган жойларга светофорлар ўрнатилган. Светофор ана шу оғир ишни муваффақиятли бажар-

моқда. Светофорлар транспорт, пиёдалар, трамвай, поезд ёки бошқалар учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

«Светофор» грекча сўз бўлиб, «ёруғлик тарқатувчи» деган маънони англатади. Юқорида таъкидлангандек, Лондонда транспорт оқимини механик тарзда тартибга солишга уриниб кўрилган. Бир оздан кейин бу семафор газ фонари билан жиҳозланиб, баланд устунга ўрнатилган. Тартибга солувчи вазифасини полициячи бажарар, у заруратга қараб қизил ранг таратувчини қўл узатма ёрдамида яшил ранг таратувчига алмаштирар ва шундай қилиб, арава ва дилижонлар (каре́та) учун йўл очар эди. Электр светофорлар 1914 йилда Америка Қўшма Штатларида, дастлаб Кливлендда, кейин эса Нью-Йоркда ва Чикагода пайдо бўлган. Улар икки қисмдан иборат эди, яъни уларда фақат иккита қизил ва яшил ёритгичлар ёнар эди. Учинчи (бизга одат бўлиб қолган огоҳлантирувчи) қисм ўрнига тартибга солувчи турар эди. У қўлидаги хуштак билан ҳайдовчилар, аравалар ва пиёдаларни бир ёритгичдан иккинчисига ўтиши тўғрисида огоҳлантирар эди.

1918 йилдан буён светофорлар Европа шаҳарлари кўчаларида ҳам пайдо бўлди. Москвада йўл ҳаракатини тартибга солиш учун мўлжалланган биринчи қурилма 1924 йилда Кузнецкий Мост ва Петровка кўчалари кесишган чорраҳада пайдо бўлди. Уч йилдан сўнг Страсткий (ҳозирги Пушкин) майдонида темир йўл светофорларига ўхшаган иккита светофор ўрнатилганди.

Ўттизинчи йилларда Москвада циферблат кўринишидаги, қизил ва яшил хоналарга бўлинадиган светофорлар ўрнатилган. Бу светофорнинг тузилиши циферблат бўйича кўрсаткичнинг жойини ўзгартириш ҳисобига яшил ёки қизил чирокнинг «ёниши ва ўчириши»ни таъминларди. Бироқ қурилманинг номукаммаллиги ва хоналардаги кўрсаткичнинг ёмон кўриниши туфайли бундай светофорлар аста-секин анча мукаммаллаштирилгани билан алмаштирилди.

Дунёдаги биринчи автоматик светофор Англиянинг Лидс шаҳридаги Паркрой ва Бонд-стрит кўчалар чорраҳасида 1928 йилда пайдо бўлди. «Электрополисмен»да ўша вақтда (у шундай номланарди) қизил ва яшил кўрсаткич 28 секунд ёнади.

Ҳозирги кунда биз электроника асрининг гувоҳларимиз, дейишимизга тўла асос бор. ЙПХ диспетчерлик хизматидаги бошқариш

пульти кўплаб компьютер ва мураккаб электр жихозлари бўлган лабораторияни эслатади.

Йўлларда ҳаракатланишни бошқаришнинг автоматик тизимлари (ЙХБАТ) йўлларда вужудга келган мураккаб вазиятлар ва муаммоларнинг ечимини топади, қарор қабул қилади, маълумотларни алоқа воситалари орқали жойларга юборади ва бошқариш воситаларига буйруқлар беради. Чорраҳаларда эса тартибга солувчининг иштирокисиз, транспорт ва пиёдалар оқимининг оз-кўплигига қарамай, светофорлар ҳаракатланишни тартибга солади.

Светофорнинг ёриткичларининг ранги нималарни билдиради?

Яшил, сариқ, қизил ва оқ ойдин (пиёдалар ўтадиган жойларда) ранглар ёнишига қараб, қуйидаги вазифаларни бажаради:


- думалоқ яшил ёриткич ҳаракатланишга рухсат беради;
- қора асосдаги йўналтиргичли яшил ёриткич кўрсатилган йўналишда (йўналишларда) ҳаракатланишга рухсат беради. Светофорнинг қўшимча қисмидаги кўк йўналтиргич ҳам шундай вазифани бажаради;
- ёниб-ўчиб турувчи яшил ёриткич ҳаракатланишга (юришга) рухсат беради ҳамда унинг вақти тугаб бораётгани ва тезда тақиқловчи ёриткич ёнишидан хабар беради. Яшил рангдаги ёриткичнинг тугаш вақти (секундларда) ҳақида ҳайдовчиларни огоҳ қилиш учун рақамли табло қўлланиши мумкин.

Светофор ишораларининг аҳамияти ва ишораларга мувофиқ ҳайдовчининг ҳаракати. Реверсив светофор

Серқатнов йўлларнинг бир хил сатҳдаги кесишмасида ҳайдовчиларнинг ҳаракатланиб ўтишлари қийинлашиб, транспорт воситалари мураккаб вазиятни юзага келтирадиган бўлса, ҳаракатланиш навбатини светофор орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаш тартиби дастурланган светофор орқали чорраҳа ва майдонларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиб ўтишларини тартибга солиш жараёнида, белгиланган муддатда навбат билан, маълум йўналишга (ёки йўналишларга) рухсат беради ва бошқа йўналишда ҳаракатланишни тақиқлайди. Светофор йўлларнинг ўтказиш қобилиятини маълум даражада камайтиришга олиб келади. Оқими сийрак, серҳаракат бўлмаган йўлларда светофор орқали


ҳаракатланишни тартибга солиш эса транспорт воситаларининг ноўрин тўхтаб, ортиқча вақт йўқотишига сабаб бўлади.

Агар светофорнинг ёриткичлари одам қиёфасида гавдаланса, уларнинг таъсири фақат пиёдаларга тегишлидир. Ойсимон оқ ёриткич ўтиш жойининг автоматик равишда тартибга солинишини билдиради. Сиз светофорнинг ёриткичлари нима сабабдан айнан танланганлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Инсон турли рангларнинг ёруғлик нурларини турлича қабул қилади. Қизил нурларнинг тўлқин узунлиги энг катта бўлиб тарқалганда жуда кам йўқотилади. Қизил сезиларли ранг ва у дарҳол кўзга ташланади. Бунинг устига қизил ранг олов (хавф) ҳақидаги тасаввурлар билан боғланган. Шу сабабли, диққатни кучайтириш зарурлиги ҳақида огоҳлантириш учун мазкур ранг танланган. У тўхтатиб туради, ҳаракатни тақиқлайди. Сарик рангнинг хусусияти қизил рангдан ёмонроқ, лекин яшил рангдан яхши. Яшил ранг бўлса, ҳар бир кишининг тасаввурида сокинлик, дам олиш, ям-яшил далалар, ўтлоқлар баҳорги ўт-ўланлар билан боғланган. Яшил ёриткич унчалик сезилмайди, шунга қарамай бу хавфли эмас, чунки у юришга рухсат беради. Қизил ёриткич энг муҳим саналади, шу сабабли ҳам у яшил ва сарик ёриткичлардан юқорида жойлаштирилган.



Светофорларда яшил, сарик, қизил ва оқ рангли ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Светофор ишоралари вазифасига боғлиқ равишда доирасимон, йўналтиргичли, пиёда тасвири туширилган ва Х-симон кўринишда бўлиши мумкин.



Доира шаклидаги ишорали светофорларда яшил доирали ишоралар билан бир сатҳда жойлашган яшил йўналтиргич кўринишдаги ишорали битта ёки иккита қўшимча тармоқ бўлиши мумкин.



Транспорт воситаларининг чорраҳа бўйлаб навбатма-навбат ҳаракатланиб ўтишларини тартибга солувчи светофор икки навбатли ёки уч навбатли бўлиши мумкин. Серкатнов йўлларнинг чорраҳаларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиб ўтишлари уч навбатга бўлинган бўлса, учинчи навбатдаги ҳаракатланиш қўшимча тармоқли светофорлар орқали тартибга солинади.

Қўшимча тармоқдаги ишора ўчирилган бўлса, шу тармоқ тартибга солаётган йўналишда ҳаракатланиш тақиқланганлигини билдиради.

Светофорнинг доирали ишоралари қуйидаги маънони билдиради:

➤ тик светофорнинг энг пастида, ётиқ светофорнинг ўнг чеккасида жойлашган яшил ишора ҳаракатланишга рухсат беради; милтиловчи яшил ишора ҳам ҳаракатланишга рухсат бериб, бу белгиланган рухсат вақти тугаётгани ва тез орада (3-4 сониядан сўнг) тақиқловчи ёритгич ёниши ҳақида ахборот беради;

➤ яшил ёритгичнинг ўтишига қанча сония қолганлигини ҳайдовчиларга етказиш учун рақамли табло қўлланилиши мумкин. Табло 10 сониядан (10, 9, 8... 3, 2, 1) кам қолган вақтларни кўрсатади.

Светофорнинг қизил чироғидан кейин ёнган сариқ чироқда чорраҳага кириб келиш тақиқланади (сариқ чироқ ҳаракатни тақиқлайди), лекин светофорнинг яшил (ҳаракатга рухсат берувчи) ёритгичи ёниб турганида чорраҳага (тўхташ чизиғига) жуда яқин келиб қолиб, сариқ чироқ ёнганида кескин тормоз бермасдан

тўхташга улгура олмайдиган транспорт воситаси ҳайдовчиларига ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади;

➤ милтилловчи сариқ ишора ҳаракатланишга рухсат беради. У транспорт оқими сийрак бўлиб, уларни навбат билан ҳаракатланиб ўтишларини тартибга солишга ҳожат бўлмаган, лекин баъзи бир сабабларга кўра хавфли бўлган чорраҳаларда қўлланилади;

➤ устма-уст жойлашиб, навбат билан милтилловчи иккита сариқ ёритгич ҳаракати доимий бўлмаган, вақти-вақти билан пайдо бўладиган пиёдаларнинг ҳаракати тартибга солинмаган ўтиш жойи борлиги ҳақида огоҳлантиради;

➤ навбатма-навбат милтилловчи иккита қизил ёритгич темир йўл кесишмалари ва сол кечуви (паром) олдида ўрнатилиб, ҳаракатланиш-



ни тақиқлайди. Бу светофорлар ёритгичларининг навбат билан ёниши ҳайдовчининг кўзларига (назарига) тезроқ ташланиши ва уни тезроқ англаб, чора қабул қилиши учун мўлжалланган.



Светофорнинг қизил, сариқ ва яшил ёритгичларига туширилган қора тасвирли йўналтиргичлар бу ёритгичларнинг маъносини ўзгартирмайди, балки у светофорнинг яшил ёритгичи ёнганида рухсат этилган ҳаракат йўналиши ҳақида ахборот беради. Бу светофорлар ҳаракатланиши кўп йўналишли чорраҳаларда ҳар бир бўлак учун алоҳида қўлланилиши мумкин.

Давлат намунасига асосан, кўзлари ожиз пиёдалар ўтиш жойида светофор ишораларига қўшимча товуш чиқарувчи мосламалар ўрнатилиши мумкин.

Агар тегишли йўл белгиси билан тақиқланмаган бўлса, чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич қайрилиб олишга ҳам рухсат беради. Қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич ҳам худди шу маънони билдиради.

Светофорнинг яшил ёритгичи сатҳида жойлашган, қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич светофорнинг қизил ёритгичи билан ёнса, бошқа йўлдаги транспорт воситаларига йўл бериб кўрсатилган йўналишда ҳаракатланишга рухсат берилади.

Агар қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич светофорнинг яшил ёритгичи билан ёнса, бошқа йўлдаги



ҳаракатланиш тақиқланганлиги туфайли, кўрсатилган йўналишда тўхтамасдан ҳаракатланиб ўтишга рухсат берилади.

Агар светофорнинг асосий яшил ишорасига қора йўналтиргич (йўналтиргичлар)нинг шакли туширилган бўлса, у ҳайдовчиларга светофорнинг қўшимча тармоғи борлиги ҳақида ахборот беради ва шу асосий тармоқдаги йўналтиргичлар йўналишларида ҳаракатланишга рухсат берилганлигини кўрсатади.

Сутканинг қоронғи вақтида (етарли кўринмаслик ҳолатларида) ҳайдовчига светофорнинг қўшимча тармоғи кўринмай қолиб, асосий яшил чироқда бурилиб ёки қайрилиб хато қилмасликлари учун, ушбу контур чизикли йўналтиргич асосий яшил чироққа туширилади



Агар светофор ишораси пиёда тасвири кўринишида бўлса, у фақат пиёдаларнинг ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бунда яшил ишора пиёдаларнинг ҳаракатланишига рухсат беради, қизил ишора эса тақиқлайди.

Қатнов қисмидаги ҳаракат йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган бўлақларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш учун Х-симон қизил ишорали ва пастга йўналган йўналтиргич кўринишдаги яшил ишорали реверсив светофорлар қўлланилади. Бу ишоралар қайси бўлақ устига ўрнатилган бўлса, унда ҳаракатланишни тақиқлайди ёки рухсат беради. Икки томони 1.9 ётиқ чизиғи билан белгиланган бўлақ устига ўрнатилган ва ишоралари ўчирилган реверсив светофор шу бўлаққа киришни тақиқлайди.

Йўлнинг ўтказиш қобилиятини ошириб, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш учун ўрта бўлақ (бўлақлар), транспорт оқими жадаллигига қараб, йўналишларини ўзгартириши мумкин. Бундай ҳаракат реверсив ҳаракат деб аталади.


Давлат намунасида реверсив светофорнинг асосий ишораларига қўшимча 45⁰ ли бурчак остидаги сариқ йўналтиргич кўзда тутилган. Бу йўналтиргич ёнганида ҳайдовчилар реверсив бўлакни тарк этиб, чиқиб кетишлари керак.



Яшил йўналтиргич ёнганида бир йўналишда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар, бўлакларни ажратувчи реверсив чизиқни исталган тарафидан кесиб ўтишлари мумкин.

Темир йўл кесишмаларида ўрнатилган доирасимон оқ рангли милтилловчи ишора транспорт воситаларининг кесишма орқали ҳаракатланишига рухсат беради.


Темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилган ушбу светофорнинг оқ милтилловчи чироғи мазмун жиҳатдан оддий светофорнинг яшил чироғи билан тенг.



Кўриниш чегарасида яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) бўлмаса, ўчирилган милтилловчи оқ ва қизил ишораларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилади.

Трамвайлар ва алоҳида ажратилган бўлакда ҳаракатланадиган белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш

Трамвайлар, шунингдек, йўлнинг махсус ажратилган бўлагиди ҳаракатланадиган белгиланган йўналишли бошқа транспорт воситаларини чорраҳадан ҳаракатланиб ўтишини тартибга солиш учун «Т» ҳарфи кўринишида жойлашган тўртта доирасимон оқ рангли ишорали светофорлар қўлланилиши мумкин.



Юқоридаги бир ёки бир нечта ва пастки ишора бир вақтнинг ўзида ёнганда, ҳаракатланишга рухсат этилади. Улардан чапдагиси чапга, ўнгдагиси ўнг томонга бурилишга, ўртасидаги тўғрига юришга рухсат беради. Агар

фақат юқоридаги учта ишора бир вақтда ёнса, ҳаракатланиш тақиқланади.

Ушбу светофор фақат трамвай ва йўлнинг махсус ажратилган бўлакларидан ҳаракатланадиган белгиланган йўналишли транспорт воситаларига тегишли бўлса-да, бошқа ҳайдовчилар ҳам светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганида йўналишидан қатъи назар, трамвай ҳайдовчилари олдин ҳаракатланади.

Транспорт оқимининг кескин ўзгариб, чорраҳаларда тирбандлик пайдо бўлиши, транспорт воситаларининг чорраҳа яқинида (техник носозлик, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқалар туфайли) мажбурий тўхтаб, йўл бўлакларини банд қилиб қўйиши, транспорт воситаларининг сафланиб ўтишлари, махсус транспорт воситасининг тартибга солувчи (ЙХХ ходими)нинг кузатуви остида ёки алоҳида чорраҳадан ўтишлари ва шу каби йўл ҳолатининг ўзгариши муаммоларини энг замонавий светофор ва детекторлар билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда чорраҳалардан ҳаракатланиб ўтиш навбатини фақат тартибга солувчи бошқара олади. Тартибга солувчи гавдасининг ҳолати ҳамда қўлларининг ишоралари билан ҳаракатланишни тартибга солади. Тартибга солувчи ишораларининг яққол кўринишини таъминлаш мақсадида ёриткичли таёқча, қизил ёриткичли ёки нур қайтаргичли доирача қўллаши, тирсагигача узунлаштирилган нур қайтарувчи оқ қўлқопчадан, ҳаракатланувчилар эътиборини жалб этиш учун ҳуштакдан фойдаланиши мумкин.

Трамвай, пиёда ва рельсиз транспорт воситалари учун тартибга солувчи ишораларининг аҳамияти


Тартибга солувчининг ишоралари қуйидаги маънони билдиради:

Қўллар ён томонга узатилганда ёки туширилганда чап ва ўнг ён томондан трамвайга тўғрига, рельсиз транспорт воситаларига тўғрига ва ўнгга ҳаракатланишга, пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат берилади. Олд ва орқа томондан барча транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланади;

Ўнг қўли олдинга узатилганда чап ёндан трамвайга чапга, рельсиз транспорт воситаларига барча йўналишларда, олди



томондан барча транспорт воситаларига фақат ўнга ҳаракатланишга рухсат берилади. Орқа томондан ва ўнг ёндан барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади. Пиедаларга тартибга солувчининг орқа томонидан қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат этилади;



а)



б)

Қўлни юқорига кўтарганда ЙХҚнинг 42-бандида кўрсатилганидан бошқа ҳолларда транспорт воситалари ва пиедаларнинг барча йўналишларда ҳаракатланиши тақиқланади.



Тартибга солувчи ҳайдовчи ва пиедаларга тушунарли бўлган бошқа ишораларни ҳам бериши мумкин. Ишоралар яхши кўриниши учун тартибга солувчи жезл ёки ёруғлик қайтарадиган қизил рангли мосламалардан фойдаланиши мумкин.

Чорраҳада барча транспорт воситаларига:

➤ ҳар доим тартибга солувчининг фақат тўрт томонининг икки томонидангина ҳаракатланиш тақиқланади ва қолган икки томонидан рухсат этилади;

➤ тартибга солувчининг ҳаракатланишга рухсат берувчи ҳар бир ҳолатида трамвайга фақат бир йўналишда ҳаракатланишга рухсат этилади;

➤ тартибга солувчи узатилган қўллари билан ҳаракатланишга рухсат этилган чорраҳа томонларини кўрсатади;

➤ тартибга солувчининг кўкрак томонида ҳаракатланиш доимо тақиқланади;

➤ тартибга солувчининг кўкрак томонидан тўғри йўналишда, ҳаракатланиш доимо тақиқланади.

Ҳаракатни тартибга солаётган ёки хизмат бурчини ўтаётган ИИИ ходими транспорт воситаси ҳайдовчисига қарата қўл ишораси ёки овоз кучайтиргичли қурилма орқали транспорт воситасини тўх-

татишни талаб қилиши мумкин. Ҳайдовчи эса кўрсатилган жойда тўхташи керак.

Йўл ҳаракати қатнашчиларига мурожаат қилишда ЙПХ ходими ўнг қўлини бош кийимига қадар кўтариб, лавозими, махсус унвони ва фамилиясини айтиб ўзини таништириши, транспорт воситасини тўхтатиш сабабини билдириши лозим. Фуқаролар мурожаат қилган ҳолларда ходим ўша талабларни бажариб, ваколати доирасида ёрдам беришини, саволларни ҳал қилиш учун қаерга мурожаат қилиш кераклигини тушунтириши лозим.

Фуқаролар билан гаплашганда ЙПХ ходими хотиржамлик ва сабр-тоқатни намоён қилишга, тортишувга, ўзини йўқотмаслик, кўполлик қилмасликка мажбурдир.

Светофор ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларида тўхташ тартиби

Светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиғи (5.33 белги) олдида, бундай чизик бўлмаганда эса:

➤ чорраҳада ЙХҚнинг 102-бандини (светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишда ҳаракатини давом эттириши керак) ҳисобга олган ҳолда, пиёдаларга ҳалақит бермасдан, қатнов қисмлари кесишмаси олдида;¹

➤ темир йўл кесишмаси олдида ЙХҚнинг 119-бандига мувофиқ (кесишма орқали ҳаракатланиш тақиқланадиган жойларда 2.5 йўл белги ёки светофор олдида, улар бўлмаганда шлагбаумгача камида 5 метр, шлагбаум бўлмаганда эса биринчи темир йўл изига камида 10 метр масофа қолганда тўхташи керак);

➤ бошқа жойларда эса ҳаракатланиши рухсат берилган транспорт воситаларига ва пиёдаларга ҳалақит бермаган ҳолда светофор ёки тартибга солувчининг олдида тўхташи керак.

Сариқ ишора ёнганда ёки тартибга солувчининг қўли юқорига кўтарилганда ЙХҚнинг 41-бандида кўзда тутилган жойларда (светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўх-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 102-банди).

таш чизиғи олдида тўхташлари керак) кескин тормоз бермасдан тўхташга улгура олмайдиган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади.

Ушбу ишоралар берилганда, қатнов қисмида бўлган пиёдалар уни бўшатишлари, агар бунинг иложи бўлмаса, қарама-қарши йўналишлардаги транспорт оқимларини ажратувчи чизиқда тўхташлари керак.

Тартибга солувчининг кўрсатмаси ва ишораси, светофорнинг ишораси, йўл белгилари ва чизиқларига зид келган ҳолатларда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг ҳаракати

Ҳайдовчилар ва пиёдалар тартибга солувчининг ишораси ва кўрсатмаларига улар светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизиқларига зид келган тақдирда ҳам амал қилишлари керак.

Чорраҳаларда светофор ишлаб турганда ҳайдовчи имтиёз белгиларига эмас, балки светофорга бўйсунди.

Чорраҳадаги транспорт воситалари ва пиёдаларни тезроқ ўтказиш учун тартибга солувчи юқоридаги асосий ишоралардан ташқари, ҳайдовчи ва пиёдаларга тушунарли бўлган бошқа қўшимча ишоралардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Чорраҳадан ўтиш навбатини белгилашда ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи бошқа ҳолларда йўл ҳаракати қатнашчиларининг эътиборини жалб этиш учун ҳуштак билан қўшимча ишора бериш мумкин.

Чорраҳада бирор-бир бир сабабга кўра, йўлнинг ҳолати ёки вазият ўзгарган тақдирда, ҳайдовчилар ва пиёдалар тартибга солувчининг ишораси ва кўрсатмаларига светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизиқларига зид келган тақдирда ҳам амал қилишлари шарт.

Транспорт воситасини тўхтатиш учун ҳаракатни тартибга солувчи ёки хизмат бурчини ўтаётган ИИИ ходими қўл ишораси билан ёки овоз-кучайтиргичли қурилма орқали транспорт воситалари ҳайдовчиларига мурожаат этади, ҳайдовчилар эса кўрсатилган жой тақиқланган бўлса ҳам кўрсатилган жойда тўхташи керак.

Тақиқловчи ахборотни кучайтириш мақсадида темир йўл кесишмаларида светофорнинг милтилловчи қизил ишораси билан бир вақтда пиёдаларнинг кесишма орқали ҳаракатланиши тақиқлан-

ганлиги тўғрисида қўшимча ахборот сифатида товушли ишора ҳам берилиши мумкин.

Ҳаракатни бошқаришда светофорлардан фойдаланиш ёки ЙПХ ходими томондан унинг амалга оширилиши транспорт ва пиёдалар оқимларини ўзаро зиддиятсиз ҳаракатини амалга ошириш имкониятини яратади. Бу эса йўл-кўча тармоғида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратади.

9-§. Чорраҳалардан ўтиш

Чорраҳалардан ўтишнинг умумий қоидалари

Йўл ҳаракати қоидаларида берилган атамаларда чорраҳага қуйидагича таъриф берилган:

Чорраҳа – йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи бўлиб, бу ерда ҳаракатланиш тартибга солинган ёки тартибга солинмаган бўлиши мумкин.

Ёндош ҳудудларнинг асосий йўлга қўшилган жойлари чорраҳа ҳисобланмайди.

Дастлаб пиёдаларнинг ҳаракатланиши тўғрисида сўз юритамиз. Улар кўчанинг транспорт қатнайдиган қисмини тротуар чизиқлари бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Шу билан бирга, уларнинг хатти-ҳаракати чорраҳани кесиб ўтишда, кўчанинг чап ёки ўнг томонидан келаётганига ҳам боғлиқ. Масалан, сиз кўчанинг ўнг томонидан чорраҳага яқинлашиб келдингиз. Уни кесиб ўтишдан олдин, кўчанинг транспорт қатнайдиган қисми бўшлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Сизнинг орқангиздан чорраҳага яқинлашаётган ва ўнг томонга бурилмоқчи бўлган автомобилни пайқаб олиш анча мушкул. Автомобилнинг қайрилишини ундаги бурилишни кўрсатувчи чироғининг ёқиб қўйилганлигидан билиш мумкин.

Ҳайдовчи сизни пайқаганлигига ва сизни ўтказиб юбориш учун тезликни камайтирганига ишонч ҳосил қилгач, кўчани кесиб ўтишингиз мумкин.

Аммо шошилманг! Чап томонингизда тўғридан чорраҳага яқинлашаётган автомобиль хавфи бор. Бу автомобиль пиёдаларга йўл бериши керак эмас. Кўчанинг ўртасига боргач, ўнг томонин-

гизга эътибор беринг, бу томондан автомобиллар келиши мумкин. Агар улар бўлмаса, кўчани кесиб ўтишда давом этинг.

Энди бошқа вазиятни кўриб чиқамиз. Сиз чорраҳага кўчанинг чап томонидан яқинлашдингиз. Унинг транспорт қатнайдиган қисмига қадам босишдан олдин чап томонга қаранг ва яқинлашиб келаётган транспортнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.

Агар транспорт бўлмаса, йўлнинг биринчи ярмини бамайлихотир ўтишингиз мумкин. Иккинчи ярмида мураккаброқ бўлади. Бу ерда уч томондан автомобиллар келиб қолиши мумкин. Бундай вазиятда ҳам қоидага амал қилинади, сиз ўнг томонда тўғридан келаётган автомобилни ўтказиб юборишингиз лозим.

Чорраҳалардан ҳаракатланиб ўтиш мураккаб жараён бўлиб, унда ҳайдовчи транспорт оқимидан ажралиб чиқишда, бошқа транспорт оқими ва пиёдаларнинг йўлини кесиб ўтишда маълум зиддиятлар ҳосил қилади.

Оқимдаги транспорт воситалари кўпайган сайин мана шу зиддият жойларида хавф-хатар даражаси ошиб боради ва йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши мумкин.

Шу сабабли транспорт оқими юқори бўлган йўлларнинг кесишган чорраҳаларида ҳаракатланиб ўтиш навбатини тартибга солиш билан зиддиятларни камайтириш мумкин.


Бир сатҳда кесишган серқатнов йўлларнинг чорраҳасида ҳаракатланиб ўтиш навбатини светофор ёки тартибга солувчи белгилайдиган бўлса, бундай чорраҳа тартибга солинган чорраҳа ҳисобланади.

Серқатнов катта чорраҳаларда транспорт ва пиёдаларнинг Ҳаракатланиши светофор ёриткичлари, шунингдек тартибга солувчи шахс томонидан тартибга солинади.


Катта оқимдаги ҳаракат иштирокчиларини чорраҳаларда тартибга солиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун светофорлар, йўл белгилари, транспорт қатнайдиган қисмига зарур белгилар қўйиб чиқиш каби турли хилдаги техник воситалардан фойдаланилади.

Бу чорраҳаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг навбат билан ҳаракатланиб ўтишлари, транспорт оқимининг серқатновлиги ва зичлигига, пиёдалар кесиб ўтадиган йўлнинг энига қараб, сонлар билан белгиланади.


Чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёдаларга, шунингдек, велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчиларга йўл бериши керак. Расмда кўрсатилганидек, ўнгга бурилаётган транспорт воситалари светофорнинг яшил чироғи ёнган тақдирда ҳам пиёдаларга йўл бериши керак.




Траекториясини ўзгартираётган ҳайдовчи траекториясини ўзгартирмаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга йўл беради (а, б, в, г расмлар). а-расмда светофорнинг яшил чироғида чапга бурилаётган қизил автомобиль пиёдани, ўнгга бурилаётган яшил автомобиль ўз йўналиши бўйича кетаётган велосипедчи ва пиёдани ўтказиб юбориши шарт. б-расмда тартибга солувчининг рухсат этувчи ишорасида чапга бурилаётган қизил автомобиль ҳамда ўнгга бурилаётган яшил автомобиль пиёдани ўтказиб юбориши керак. в-расмда ҳам асосий йўлдан келаётган қизил автомобиль чапга бурилаётганида, яшил автомобиль ўнгга бурилаётганида пиёдани ўтказиб юборади. г-расмда тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада чапга бурилаётган қизил автомобиль пиёдани, ўнгга бурилаётган яшил автомобиль ўз йўналиши бўйича кетаётган велосипедчи ва пиёдани ўтказиб юбориши керак.



Қарама-қарши йўналишда бир вақтда траектория ўзгартирилдиган бўлса, ўнг тарафдаги транспорт воситаси имтиёзга эга.



а)



б)

Тирбандлик туфайли тўхташга мажбур бўлган ҳайдовчи, агар у кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик туғдирадиган бўлса, унинг чорраҳа ёки қатнов қисмлари кесишмасига кириши тақиқланади (а ва б-расмлар).

а-расмда светофорнинг яшил чироғида ҳаракатланаётган яшил автомобиль тўғрисида йўл-транспорт ҳодисаси бўлгани учун тўғрига ҳаракатланса чорраҳада тўхташга мажбур. Шунинг учун унинг тўғрига ҳаракатланиши тақиқланади, ўнгга, чапга ёки орқага қайрилиб олиши мумкин.

б-расмда аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада ўнг қўл қоидасига биноан, биринчи бўлиб ҳаракатланаётган яшил автомобиль тўғрисида йўл-транспорт ҳодисаси бўлгани учун тўғрига ҳаракатланса чорраҳада тўхташга мажбур. Шунинг учун унинг тўғрига ҳаракатланиши тақиқланади, ўнгга ёки чапга бурилиши мумкин. Орқага қайрилиб олишида ўнг қўл томонида турган юк автомобилени ўтказиб юбориши ҳамда қайрилиб олишни тугаллаши мумкин.

Милтиловчи сариқ ишорада, светофорлар ишламаётган ёки тартибга солувчи бўлмаган чорраҳаларда ҳайдовчилар тартибга солинмайдиган чорраҳалардан ўтиш қоидаларига, чорраҳада ўрнатилган имтиёз белгиларига амал қилишлари шарт.

Қуйидаги ҳолларда светофорнинг яшил чироғида чорраҳага кириш тақиқланади:

- тартибга солувчининг ишораси светофорнинг ишорасига зид бўлганда;
- чорраҳа олдида «Кириш тақиқланади», «Хатар» вақтинчалик йўл белгилари ўрнатилган бўлса;
- бошқа йўналишда имтиёзга эга бўлган махсус транспорт воситалари ёки сафланиб ҳаракатланаётган транспорт воситалари чорраҳага яқинлашаётганда;

- чорраҳада транспорт воситаларининг тирбандлиги туфайли йўл ёпилиб қолса;
- чорраҳага киришда пиёдалар йўлни кесиб ўтишга улгурмаган бўлса;
- чорраҳада бошқа йўналишда қайрилишни тугаллаётган транспорт воситаси бўлса.

Тартибга солинмаган тенг аҳамиятга эга бўлган ва эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳаларда ҳаракатланиш тартиби

Транспорт оқими зич ва серқатнов бўлмаган йўлларнинг кесишмасидаги чорраҳаларда ҳаракатланиш тартибини имтиёз белгилари, улар бўлмаганда ҳайдовчиларнинг ўзлари ўзаро йўлнинг қопламаси бор-йўқлигига, чорраҳага яқинлашаётган транспорт воситасининг ўнг ва чап тарафда жойлашганлигига қараб белгилайдилар.

Светофор ёки тартибга солувчи бўлмаган ва шу қатори светофорнинг милтиловчи сариқ ишорасида светофор ишламаётган чорраҳалар тартибга солинмаган чорраҳа ҳисобланади.

Йўлларнинг аҳамияти (даражаси)га қараб, тенг аҳамиятли бўлмаган ва тенг аҳамиятли бўлган йўллар кесишадиган чорраҳаларга бўлинади.

Тенг аҳамиятли бўлмаган йўллар кесишган чорраҳа бу имтиёз белгилари билан белгиланган ёки қопламаси бор ва қопламаси йўқ йўлларнинг кесишмаси ҳисобланади.

Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада асосий йўлнинг йўналиши ўзгармаган ёки ўзгарган бўлиши мумкин. Асосий йўлнинг йўналиши ўзгарган бўлса, чорраҳа «Асосий йўлнинг йўналиши» белгиси билан таъминланади. Бундай чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчи чорраҳада имтиёз берилган йўналишни аниқлай олиши керак.

Тартибга солинмайдиган чорраҳалар, ўзининг аҳамиятига кўра, тенг ва тенгсиз йўлларнинг кесишмасида вужудга келади.

Чорраҳаларда имтиёз белгилар йўқ бўлса, кесишаётган йўллар маълум бир қопламага эга бўлса ёки қопламасиз бўлса, бундай йўллар тенг ҳисобланади. Ҳозирги йўл ҳаракати қоидаларига кўра, «Асосий йўл» бу тупроқ йўлга нисбатан қопламаси бўлган йўл деб аталади.

Йўлнинг қопламаси цемент-бетонли, асфальт-бетонли, тошли, шағалли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Шунинг учун цемент-бетонли ёки асфальт-бетонли қопламали йўлнинг тош, шағалли ёки бошқа қопламали йўллар кесишмаси тенг аҳамиятли йўллар ҳисобланади, яъни бу ерда асосий йўл йўқ.

Агар йўлда қуйидаги йўл белгилари:

1.1 «Асосий йўл»;



2.3.1 «Иккинчи даражали йўл билан кесишув»;



2.3.2, 2.3.3 «Иккинчи даражали йўлнинг туташуви»;



ёки 5.1 «Автомагистрал» белгилари ўрнатилган бўлса, бу йўллар қуйидаги:



2.4 «Йўл беринг!»



ёки 2.5 «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади»



белгилари билан белгиланган йўлларга нисбатан асосий йўл ҳисобланади.


Асосий йўлни аниқлашда чорраҳа шакли (Т-симон ва ҳоказо) қоплама тури, қатнов қисмининг кенглиги ва йўл бўлаги сонининг аҳамияти йўқ.

Кўп ҳолларда тупроқли йўлларда маълум бир масофада, бевосита чорраҳадан олдин йўл қопланади, мақсад кесишаётган йўлда ифлосгарчиликка йўл қўймаслик.

Бевосита чорраҳадан олдин тупроқ йўл (25 метрдан 150 метргача) уни кесишаётган қопланган йўл билан тенг аҳамиятли деб айтолмаймиз, тупроқли йўл иккинчи даражали ҳисобланади.

Чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёдаларга, шунингдек, велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчиларга йўл бериши керак.

Тенг аҳамиятли йўлларда чапга бурилишда ёки орқага қайрилиб олишда рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарама-қарши йўналишдан тўғрига ёки ўнгга ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. а-расмда тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада чапга бурилаётган ёки орқага қайрилиб олаётган кул ранг автомобиль ҳайдовчиси ўз йўналиши бўйича тўғрига ҳаракатланаётган қизил юк автомобилига йўл беради.



Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, асосий йўлдан келаётган транспорт воситасига иккинчи даражали йўлдан келаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак. б-расмда асосий йўлда ҳаракатланаётган яшил автомобиль тўғрига, чапга, ўнгга ёки орқага қайрилиб олишдан қатъи назар биринчи бўлиб, иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган қизил юк автомобилнинг ҳайдовчиси эса иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Бу қоидага (рельсли транспорт воситалари) трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. в-расмда асосий йўлда ҳаракатланаётган яшил автомобиль ҳайдовчиси биринчи, иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган трамвай эса иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.




1.6.

Тенг аҳамиятли йўллар кесишмаси (1.6 «Тенг аҳамиятли йўллар кесишуви») белгиси билан таъминланган ёки таъминланмаган қопламали ёхуд қопламасиз йўлларнинг кесишуви.

1.6. белги усти қандай қоплама (асфальт, бетон, тош) бўлишидан қатъи назар, тенг аҳамиятли йўллар кесишган жойлар олдида ўрнатилиб, имтиёз ўнг томондан келаётган транспорт воситасига берилади.

Қурилиш нормалари ва ЙХҚга асосан, иккинчи даражали йўлнинг чорраҳага туташ қисмида қоплама бўлса ҳам бу уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қила олмайди.

Тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси ўнгдан келаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт (а, б ва в-расмлар).



а-расмда тўғрига ҳаракатланаётган 1-автомобиль ўнг томонда тургани учун чап томонида турган тўғрига ҳаракатланаётган 2-автомобилдан олдин, б-расмда ўнгга ҳаракатланаётган 1-автомобиль ўнг томонда тургани учун чап томонида турган тўғрига ҳаракатланаётган 2-автомобилдан олдин, в-расмда тўғрига ҳаракатланаётган 1-автомобиль ўнг томонда тургани учун чап томонда турган чапга бурилаётган 2-автомобилдан олдин ҳаракатланади.

Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. Бундай чорраҳаларда, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай рельсиз транспорт воситаларига нисбатан олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тирбандлик туфайли тўхташга мажбур бўлган ҳайдовчи, агар у кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, унинг чорраҳа ёки катнов қисмлари кесишмасига кириши тақиқланади.

Асосий йўл йўналишини ўзгартирган чорраҳалардан ўтиш кетма-кетлиги


Айрим ҳолларда 2.1 «Асосий йўл» белгиси чорраҳада ўз йўналишини ўзгартиради ва бунда «Асосий йўл»да ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига риоя қиладилар.



2.1.

Асосий йўлнинг йўналиши чорраҳада ўзгарганда, асосий йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилишлари керак. а-расмда асосий йўлда ҳаракатланаётган кўк автомобиль асосий йўлдан келаётган яшил автомобилнинг ўнг томонида бўлгани учун ўзаро

тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилган ҳолда кўк автомобиль биринчи, яшил автомобиль иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.



а)



б)

б-расмда ҳам асосий йўлдан ҳаракатланаётган кўк автомобиль асосий йўлдан келаётган яшил автомобилнинг ўнг томонида бўлгани учун ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилган ҳолда кўк автомобиль биринчи, яшил автомобиль иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Асосий йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситалари чорраҳадан ўтиб кетганидан сўнг иккинчи даражали йўлларда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ҳам ўзаро шу қоидага амал қилишлари лозим (а ва б-расмлар).

а-расмда иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган қизил автомобиль иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган кўк автомобилнинг ўнг томонида бўлгани учун ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилган ҳолда кўк автомобиль учинчи, яшил автомобиль тўртинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

б-расмда иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган қизил автомобиль иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган сиёҳ ранг автомобилнинг ўнг томонида бўлгани учун ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилган ҳолда кўк автомобиль учинчи, сиёҳ ранг автомобиль тўртинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Асосий йўл чорраҳада йўналишини ўзгартирганда асосий йўл бўйлаб ҳаракатланаётган транспорт воситасига иккинчи даражали



йўлда ўз йўналишини ўзгартирмасдан тўғрига ҳаракатланаётган транспорт воситаси асосий йўлга чиқишидан қатъи назар йўл беради.

Расмда асосий йўл чорраҳада

йўналишини ўзгартирганда, асосий йўл бўйлаб ҳаракатланаётган яшил автомобиль биринчи, иккинчи даражали йўлдан тўғрига (асосий йўлга чиқаётган) ҳаракатланаётган қизил автомобиль иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Бу қоидага худди рельсиз транспорт воситаларига ўхшаб (рельсли транспорт воситалари) трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. Яъни асосий йўлда ҳаракатланаётган трамвай биринчи, иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган трамвай эса иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Чорраҳа турини аниқлаб бўлмаган ҳолатларда (сутканинг қоронғи вақти, лойгарчилик, қор ва бошқалар) ва имтиёз белгилари мавжуд бўлмаганда ҳайдовчининг ҳаракати

Агар ҳайдовчи ўзи ҳаракатланаётган йўлнинг қопламаси бор-йўқлигини аниқлай олмаса (қоронғи вақт, лой, қор, ва ҳоказо) ва имтиёз белгилари бўлмаса, унда у ўзини иккинчи даражали йўлдан деб ҳисоблаши керак. Бунга сабаб қуйидагилардан иборат:

➤ қор ёки муз остида йўлнинг қопламаси бор ёки йўқлигини аниқлаб бўлмайди. Шу боис, ҳайдовчи чорраҳани тенг аҳамият-лими, йўқми аниқлай олмайди;

➤ баъзи сабабларга кўра (қурилиш ишлари, йўлни таъмирлаш ва шунга ўхшаш) имтиёз белгилари олиб қўйилган ёки йўқолиб қолган бўлиши мумкин.

Мана шу икки ҳолатда ҳайдовчи юқоридаги қоидаларга амал қилиши керак.

Чорраҳа турини аниқлаб бўлмайдиган чорраҳага уч йўналишдан яқинлашаётган транспорт воситаларидан бири чапга бурилмоқчи бўлган ҳолатда, маълум бир қийинчилик туғдириш мумкин.

Бошланғич ҳолатда, ўнг қўл қоидасига кўра, ўнгдан ҳеч қайси ҳаракат қатнашчисига ҳалақит йўқ транспорт воситаси ҳайдовчисига биринчи бўлиб чорраҳага киришга рухсат этилади.

Биринчи навбатда чорраҳага кирган ҳайдовчи қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситасини ўтказиб юбориш учун чорраҳа марказида тўхтайди, ўнг қўл томонидан ҳалақит бериши мумкин бўлган транспорт воситаси йўқ бўлганда ёки бу транспорт воситаси чорраҳадан чиқиб кетгандан кейин кесишган

йўлда жойлашган транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иккинчи бўлиб қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситаси ўтади ва охириги навбатда чорраҳага биринчи бўлиб кирган транспорт воситаси ҳаракатланади (чапга бурилаётган).

Бундай ҳаракатланиш кетма-кетлиги хафсизликни таъминлайди. Ўнга ва чапга бурилаётганда ҳайдовчи йўлнинг қатнов қисмида жойлашган пиёдаларни ўтказиб юбориши лозим.

Бу талаб пиёдалар хафсизлигини таъминлашда бажарилади, чунки пиёда бурилаётган транспорт воситасини ўз вақтида кўра олмаслиги мумкин.

ЙХҚга кўра, пиёдалар чорраҳа худудида қатнов қисмини кесиб ўтишда фақат пиёдалар ўтиш жойидан фойдаланишлари керак.

Тартибга солинмаган чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчи об-ҳаво ёки йўл шароити (қоронғилик, лой, қор, музлик ва шу кабилар) туфайли йўлнинг қопламаси бор-йўқлигини аниқлай олмаса ёки имтиёз белгилари мавжуд бўлмаса (ёхуд кўринмаса), унда у ўзини иккинчи даражали йўлдан деб ҳисоблаши керак.

Тартибга солинган чорраҳалар ҳамда уларда ҳаракатланиш тартиби ва кетма-кетлиги

Чорраҳадаги ҳаракатланиб ўтиш навбатини светофор ёки тартибга солувчи белгилайдиган бўлса, бундай чорраҳа тартибга солинган чорраҳа ҳисобланади.

Агарда тартибга солувчи чорраҳада жойлашиб, лекин ЙХҚдаги белгиланган ишоралар билан ҳаракатланиш навбатини тартибга солмаса, бу чорраҳа тартибга солинмаган чорраҳа ҳисобланади.


Агар тартибга солинган чорраҳада светофор ўчирилган ёки милтилловчи сариқ чироқ ишлаётган бўлса, бу чорраҳа ҳам тартибга солинмаган ҳисобланади.

Транспорт оқими зич, пиёдалар ҳаракати серқатнов йўлларнинг кесишган чорраҳаларида ҳаракатланиб ўтиш навбатини тартибга солиш мақсадида оддий уч чироқли (қизил, сариқ, яшил) светофор қўлланилади.

Чорраҳаларда пиёдалар ўтиш жойларидаги ҳаракатланиш светофор билан тартибга солинадиган бўлса, узунасига чизилган кенг оқ чизиқлар билан белгиланади. Светофор билан тартибга солинмай-

диган пиёдалар ўтиш жойлари «зебрасимон» ётиқ чизиқлари билан ажратилади.

Тартибга солувчи ёки светофор тартибга соладиган чорраҳаларда асосий йўлда ҳаракатланаётганидан қатъи назар светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельссыз транспорт воситасининг ҳай-



довчиси қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Расмда светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган яшил автомобиль асосий йўлда ҳаракатланаётганидан қатъи назар қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган қизил автомобилга йўл бериши шарт.

Трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидага амал қилишлари керак.

Светофор ишоралари ва йўл белгиларининг ўзаро таъсири ҳамда трамвай ҳайдовчиларининг имтиёзга эга бўлган ҳолатлари

Светофорнинг рухсат этувчи (яшил) ишорасида чорраҳага кириб келган транспорт воситалари ҳайдовчилари, чорраҳадан чиқишда светофорнинг ишораси қандай бўлишидан қатъи назар, чорраҳани бўшатишлари лозим.


Агар ҳайдовчи ҳаракатланаётган йўналишдаги чорраҳада светофордан олдин тўхташ чизиғи ёки «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» йўл белгиси бўлса, ҳайдовчи ҳар бир светофор ишорасига риоя қилиши шарт.

Тўхташ чизиғи ёки «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» йўл белгиси мураккаб шаклга эга бўлган чорраҳаларда қўлланади.

Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг яшил ишорасидаги йўналтиргич йўналишида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бошқа йўналишлардаги транспорт воситаларига йўл бериши керак (а, б ва в-расмлар).

а-расмда светофорнинг қизил ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг яшил ишорасида тўғрига ҳаракатланаётган

трамвай ва кўк автомобиль бошқа йўналишда ўнгга бурилаётган юк автомобилга йўл беради. б-расмда светофорнинг қизил ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг яшил ишорасида ўнгга бурилаётган трамвай бошқа йўналишда тўғрига ҳаракатланаётган юк автомобилга йўл беради. в-расмда светофорнинг қизил ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг яшил ишорасида ўнгга бурилаётган юк автомобили бошқа йўналишда орқага қайрилиб олаётган қизил автомобилга йўл беради.



Агар светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.




Расмда светофорнинг яшил чироғи трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат этаяпти, лекин ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлгани учун чапга бурилаётган трамвай биринчи, тўғрига ҳаракатланаётган енгил автомобиль иккинчи бўлиб чорраҳани кесиб ўтади.

Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоғининг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган трамвай бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.


Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишда ҳаракатни давом эттириши керак. Расмда

светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган қизил автомобиль ҳайдовчиси ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар белгиланган йўналишда ҳаракатни давом эттиради.

Бирок чорраҳада ҳайдовчининг юрадиган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари ёки 5.33 «Тўхташ» белгиси бўлса, у светофорнинг ҳар бир ишорасига амал қилиши шарт. Расмда светофорнинг яшил ишорасида чорраҳага кирган кул ранг автомобиль ҳайдовчиси чорраҳада жойлашган светофорнинг тақиқловчи ишорасида тўхташ чизиғи олдида тўхтайди.



5.33.



Ўнгга ёки чапга бурилиб чорраҳадан чиқишдаги светофор кўндаланг йўлда ўрнатилган светофорнинг дублёри бўлиши мумкин.



а)



б)

Светофорнинг ҳаракатланишга рухсат берувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёдаларга йўл бериши шарт (а ва б-расмлар). а-расмда светофорнинг ҳаракатланишга рухсат этувчи яшил чироғида тўғрига ҳаракатланаётган сариқ автомобиль бурилишни тугаллаётган юк автомобилига йўл бериб уни ўтказиб юбориши керак. б-расмда светофорнинг рухсат этувчи ишорасида йўлни кесиб ўтаётган пиёдага сариқ автомобиль светофорнинг яшил чироғи ёнганидан қатъи назар пиёданинг йўлни кесиб ўтишини тугаллашига имкон бериши керак.

10-§. Пиёдаларнинг ўтиш жойлари, белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларнинг бекатлари ва темир йўл кесишмаларида ҳаракатланиш

Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ва белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг бекатлари

Пиёдалар ўтиш жойи – йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар кесиб ўтиши учун мўлжалланган 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1, 1.14.3 йўл чизиқлари билан ажратилган қисми. Қатнов қисми фақат транспорт воситаларининг ҳаракати учун эмас, балки пиёдаларнинг юриши учун ҳам мўлжаллангандир. Шу сабабли йўлнинг чети пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун ажратилиб, уни тротуар деб атаймиз. **Тротуар** – йўлнинг қатнов қисмига туташган ёки ундан майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисми. Тротуар ўн саккизинчи асрнинг охирларида пайдо бўлган. Ўша вақтлар Франциянинг пойтахти энг маданий марказлардан бири ҳисобланган ва бутун Европа ундан ибрат олган. Ҳаммаси де-Турнон кўчасидан бошланган. Бу кўчада «Оденон» деган ажойиб янги театр жойлашган бўлиб, у ерга ҳар куни жуда кўп одам тўпланарди. Спектакллар бошланишидан олдин кишилар ҳамда кареталар тикилиб кетар эди. Кареталар бир-бирига тиркалиб, йўлни тўсиб қўярди. Натижада, парижликлар томоша зали ўрнига, кўпинча, касалхонага тушиб қолардилар. Ўшанда шаҳар маъмурияти кўчани кареталар ва пиёдалар учун ажратишга қарор қилишди, унинг бир қисмини тўсиқлар билан ажратиб гранит плиталар ётқизишди ва «тротуар» деган белги осиб қўйишди. Шундан бери тротуар қуриш мажбурий бўлиб қолди. Янги уй-жой қурилиши режалаштирилганда тротуар ҳам лойиҳаларда ҳисобга олинadиган бўлди. Ҳозир ҳатто қишлоқларни ҳам тротуарсиз тасаввур қилиш қийин.

Пиёдалар тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан юришлари керак.

ЙХҚда пиёдаларнинг юришига рухсат берадиган ёки уни тақиқлайдиган махсус белгилар бор. Масалан, ахборот-ишора белгилари гуруҳида тўғри бурчак шаклидаги



4.6.



5.16.1



5.16.2

5.16.2 «Пиёдалар ўтиш жойи» белгиси бор. Бу белги ҳайдовчини йўлнинг пиёдалар кесиб ўтиши мумкин бўлган ерига яқинлашаётганидан огоҳлантиради, айлана шаклидаги ҳаворанг асосда тасвирланган буюрувчи белги гуруҳидаги 4.6 «Пиёдалар йўлкаси» белгиси фақат пиёдаларнинг юришига рухсат этади. Баъзан бу белги (3.10 йўл белгиси билан бирга) метро станциялари оралиғида пиёдаларнинг бир тарафлама ҳаракатини жорий этиш учун ҳам ишлатилади. Таққловчи белгилар гуруҳида шакли бўйича худди шундай белги бор, лекин у ҳаворанг асосда эмас, балки оқ асосда бўлиб, унинг четлари бўйлаб ва ўртасидан қизил рангли чизиқ чизилган. У йўлнинг белгидан кейинги қисмида пиёдаларнинг юриши тақиқланганлигини билдиради.

Ушбу йўл белгилари пиёдалар ўтиш жойини белгилаб, «зебра» шаклидаги ётиқ чизиқ билан ёки уларсиз ишлатилиши мумкин. 5.16.1 белги йўлнинг ўнг тарафига ўрнатилиб, пиёдалар ўтиш жойининг олд чегарасини билдиради, 5.16.2 белги аввалги белгининг аксини кўрсатади ва йўлнинг чап тарафига ўрнатилади, пиёдалар ўтиш жойининг туташ чегарасини кўрсатади.

Яна ернинг остидан ва устидан ўтиш кераклигини билдирувчи белгилар ҳам бор.

«Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи»



5.17.1



5.17.2

«Пиёдаларнинг ер устидан ўтиш жойи»



5.17.3



5.17.4

Ушбу белгилар ер устидан (кўпинча темир йўл устидан) ва ер остидан (серкатнов кўчаларнинг остидан) ўтиш жойларини кўрсатади.

Пиёдалар пиёдаларнинг ўтиш жойлари, шунингдек, ер остидан, ер устидан ва қатнов қисмининг юзасидан ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиқлари ёки йўл ёқаси

бўйлаб кесиб ўтишлари керак. Пиёдаларга йўлни кесиб ўтаётганида, уларга яқинлашиб келаётган автомобиль йўл қуруқ пайтда камида 50 метр, ҳўл ёки қор босган вақтда камида 100 метр нарида бўлганда ўтиш тавсия қилинади. Бундай масофа ҳайдовчига зарурат туғилганда транспортни тўхтатиш учун шошилиш чоралар кўриш имконини беради.

Пиёдаларнинг тартибга солинмаган ўтиш жойига, белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг бекатига ёки «Болалар гуруҳини ташиш» таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситасига яқинлашиб келаётган ҳайдовчининг вазифаси

Пиёдалар пиёдалар ҳаракати тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида қатнов қисмини кесиб ўтишдан аввал, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларини ўтказиб юбориб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганликларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмларига чиқишлари мумкин.

Транспорт воситасининг ҳайдовчиси тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойида қатнов қисмидан ўтаётган пиёдаларга йўл бериши шарт (а-расм).

Бунда қатнов қисмида ҳаракатланишни тугаллаётган ёки хавфсизлик оролчаси, қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикқа яқинлашиб келаётган пиёдалар тушунилади. Ўтишга улгурмаган пиёдалар қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим.



а)



б)

Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттиришлари мумкин. Иккинчи суратда кўрсатилганидек, ҳаракатланишни бошлаётган пиёда енгил автомобиль ҳайдовчисига йўл бериши керак (б-расм).

Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатни секинлаштирса ёки тўхтаса, қўшни бўлакларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёдалар йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин.



Суратда кўрсатилганидек, ўтиш жойида пиёда бўлса, ҳайдовчи тезликни пасайтириб, керак бўлса тўхтаб йўл бериши керак.

Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт (а-расм).

Ушбу ҳолатда пиёдалар ўз ҳаракатини светофорнинг Рухсат этувчи ишорасида бошлашлари керак.



а)



б)

Агар пиёдалар ўтиш жойларидан кейин пайдо бўлган тирбандлик туфайли ҳайдовчи пиёдалар ўтиш жойида тўхташга мажбур бўладиган бўлса, бундай пиёдалар ўтиш жойларига кириш тақиқланади (б-расм).

Агар йўловчиларни тушириш ёки чиқариш қатнов қисмида ёки унда жойлашган майдончада амалга оширилаётган бўлса, ҳайдовчи бекатда тўхтаган белгиланган йўналишдаги транспорт воситаси (трамвай) эшиклари томон бораётган ёки ундан келаётган пиёдаларга йўл бериши керак.



Йўл бериш учун тўхтаган транспорт воситалари пиёдалар ўтиб бўлган заҳоти ҳаракатни давом эттиришлари мумкин.

Пиёдалар йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда тартибга солувчининг ёки светофорларнинг ишораларига амал қилишлари керак.

Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олд томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт. Чунки трамвайларнинг излари бир-бирига жуда яқин жойлашганлиги сабабли трамвайдан тушган йўловчилар унинг орқасидан ўтсалар олдидан келаётган трамвайни кўрмай қолишлари мумкин.

Белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари ва таксиларни фақат бекатларда, улар бўлмаган тақдирда эса тротуарда ёки йўл ёқасида кутиш керак.

Махсус жиҳозланган бекатлари бўлмаган тўхташ жойларида транспорт воситаси тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун йўлнинг қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан йўлнинг қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Барча ҳолларда, жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёдаларни ҳайдовчи ўтказиб юбориши керак.

«Болалар гуруҳини ташиш» – болалар гуруҳини ташкилий ташишда, транспорт воситасининг олд ва орқа томонларига қизил ҳошияли, ичига 1.21 йўл белгисидаги болалар тимсолининг тасвири туширилган, сариқ рангдаги, томонлари тенг бўлган тўртбурчак (квадрат) кўринишидаги белги. Тўртбурчакнинг томонлари 250-300 миллиметргача, ҳошиянинг кенглиги тўртбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак.

«Болалар гуруҳи ташилаётган транспорт воситаси» таниқли белгиси ўрнатилган транспорт воситаси тўхтаб турганда, унга яқинлашаётган ҳайдовчи ҳаракат тезлигини камайтириши, зарур бўлса тўхташи ва болалар гуруҳини ўтказиб юбориши керак.




Темир йўл кесишмалари

Темир йўл кесишмалари кесишмаларнинг тузилиши ва уларга хизмат кўрсатиш қоидаларига асосан жиҳозланиши керак. Темир йўл кесишмалари кесишмаларнинг тури ва ҳаракатланиш интенсивлигига қараб бўлинади.

Темир йўл кесишмалари тартибга солинган (шлагбаумли) ва тартибга солинмаган (шлагбаумсиз) бўлиши мумкин. Тартибга солинган кесишма автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши ишора берувчи қурилмалар ёки навбатчи орқали тартибга солинади. Тартибга солинмаган темир йўл кесишмаларда (шлагбаум, светофор ва навбатчи)лар бўлмайди.

Темир йўл кесишмаси – автомобиль йўлининг темир йўл билан бир сатҳдаги кесишмаси.



Темир йўл кесишмасидаги йўл-транспорт ҳодисасининг оқибати оғир бўлгани сабабли унинг олдида қуйидаги тегишли огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилади:

- 1.1. «Шлагбаунли темир йўл кесишмаси»;
- 1.2. «Шлагбаунсиз темир йўл кесишмаси».



1.1



1.2

Бу белгилар темир йўл кесишмалари олдида ўрнатилиб, 1.1 белги ўрнатилган кесишма шлагбаум, темир йўл светофори билан жиҳозланган бўлиб, ундаги ҳаракатланишни темир йўл назоратчиси назорат қилади. 1.2 белги ўрнатилган кесишма назоратчисиз бўлиб, хавфсизликни таъминлаб темир йўлни кесиб ўтиш ҳайдовчинининг ўзига ҳавола этилади.



1.3.1 «Бир изли темир йўл»



1.3.2 «Кўп изли темир йўл»

Бу йўл белгилари аҳоли пунктларида 50-100 метр, аҳоли яшамайдиган жойларда 150-300 метр масофада ўрнатилади.

Бу белгилар бевосита шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилади. 1.3.2 белги биринчи издан ташқари иккинчи ва ундан кейинги излардан ҳам поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда кесишмадан ўтиш мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради.

1.4.1-1.4.6 Темир йўл кесишмасига яқинлашув йўл белгилари. Бу белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда ўрнатилиб, ҳайдовчининг темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлиги ҳақида қўшимча равишда огоҳлантиради. 1.4.1-1.4.3 белгилар йўлнинг ўнг томонида, 1.4.4-1.4.6 белгилар йўлнинг чап томонида ўрнатилади.



1.4.1



1.4.2



1.4.3



1.4.4



1.4.5



1.4.6

Транспорт воситаларининг темир йўл кесишмаларида ҳаракатланиш тартиби

Темир йўл кесишмалари ундан ўтадиган темир йўл транспортлари ва автомобилларнинг жадаллигига қараб, қўриқланадиган (шлагбаумли) ва қўриқланмайдиган (шлагбаумсиз) турларга бўлинади.

Шлагбаумли темир йўл кесишмаларида шлагбаумдан ташқари ҳаракатни тартибга солувчи светофор, ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун жиҳозланган товуш чиқарувчи мосламалар ва

ҳаракатланиш хавфсизлиги учун жавобгар темир йўл назоратчиси мавжуд бўлади.

Шлагбаумсиз темир йўл кесишмалари, шлагбаумлидан фаркли ўлароқ, кесишма яқинида «Бир изли темир йўл» (1.3.1) ёки «Кўп изли темир йўл» (1.3.2) белгиларидан моси ўрнатилади ва унда хавфсизлик чораларини таъминлаб ўтиш ҳайдовчининг ўз зиммасида қолади.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари темир йўлларни фақат темир йўл кесишмалари орқали поезд (локомотив, дрезина)ларга йўл бериб кесиб ўтишлари мумкин.

Темир йўл кесишмаларидан бошқа жойларда ўтиш жуда хавфли ҳисобланади (темир йўл излардан ўта олмай, мажбурий тўхтаб қолган транспорт воситалари темир йўлни тўсиб қўйиб, тўқнашувга олиб келиши мумкин).



5.8.1

Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган ҳайдовчи йўл белгилари ва чизиқларига, светофор ишораларига, шлагбаум ҳолатига, кесишма навбатчисининг кўрсатмаларига амал қилиши, яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Агар темир йўл кесишмаси олдида бўлақлар бўйича ҳаракатланиш чизиғи ёки 5.8.1 «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши» белгиси бўлмаса, транспорт воситаларига темир йўл кесишмасидан фақат бир қаторда ўтишга рухсат этилади.

От-араваларга темир йўл кесишмадан навбат билан гуруҳ-гуруҳ (ҳар бир гуруҳда учтадан ортиқ арава бўлмаслиги керак) бўлиб ҳаракатланишга рухсат этилади.

От-араваларга темир йўл кесишмадан навбат билан гуруҳ-гуруҳ (ҳар бир гуруҳда учтадан ортиқ арава бўлмаслиги керак) бўлиб ҳаракатланишга рухсат этилади.

Транспорт воситаларининг темир йўл кесишмаси олдида тўхташ қоидалари

Темир йўл пайдо бўлиши туфайли шаҳарлар ўзаро боғланар экан, темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишиши юз беради. Шу сабабли темир йўл кесишмалари олдида тўхташ қоидаларига риоя




2.5

қилишимиз шарт. Агар 2.5. «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси темир йўл кесишмаси ёки карантин масканидан олдин ўрнатилган бўлса, ҳайдовчи «Тўхташ» чизиғи олдида, у бўлмаса, шундай белги олдида тўхташи керак. Бу белги саккиз қиррали бўлиб, уни шакли орқали тез ажратиш мумкин.

Навбатма-навбат милтилловчи иккита қизил ёритгич темир йўл кесишмалари ва сол кечуви олдида ўрнатилиб, ҳаракатланишни тақиқлайди. Бу светофорлар ёритгичларининг навбат билан ёниши ҳайдовчининг кўзларига (назарига) тезроқ ташланиши ва буни тезроқ англаб, чора қабул қилиши учун мўлжалланган.




Темир йўл кесишмаларида ўрнатилган доира-симон оқ рангли милтилловчи ишора транспорт воситаларининг кесишма орқали ҳаракатланишига рухсат беради.




Темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилган ушбу светофорнинг оқ милтилловчи чироғи мазмун жиҳатдан оддий светофорнинг яшил чироғи билан тенг.

Кўриниш чегарасида яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) бўлмаса, ўчирилган милтилловчи оқ ва қизил ишораларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилади.


Кесишма орқали ҳаракатланиш тақиқланадиган ҳолларда ҳайдовчи «Тўхташ» чизиғи, 2.5 «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» йўл белгиси ёки светофор олдида (а-расм), улар бўлмаганда шлагбаумгача камида 5 метр (б-расм), шлагбаум бўлмаганда эса биринчи темир йўл изига камида 10 метр қолганда тўхташи керак (в-расм).



а)



б)



в)

Темир йўл кесишмасида тўсатдан тўхтаб қолганда ҳайдовчининг вазифалари

Темир йўл кесишмасида мажбуран тўхтаб қолган транспорт воситасининг ҳайдовчиси дарҳол одамларни тушириш ва кесишмани бўшатиш чораларини кўриши керак.

Ҳайдовчи кесишмада мажбурий тўхтаган транспорт воситасини йўлдан олишнинг ҳамма чораларини кўриши лозим. Бундай чораларга биринчи навбатда қуйидаги усуллар киради:

➤ биринчи узатгични кўшиб ва стартерни ёқиб, автомобилни қўзғатишга ҳаракат қилиш;

➤ орқага ҳаракатлантирувчи узатгични кўшиб қўйган ҳолда ўт олдириш мосламаси ёрдамида тирсакли вални айлантриб, автомобилни орқага суриш.

Агарда кесишмани бўшатишнинг иложиси бўлмаса, ҳайдовчи қуйидаги чораларни кўриши лозим:

➤ имконияти бўлганда яқинлашиб келаётган поезд машинистига тўхташ ишорасини бериш қондасини тушунтриб, икки кишини темир йўл ёқаси бўйлаб иккала томонга 1000 метр масофага (агар бир киши бўлса уни йўл яхши кўринмайдиган томонга) юбориши;

➤ транспорт воситасининг ёнида қолиши ва умумий хатар борлиги ишорасини бериши;

➤ поезд кўринганда тўхташ ишорасини бериб, у келаётган томонга қараб югуриши керак.

Эслатма: Тўхташ ишораси қўлни (кундузи ёрқин мато парчаси ёки аниқ кўринадиган бирор нарса билан, тунда эса машъала ёки чироқ билан) гир айлантриш орқали берилади.

Умумий хатар ишораси битта узун ва учта қисқа товуш ишораси орқали берилади.

Темир йўл кесишмалари олдида тўхташ қоидаларига ва мажбурий тўхтаб қолган ҳайдовчининг мажбуриятларига амал қилишимиз ва уларни бажаришимиз лозим.

Темир йўл кесишмасида амалдаги тақиқланишлар ва уларда ҳаракатланишда темир йўл дистанцияси бошлиғи билан келишиш талаб қилинадиган шартли ҳолат

Темир йўл кесишмалари бор жойда йўл ҳаракати қондасига киритилган тақиқловлар мавжуд бўлиб, улар қуйидаги расмларда акс эттирилган.

Темир йўл кесишмасига кириш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

- светофор ишорасидан қатъи назар, шлагбаум ёпиқ турган ёки ёпила бошлаган ҳолатда, кесишмани тўсувчи қурилма кўтарилиб турган ёки кўтарила бошлаган ҳолатда (а-расм);

- шлагбаумнинг бор-йўқлигидан, унинг ҳолатидан қатъи назар, светофорнинг тақиқловчи ишорасида (б-расм);



а)



б)

- кесишма навбатчисининг тақиқловчи ишорасида (навбатчи ҳайдовчиларга олди ёки орқаси билан туриб таёқчани, қизил чироқ ёки байроқчани бошидан кўтариб турса ёки қўлларини ёнга узатса);

- кесишмадан кейин ҳосил бўлган тирбандлик туфайли ҳайдовчи кесишмада тўхташга мажбур бўладиган ҳолларда (а-расм);

- агар кўриниш чегарасидаги масофада кесишмага поезд (локомотив, дрезина) яқинлашиб келаётган бўлса (б-расм).

Бундан ташқари қуйидагилар тақиқланади:



а)



б)

- кесишма олдида турган транспорт воситаларининг қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб, айланиб ўтиш;

- шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш;



- кесишма орқали қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, қурилиш ва бошқа машина ҳамда механизмларни олиб ўтиш; (чунки улар

ҳаракатланаётган пайтда кесишмани яроқсиз ҳолатга келтириши мумкин, шу боис уларни механик транспорт воситаларига юклаб олиб ўтишга рухсат этилади);

➤ темир йўл дистанцияси бошлиғининг рухсатисиз тезлиги соатига 8 километрдан кам бўлган транспорт воситаларини олиб ўтиш.

Янги темир йўллар қурилганда темир йўлнинг автомобиль йўли билан кесишган жойларида кесишма орқали ҳаракатланиш тартиби темир йўл бошлиғи ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади ва жиҳозланади, яъни тоифасига қараб шлагбаумли ва шлагбаумсиз бўлади.

Темир йўл кесишмаларидан ўтишда:

➤ эни 5 м ёки баландлиги йўл сатҳидан 4.5 м дан ортиқ бўлган транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар (юкли ва юксиз) мосламалар;

➤ жуда оғир юклар ортилган ва соатига 8 км дан кам тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситалари;

➤ битта тиркама (ярим тиркама) билан биргаликда, узунлиги 20м ва ундан ортиқ тиркама билан биргаликда узунлиги 24 м дан ошадиган автопоездлар темир йўл бошлиғидан рухсат олиши керак.

Темир йўл кесишмаларида оғир йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши мумкин. Бу йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларидан бири ҳайдовчилар томонидан темир йўл кесишмасидан ўтиш қондасини қўпол равишда бузганлигидир. Бунга юқоридагилардан ташқари қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:

➤ темир йўл кесишмасини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши;

➤ шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш ёки уни четлаб ўтиш;

➤ ёпиқ шлагбаум олдида тўхтаб турган транспорт воситаларини айланиб ўтиш, икки қатор бўлиб туриш (икки ва ундан ортиқ бўлакли йўллар бундан мустасно).

Пиёдаларнинг ўтиш жойлари, белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг бекавлари ва темир йўл кесишмаларида ҳаракатланиш қоидалари бузилишининг хавфли оқибатлари

Пиёдалар ўтиш жойлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари;
- тўлиқ тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари;
- тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойлари (транспорт ва пиёдалар светофори билан жиҳозланган);
- тартибга солувчи ёрдамида тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойлари.

Агар светофор ишораси, расмда кўрсатилгандек, пиёда тасвири кўринишида бўлса, у фақат пиёдаларнинг ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бунда яшил ишора пиёдаларнинг ҳаракатланишига рухсат беради, қизил ишора эса тақиқлайди. Пиёдалар ҳам, ўз навбатида, ўтиш жойидан хавфсиз ва эҳтиёткорлик билан ўтишлари лозим.



Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларининг тўхташ жойларидан ўтишда ҳайдовчи эҳтиёт чораларини кўра олиши керак. Айнан шу жойларда пиёдалар транспорт воситаларидан тушиб, йўлни кесиб ўтишлари мумкин.

Белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари ва таксиларни фақат бекатларда, улар бўлмаган тақдирда эса тротуарлар ёки йўл ёқасида кутиш керак.

Махсус жиҳозланган бекатлари бўлмаган тўхташ жойларида транспорт воситаси тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун йўлнинг қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан йўлнинг қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши зич бўлган жойларда белгиланган йўналиш бўйича қатнайдиغان транспорт воситалари тўхташ жойларидан чиқиш бир қанча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун аҳоли пунктларида бекатдан ҳаракатланишни бошлаётган автобус ва троллейбусларга ҳайдовчилар йўл беришлари керак. Ўз навбатида, автобус ва троллейбус ҳайдовчилари уларга йўл берилганлигига ишонч ҳосил қилганликларидан кейингина ҳаракатланишни бошлашлари мумкин.

Ҳозирги ривожланиб бораётган Ўзбекистонимиз ҳудудларида темир йўлнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойларини жуда кўплаб учратамиз. Бу кесишмалар тартибга солинган ва солинмаган кесишмаларга бўлинади. Тартибга солинган кесишмаларда навбатчилар асосий хавфли оқибатларнинг олдини олиб

турадилар. Шунга қарамай, айрим навбатчиларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги туфайли кўпол қоида бузилишлари ва хавфли оқибатлар юзага келиши мумкин.

Бундай масъулиятсизликларга асосан қуйидагилар киради:

- навбатчининг ухлаб қолиши;
- кечикиб шлагбаумни ёпиши;
- поезднинг яқинлашиб келаётган ишорасини бермаслиги;
- шлагбаумни вақтида текшириб кўрмаганлиги;
- кесишмалардан ўтиш қоидалари бузилиши ва ҳоказо.

Темир йўл кесишмаларидан ўтишда кўпчилик ҳайдовчиларнинг ҳам айби бор. Масалан, уларнинг темир йўл кесишмасидан ўтишда амалдаги қоидаларга бўйсинмасликлари оқибатида йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиши тез-тез учраб туради.

Темир йўл кесишмасидан ҳаракатланаётганда транспорт воситалари ҳайдовчилари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида юқорида кўрсатилган тақиқловларга амал қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

11-§. Ҳаракатланишнинг алоҳида шароитлари

Автомагистралларда ҳаракатланиш тартиби

Кўпинча шаҳарларни бир-бири билан бирлаштирадиган йўлларни ҳайдовчилар автомагистрал билан адаштирадилар. «Йўл ҳаракати қоидалари»да «Автомагистрал»нинг таърифи қуйидагича берилган:

Автомагистрал – транспорт воситаларининг юқори тезлик ва хавфсиз ҳаракатланишларини таъминловчи йўл бўлиб, унга кириш 5.1, чиқиш 5.2 белгилари билан белгиланади.




5.1.



5.2.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида автомагистралларда йўллар ва темир йўл кесишмалари ўзаро бир сатҳда кесишмайди, чунки улар ҳаракатланиш тезлигига чеклов қўяди. Автомагистраллардаги қарама-қарши йўллар кўкаламзорлаштирилган ажратувчи бўлак ёки бордюр билан ажратилади. Ҳаракатланиш тезлиги юқори бўлгани учун бу йўлларда транспорт воситаларининг бир-бири билан тўқнашиб кетишининг олдини олиш мақсадида тезлашиш ёки секинлашиш бўлаклари мавжуд бўлади. Транспорт

воситаларининг ҳайдовчилари умумий оқимга худди шу тезликда бирданига қўшила олмайдилар, шу боис тезлашиш бўлагига кириб, ўз тезлигини умумий оқим тезлигига етказган ҳолда аста секинлик билан қўшилиб оладилар ёхуд бунинг акси бўлган секинлашиш бўлагига ўтган ҳолда тезликни камайтириб, автомагистралдан бошқа йўлга бурилиб, ҳаракатни давом эттирадилар.



Автомагистралдаги тезлашиш бўлаги.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида автомагистралларда қуйидагилар тақиқланади:

- пиёдалар, уй ҳайвонлари, от-аравалар, велосипедлар, мопедлар, тракторлар ва ўзиюрар машиналар, техник тавсифномасига ёки ҳолатига кўра тезлиги соатига 40 километрдан кам бўлган транспорт воситалари (трактор ва ўзиюрар мосламалар, велосипед ва ҳоказолар)нинг ҳаракатланиши;

- рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларининг биринчи ва иккинчи бўлаклардан бошқа бўлакларда ҳаракатланиши;




5.15.



6.11.

- 5.15. ёки 6.11. белгилари билан белгиланган алоҳида тўхтаб туриш майдончаларидан бошқа жойларда тўхташ;


ажратувчи бўлакнинг технологик узилиш жойларига кириш ва қайрилиб олиш;



- орқага ҳаракатланиш;
- транспорт воситасини ўрганиш учун бошқариш.

Автомобилларда юқори тезликни таъминлаш учун секин юриши оқибатида ҳаракатга тўсқинлик қиладиган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва транспорт оқимининг тезлигига салбий таъсир этувчи баъзи манёвр ва ҳаракатлар тақиқланади.

Қатнов қисмида мажбурий тўхтаганда ҳайдовчи транспорт воситасининг ҳаракатланиш тартибини ЙХҚнинг VIII боби талабларига мувофиқ белгилаши ва бундай ҳолатлар учун мўлжалланган бўлакка (қатнов қисмининг четини билдирувчи чизикдан ўнг томонга) олиб чиқишнинг барча чораларини кўриши керак.



Турар-жой даҳаларида ҳаракатланиш тартиби

Аҳоли пункти кўча, майдон, иморат, иншоот ва шу кабилардан иборат бўлиб, бу жойларда кун давомида транспорт воситалари ва пиёдаларнинг узлуксиз ҳаракатланиши кузатилади.

Турар жой даҳалари аҳолининг истиқомат қилиши учун мўлжалланган бўлиб, ундаги ҳаракатланиш кўча ва майдонлардаги ҳаракатланишдан катта фарқ қилади. Кўпчилик ҳолатларда турар жой даҳаларида пиёдалар учун алоҳида тротуар бўлмасдан, уларнинг ҳаракатланиши қатнов қисми бўйлаб белгиланган (пиёда ва транспорт воситаларига ягона йўлка).

Транспорт воситасининг турар жой даҳасидаги йўлкалардан транзит ҳаракатланиши кўзда тутилмаган, балки бу йўлкалар истиқомат жойи билан шаҳар кўчаларини боғлаш учун хизмат қилади.

Турар жой даҳаларида истиқомат қилувчилар кўп ҳаракатланиши ва ҳар қадамда муюлишлардан болаларнинг югуриб чиқиб қолишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, ҳайдовчи хавфсизликни таъминлайдиган тезлик билан ҳаракатланиши ҳамда пиёдаларга

имтиёз бериши лозим. Тўхташ ва тўхтаб туриш учун пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳалақит бермайдиган жойни танлаши керак. Атроф-муҳитни ишлаб бўлган газлар билан булғатмаслик, истиқомат қилувчиларга зиён етказмаслик учун тўхтаб турганда автомобилнинг юргизгичи ўчириб қўйилиши керак.

Қатнов қисмининг кенглиги етарли даражада бўлмагани туфайли тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари тўхтаб турганда ўз габарит ўлчамлари билан йўлни пиёда ва бошқа транспорт воситаларидан тўсиб қўяди. Шу сабабли турар-жой даҳаларида тегишли белгилар ёки чизиқлар бўлмаса, тўла вазни 3,5 тоннадан зиёд бўлган юк автомобилларининг тўхтаб туриши тақиқланади.

Турар-жой даҳаларида механик транспорт воситасини бошқаришни ўргатиш тақиқланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, ҳайдовчи турар-жой даҳасида ҳаракатланар экан, иншоот, қурилма ва ўсимликларнинг шикастланмаслигини таъминлаши зарур.


Турар-жой даҳаларидан йўлга чиқаётган ҳайдовчи «Турар жой даҳасининг охири» (5.39) йўл белгиси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, унда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва пиёдаларга, шунингдек, ундан чиқишда ўзининг ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак.



5.39.

Тик нишаблик ва баландликларда ҳаракатланиш

Қияликларда автомобилларнинг тик оғирлик кучи (Q) пастга қараб тик йўналишда ва нишаблик томон йўналган (F) ташкил этувчи кучларга ажралади. Нишаблик томонга йўналган оғирлик кучининг бир қисмини ташкил этувчи куч шу йўналишда кетаётган автомобилнинг ҳаракатланишини тезлаштиради.



Нишаблик даражаси 10% дан юқори бўлмаса, у хавф туғдирмайди, балки ҳайдовчининг ҳаракатланиши учун жуда қулай ҳисобланади. Лекин нишаблик даражаси 10% дан ортиб, йўл узайган сари бу кучнинг таъсири ошади ва ҳаракатланиш хавфсизлигига акс таъсир этиб, авария ҳолатига олиб келиши мумкин. Айниқса, тезлик (тезланиш) ошиб кетиши натижасида тажрибасиз ёш ҳайдовчилар қияликларда тез-тез тормоз берадилар. Бу эса, тормоз колодкаларининг қизиб, ишдан чиқишига олиб келади, бу муқаррар фалокатдир. Довонларда ва узоқ тик нишабли йўлларда тўхтатиш тизими ишламай қолган транспорт воситаларининг ўз ҳаракатини тўхтатиш учун 5.40 белгиси билан белгиланган (фалокатли ҳолатлар учун мўлжалланган) йўлга киришлари керак. Бу алоҳида қопламали йўл транспорт воситаларининг хавфсиз тўхтатиш учун мўлжалланган.



5.40

Давлат стандартида кўрсатилишича, тик нишаблик ва баландликларда хавфсизлик коэффициенти 0,6 дан кам бўлса, бу жойларда 1.13 «Тик нишаблик», 1.14 «Тик баландлик» белгилари ўрнатилади. Бирор тўсиқ сабабли йўлнинг тора-




1.13



1.14

йиб қолган жойлари бўлса, нишабликка томон ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳайдовчиси рўпарасидагига йўл бериши керак.

«Тик нишаблик» (1.13) белги ўрнатилган қиялик жойларда нишаблик томон йўналган транспорт воситаси оғирлик кучи таъсирида тезлашиб, уни бошқаришда катта хавф туғилади. Йўл шароитига нисбатан юқори бўлган тезликда ҳайдовчи автомобилни бошқара олмай йўл-транспорт ҳодисасини содир этиши мумкин. Шунинг учун ҳайдовчи 1.13 белгиси ўрнатилган қияликларда автомобилнинг узатмаси ёки улашиш механизмини ажратмаган ҳолда ҳаракатланиши лозим. Бу ҳолатда нишаблик томонга йўналган, оғирлик кучи, юргизгичга акс таъсир этиб, автомобиль ҳаракатини секинлаштиради.



Нишаблик томон йўналган оғирлик кучи баландлик томонга кўтарилаётган транспорт воситаси йўналишига тескари бўлиб, унинг ҳаракатланишига акс таъсир этади. Тик баландлик томон ҳаракатланаётган автомобиль қўшимча қаршилиқни енгизи керак. Ҳайдовчи йўл шароити, баландлик даражаси ва автомобилнинг динамикасини ҳисобга олиши, зарур бўлса, баландликнинг охиригача тўхтамасдан етиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг имтиёзлари

Катта шаҳарлар ва аҳоли пунктларида йўловчиларнинг асосий қисми ўз манзилларига белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари – йўналишли такси, трамвай, троллейбус ва автобусларда етиб олишади. Бундай транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишлари учун «Йўл ҳаракати қоидалари»да бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Булар қуйидагилардан иборат:

а) агар светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга;

б) тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай рельсиз транспорт воситасига нисбатан олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади;




а)




б)

в) трамвай йўли чорраҳадан бошқа жойларда йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтадиган бўлса, трамвай рельсиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга бўлади.

Агар автомобиль йўлининг бирор-бир бўлаги белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун 5.9 (а-расм) ёки 5.10.1-5.10.3 (б-расм) йўл белгилари билан ажратилган бўлса, у ҳолда бу бўлакдан бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.



а)



б)



5.9



5.10.1




5.10.2




5.10.3

Бўлак йўл қатнов қисмининг ўнг чеккасида жойлашган бўлиб, қўшни чап бўлакдан узук-узук чизик билан ажратилган бўлса, у ҳолда бу бўлакка истисно тариқасида белгиланган йўналишдаги транспорт воситасига ҳалақит бермаслик шarti билан йўлнинг ўнг чеккасида йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун ҳаракатланиб киришлари мумкин.



Шунингдек, ўнгга бурилмоқчи бўлган транспорт воситалари «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларини бажарган ҳолда қайта тизилишларига рухсат этилади (а-расм).

Бекатдан ҳаракат бошлаётган автобус ёки троллейбус йўли (йўналиши) қатнов қисмида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг йўли билан бурчак остида кесишади. Аҳоли пунктларида йўловчиларнинг манзилларига тезроқ етказиб боришлари кераклигини инобатга олиб, бекатдан ҳаракатланишни бошлаган жамоат транспортига имтиёз берилади, яъни ҳайдовчилар бекатдан қўзғалаётган автобус ёки троллейбусга йўл беришлари керак, ўз навбатида, автобус ёки троллейбус ҳайдовчиси унга йўл берилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ҳаракатни бошлаши лозим (б-расм).



а)




б)

Ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидалари

Қоронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда, шунингдек йўлнинг ёритилганлигидан қатъи назар, туннелларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларида қуйидаги ёритиш асбоблари ёқилган бўлиши керак:

- барча механик транспорт воситалари ва мопедларда – узокни ёки яқинни ёритувчи чироқлар (а-б-расмлар);
- велосипедларда – чироқлар;
- тиркамаларда ва шатакка олинган механик транспорт воситаларида габарит чироқлари.

Ташқи ёритиш асбобларининг сони, жойлашишлари, ранги Давлат стандарти билан белгиланган. Шунга қарамай, баъзи бир ҳайдовчиларнинг ташқи ёритиш асбобларининг сонини ва рангларини ўзгартирганликлари оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлиб туради.




а)



б)

Ташқи ёритиш асбоблари йўл иштирокчиларига транспорт воситасининг жойлашуви ва ҳаракатланиш йўналиши ҳақида ахборот беради, шунингдек, кўча, йўл ва жойларни ёритади.




Олисни ёритувчи фаралар транспорт воситаси йўлнинг ёритилмаган қисмларида ҳаракатланаётганида ёқилади (ЙХҚнинг 136-банди). Олисни ёритувчи фараларнинг нур тарамлари марказга тўпланган ҳолда 100-150 метр масофани кучли ёритади. Бундай

кучли ёритиш қарама-қарши йўналишдаги ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштириши мумкин.¹

Шу сабабли қуйидаги ҳолларда узоқни ёритувчи фара яқинни ёритувчи фара билан алмаштирилиши керак:

- аҳоли пунктларида йўл ёритилган бўлса;
- қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситасига 150 метрдан камроқ масофа қолганда, шунингдек, ҳайдовчи транспорт воситасининг чироқларини вақти-вақти билан ўчириб, бунга зарурат борлигини билдирганда ундан ҳам кўпроқ масофада;



- қарама-қарши йўналишдаги ҳайдовчиларнинг кўзини қамаштириши мумкин бўлган бошқа барча ҳолларда.

Кўзи қамашган ҳайдовчи фалокат ёруғлик ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайитириши ва тўхташи керак.

Қоронғи вақтда йўлнинг ёритилмаган қисмида, шунингдек, масофа етарлича кўринмайдиган шароитда тўхтаган ёки тўхтаб турган транспорт воситасида габарит чироқлари ёқилган бўлиши керак.

Габарит чироқлари йўлни ёритишга хизмат қилмайди, балки ёритилган йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситасини аниқлашга хизмат қилади. Сутканинг қоронғи вақтларида тўхтаб турган транспорт воситаси кўринмай қолиб, тўқнашув содир этилиши мумкин бўлган вазиятнинг олдини олади.

Масофа етарлича кўринмайдиган шароитда габарит чироқларига қўшимча тарзда яқинни ёритувчи фаралар, туманга қарши фаралар ва туманга қарши орқа чироқлар ёқиши мумкин.

Яқинни ёритувчи фараларнинг нурлари пастга йўналтирилган бўлиб, 50 метргача бўлган масофани ёритади ва қарама-қарши йўналишдаги ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштириш эҳтимоли жуда кам. Серкатнов автомобиль йўлларида ундан фойдаланиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 136-банди).

хавф туғдирмайди. Йўлнинг ёритилган қисмларида яқинни ёритувчи фаралардан фойдаланиш хавфсизликни кўпроқ таъминлайди.

Туманга қарши фаралар оқ ёки сариқ рангда бўлиб, тиник атмосферада йўлни қисқа масофада (50 метргача) яхши ёритиб бериш қобилиятига эга.

Қуйидаги ҳолларда туманга қарши фараларни қўллаш мумкин:

➤ етарлича кўринмайдиган шароитда алоҳида, шунингдек узокни ёритувчи ёки яқинни ёритувчи чироқлар билан;

➤ қоронғи вақтда йўлнинг ёритилмаган қисмларида узокни ёки яқинни ёритувчи чироқлар билан бирга;

➤ ушбу ЙХҚнинг 138-бандига кўзда тутилган ҳолатларда яқинни ёритувчи чироқлар ўрнига;

➤ етарлича кўринмайдиган шароитда алоҳида, шунингдек, узокни ёки яқинни ёритувчи фаралар билан;

Куннинг ёруғ вақтида қуйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи фаралар ёқилиши керак:

➤ транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда;

➤ йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида;

➤ болалар гуруҳини ташкилий ташишда;

➤ хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда;

➤ механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);

➤ мотоцикл ва мопедларда.


Прожектор чироқ ва изловчи чироқлардан фақат аҳоли яшаш жойларидан ташқарида, қарама-қарши йўналишдан келаётган транспорт воситалари бўлмаганда фойдаланиш мумкин.

Аҳоли пунктларида эса бундай чироқлардан фойдаланишга фақат хизмат вазибаларини бажараётган, белгиланган тартибда ялт-ялт этувчи кўк ёки кўк ва қизил, шунингдек сариқ ёки зарғалдоқ рангли чироқ-маёқча ва махсус товушли ишоралар билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига рухсат этилади.

Туманга қарши орқа чироқларни фақат масофа етарлича кўринмайдиган шароитда қўллаш мумкин. Орқадаги тўхташ чироқлари (стоп-сигнал)га туманга қарши орқа чироқларни улаш тақиқланади.

«Автопоезд» таниқлик белгиси автопоезд ҳаракатланаётганда, куннинг қоронғи вақтида эса йўлда тўхташ ва тўхтаб туриш пайтида ҳам ёқиб қўйилиши керак.

«Автопоезд» таниқлик белгиси зарғалдоқ рангли учта чироқ ёки сариқ рангдаги учбурчак бўлиб, автомобиль кабинасининг томига ўрнатилади.



Зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтилловчи чироқ-маёқча йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётган, шунингдек, оғир вазнли, катта ўлчамли ёки хавфли юкларни ташиш қоидаларида кўзда тутилган ҳолларда уларни ташиётган транспорт воситаларида ёқиши керак.


Бу маёқча билан таъминланган транспорт воситаси биринчи бўлиб ўтиш ҳуқуқига эга эмас.

Механик транспорт воситаларини шатакка олиш шартлари ва тартиби


Техник носоз транспорт воситаларини таъмирлаш жойларига, баъзан янги ёки қайта таъмирланган транспорт воситаларини манзилга етказиб бериш учун шатакка олиш усулларида бири қўлланилади. Шатакка олишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Эгилувчан улагич ёрдамида шатакка олиш. Бу усулда транспорт воситаларини ўзаро улаш учун узунлиги 4-6 метрдан иборат эгилувчан улагич (трос, арқон, занжир ва шу кабилар) қўлланилиб, ҳар бир метр масофада «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 177-бандида кўрсатилганидек (механик транспорт воситаларини шатакка олишда эгилувчан улагични кўрсатадиган огоҳлантирувчи қурилма ўлчами 200x200 миллиметр бўлган, диагонали бўйича кетма-кет жойлашган 50 миллиметр қалинликдаги қизил ва оқ рангли чизиклар туширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали байроқчалар ёки тахтачалар кўринишида тайёрланиши керак) белгиланади. Бу усулда бошқариш ва тўхтатиш тизими соз бўлган биттадан кўп бўлмаган транспорт воситасини шатакка олиш мумкин. Йўл яхмалак, сирпанчиқ бўлган ҳолларда эгилувчан улагичдан фойдаланиш тақиқланади ва шатакка олинган юк автомобилнинг кузовида, автобус ва троллейбуснинг саломида одам (йўловчи) ташиш тақиқланади (кабинадаги ҳайдовчи бундан мустасно). Енгил автомобиль шатакка олинганда ҳайдовчидан ташқари йўловчиларга ҳам рухсат этилади.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 177-банди).



Қаттиқ улагич ёрдамида шатакка олиш. Бу усулда транспорт воситаларини ўзаро улаш учун узунлиги 4 метрлик қаттиқ улагич (труба, уголок ва шу кабилардан мосламалар) қўлланилади.



Бу усулда тўхтатиш тизими носоз автомобилларни шатакка олиш мумкин, лекин уларнинг бошқариш тизими соз бўлиши талаб этилади ва шатакка олувчи автомобилнинг ҳақиқий вазни шатакка олинувчи автомобилнинг вазнидан икки марта юқори бўлиши керак, акс ҳолда тормозлаб тўхташ мушкуллашади. Бу усулда ҳам шатакка олинган автомобилнинг кузовида, автобус ва троллейбусларнинг салоида одам (йўловчи) ташиш тақиқланади (кабинадаги ҳайдовчи бундан мустасно). Шатакка олинган транспорт воситаси шатакка олган транспорт воситасининг изидан боришини таъминлаган ҳолда шатакка олинган транспорт воситаси бошқарувида ҳайдовчи бўлмаслиги мумкин.

Қисман ортиш йўли билан. Бошқариш ва тўхтатиш тизимлари носоз бўлган транспорт воситаси юк автомобили кузовига ёки алоҳида тиркамаси бўлган тягачга қисман ортиш йўли билан ташилади.



Бу усулда шатакка олинганда кузовдан ташқари кабинада ҳам одам бўлиши тақиқланади. Шатакка олган ва олинган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳаракатланишда, айниқса, манёвр (йўналишни ўзгартириш) ни бажаришда қийинчилик ва ноқулайликларга дуч келишади. Шатакка олиб ҳаракатланишда бошқа йўл иштирокчиларига ҳам маълум даражада ноқулайликлар яратилади. Йўл ҳаракати иштирокчиларига хавф солмаслик учун шатакка олишда юқори тезлик соатига 50 км билан чекланади ва қуйидаги ҳолларда шатакка олиш тақиқланади:

- бошқарув тизими ишламаётган транспорт воситаларини (қисман ортиш усули билан шатакка олиш бундан мустасно);
- икки ва ундан ортиқ транспорт воситаларини;
- шатакка олинган ва шатакка олган транспорт воситаларининг улагич билан бирга умумий узунлиги 24 метрдан ортиқ бўлса;
- тўхтатиш тизими ишламаётган транспорт воситасининг ҳақиқий вазни шатакка олган транспорт воситаси ҳақиқий вазнининг ярмидан ортиқ бўлса;
- кажавасиз мотоцикллар билан, шунингдек, бундай мотоциклларни;
- йўл яхмалак, сирпанчик бўлган ҳолларда эгилувчан улагичда.

Транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар

Транспорт воситаларини бошқаришни дастлабки ўргатиш ёпик майдончаларда ёки автодромларда ўтказилиши керак.

Транспорт воситаларини бошқараётган ёш, тажрибасиз ҳайдовчининг руль чамбарагини кескин буриши, илашиш муфта (сцепление) тепкисини тез қўйиб юбориши, тормоз тепкисини кескин босиши ён-атрофидаги ҳаракат иштирокчиларига хавф туғдириб, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бошқаришни ўрганувчи транспорт воситаларини равон бошқаришнинг дастлабки кўникмаларини ёпик майдонларда, бошқа йўл иштирокчиларидан ажратилган жойларда ўрганиши керак.

Йўлларда бошқаришни ўргатиш фақат автотранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори иштирокида, дастлабки бошқарув кўникмаларига эга бўлган ўрганувчига рухсат этилади. Ўрганувчи Қоидалар талабларини билиши ва уларга амал қилиши шарт.

Кўпчилик ўрганувчилар биринчи хавфли вазиятда ўзини йўқотиб қўйишади, бу эса транспорт воситаларини бошқарувсиз қолиб, йўл-транспорт ҳодисасига олиб келади. Ўрганувчида дастлабки кўникма, малака бўлгани билан устоз-ҳайдовчисиз автомобилни бошқариб бўлмайди.

Автомобилтранспорт воситасини ёки шахар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори бошқаришни ўргатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши керак.

Шахсий автомобилларда бошқаришни ўргатишда ҳам ўргатувчи ҳайдовчилик гувоҳномасидан ташқари ўргатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлиши керак.

Ўрганувчи ўқув муддати якунида «А» тоифадаги автомобилтранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши учун – 16 ёшга, «В» ва «С» тоифалари учун – 18 ёшга, «D» тоифаси ҳамда трамвай ва троллейбусларни бошқариш учун 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Бошқаришни ўргатиш учун мўлжалланган механик транспорт воситалари «Бошқаришни ўргатиш транспорт воситаси» таниқлик белгиси ва ҳайдовчи устоз учун орқани кўрсатувчи кўзгу билан жиҳозланиши керак. Бундан ташқари, бошқаришни ўргатиш транспорт воситаларида ҳайдовчи устоз учун қўшимча илашиш (сцепление) ва тўхтатиш тепкилари ҳам бўлиши керак.



Юқоридаги талабларга жавоб берса, бошқаришни шахсий транспорт воситаларида ҳам ўргатиш мумкин.

Бошқаришни ўргатиш йўналишлари ДЙҲХХ билан келишилиши шарт. Бошқа йўлларда бошқаришни ўргатиш тақиқланади.

12-§. Одам ва юкларни ташиш

«В» тоифали автомобилларда одамларни ташишга қўйиладиган талаблар. Ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчининг вазифалари

Дунёда биринчи автомобиль ишлаб чиқарилганда инсоннинг оғирини енгил ва узоғини яқин қилиш учун мўлжалланган эди. Илк автомобиллар ҳозирги замонавий автомобиллар сингари мукаммал

эмас эди. Улар тезлик ва қулайлик учун эмас, балки ҳаракатланиб одамларни ташиш учун мўлжалланган эди. Ҳозирги кунда ҳаракатланиш тезлигининг ошиб бориши билан бир қаторда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа саналади.

Автобус, микроавтобус, трамвай, троллейбус, енгил автомобиль кабилар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан одам ташиш учун мўлжалланган бўлиб, ҳаракатланишдаги хавфсизликлари тўлиқ инобатга олинган. Баъзи ҳолатларда юк ташиш учун мослаштирилмаган автомобилларда одам ташишни вазият тақозо қилади. Бу жуда ҳам масъулиятли бўлиб, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бера олиши керак, яъни улар махсус ўриндиқлар билан жиҳозланиши керак.

Енгил автомобилларни бошқариш ва унда одам ташиш «В» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳайдовчилар томонидан амалга оширилиши лозим. Юк автомобилларнинг юкхонасида одам ташиш «С» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳайдовчи томонидан, одамлар сони кабинадагиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 8 нафардан ортиқ бўлганда эса «С» ва «Д» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ва шу тоифадаги транспорт воситаларидан бирини 3 йилдан ортиқ бошқарган ҳайдовчилар томонидан амалга оширилиши керак.


Ҳарбий ҳайдовчиларнинг юк автомобилларида одам ташишга йўл қўйилиши Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобили юкхонаси бортининг баландлигидан 30 сантиметр пастда жойлашган ўриндиқлар билан жиҳозланиши, икки ён ва орқа ўриндиқлар бортга мустаҳкамланган бўлиши керак.

Болаларни юк автомобилларининг юкхонасида ташиш тақиқланади.

Юк автомобилларнинг юкхонасида, шунингдек шаҳарлараро, сайёҳлик, экскурсия ёки тоғли йўналишларда ташилаётган одамлар сони ўтириш учун жиҳозланган ўриндиқлар сонидан ошмаслиги керак.

Суянчиқлар йўловчиларга қулайлик яратишдан ташқари, уларнинг хавфсизлигини ҳам таъминлайди.



Расмда енгил автомобилда одам ташиш қоидасини қўпол равишда бузилаётганини кўриб турибмиз, яъни транспорт воситасининг жиҳозланган ўриндиқлар сонидан ортиқ одам ўтирибди.



Кескин тўхташ ва манёвр (йўналишни ўзгартириш)ларни амалга оширишда йўловчиларнинг тан жароҳати олмаслиги ва ҳаракатланиш давомида ноқулайликлар сезмаслиги учун сайёҳ автобуси, шаҳарлараро қатнайдиған автобус ва одам ташиётган юк автомобилларида йўловчиларнинг сони жиҳозланган ўриндиқлар сонидан ошмаслиги керак.

Ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчи йўловчиларга автомобилга чиқиш, ундан тушиш, фавқулодда ҳолатлар учун мўлжалланган қўшимча чиқиш йўли ва унга жойлашиш тартиби ҳақида тушунтириш бериши керак.

Йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳайдовчи ташишни қандай ташкил этганлигига ҳам боғлиқ.



Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобилларига йўловчиларни чиқариш ва тушириш, йўл ҳаракати хавфсизлигига асосан, транспорт воситасининг орқа ва тротуарга қараган ён (бортлари) томонидан ташкил этилади. Ҳаракатланаётган юк автомобилининг юкхонасида жойлашган йўловчиларга турган ҳолда ҳаракатланишлари тақиқланади.

Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчилар учун хавфсиз ташиш шароити таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.



Одам ташишга мослаштирилмаган юк автомобилларининг юкхонасида фақат юкни олиш учун бораётган ёки уни кузатиб бораётган шахсларнинг бўлишига йўл қўйилади, бунда улар бортлардан пастда жойлашган ўриндиқлар билан таъминланишлари керак.

Юкни кузатиб бораётган экспедитор, кузатувчи, ҳаракат хавфсизлиги талабларига асосан, ўз ўриндиқларини юк ортилгандан кейин юкхонанинг орқа томонига жойлаштиришлари керак. Акс ҳолда, кескин тўхташ натижасида олдинга сурилган юк кузатувчиларни кабинага сиқиб қўйиши ва уларга зарар етиши мумкин.



Одамларни ташишда ҳаракатланиш тезлиги. Болаларни ташишда қўйиладиган қўшимча талаблар

Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини меъёрида ушлаб туриш ҳайдовчилар учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари

ҳайдовчилари тезликни тўғри танлай олмай ҳаракатланишлари натижасида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади. ЙХҚда барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезликлари бирма-бир акс эттирилган. Шунга асосан, одам ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлиги аҳоли яшаш жойларида ва аҳоли яшаш жойларидан ташқарида соатига 60 километрдан ошмаслиги керак.

Болаларни ташишда жуда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим. Шунинг учун автобусларда катта ёшли кузатиб борувчи шахс(кузатиб борувчилар) бўлиши шарт.



Бундай транспорт воситаларининг олд ва орқа томонига «Болалар гуруҳини ташиш» таниқлик белгиси ўрнатилиши керак.



Ёш болалар транспорт воситалари ҳаракатланишидаги хавфсизликни тўлиқ англай олмайдилар. Шу сабабли бу масъулият кузатиб борувчиларга юкланади.

Ҳайдовчи транспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин одамларни тушириши ва чиқариши, эшиклар ёпилгандан сўнггина ҳаракатланишни бошлаши ва тўлиқ тўхтамагунча уларни очмаслиги шарт.

Одамларни ташишда тақиқланадиган ҳолатлар

ЙХҚда одамларни ташишда тақиқланган ҳолатлар ҳам бор. Буларга қуйидагилар тартибда одам ташишлар киради:

➤ автомобилнинг кабинасидан ташқарида (бортли юк ёки фургон юкхонали автомобилларда одам ташишдан ташқари);

➤ тракторлар ва бошқа ўзи юрар машиналар, юк ташиладиган тиркамалар, тиркама-уйча, юк мотоцикллари юкхонасида (б-расм);



а)



б)

➤ мотоциклларнинг конструкциясида кўзда тутилган жойларидан ташқарида;

➤ 12 ёшга тўлмаган болаларни мотоциклнинг орқа ўриндиғида, шунингдек, енгил автомобилга болаларни ушлаб турувчи махсус қурилма ўрнатилмаган бўлса, унинг олдинги ўриндиғида;

➤ 12 ёшга тўлмаган болаларни ҳисобга олмаганда транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқ одамларни ташиш;



➤ болаларни юк автомобилларининг юкхонасида ташиш тақиқланади.

Бунда транспорт воситасининг ҳақиқий вазни уни ишлаб чиқарган корхона белгилаган рухсат этилган тўла вазндан ортмаслиги керак.

Автомобилда ва шатакка олинган тиркамада юк ташишда юкни жойлаштириш ва маҳкамлаш қоидалари

Транспорт воситаларида ташиладиган юкни шундай жойлаштириш керакки, натижада юк йўлнинг нотекис жойларида қўзғалиб, бурилиш ва қайрилишларда мувозанати йўқолиб, тушиб кетмаслиги керак.

Ташилаётган юкнинг вазни ва ўқларга тушадиган оғирлик миқдорининг тақсимланиши транспорт воситасини ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган миқдордан ошмаслиги керак. Акс ҳолда бундай транспорт воситаси ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин юкнинг тўғри жойлашганлигига ва маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилиши, ҳаракатланиш вақтида эса юкнинг тушиб кетмаслигини ва ҳаракатланишга халақит бермаслигини таъминлаш мақсадида, унинг ҳолатини кузатиб бориши керак.

Булардан ташқари ташиладиган юк ёниб кетмаслиги, чанг-тўзон кўтармаслиги, тўкилиб йўлни ифлос қилмаслигини ҳайдовчи доимо назорат қилиб бориши керак.

Қуйидаги шартларга амал қилинганда юк ташишига йўл қўйилади:

- ҳайдовчига теварак-атроф кўринишини чекламаса;
- транспорт воситасини бошқаришни қийинлаштирмаса ва мувозанатни бузмаса;
- ташқи ёритиш асбоблари ва ёруғлик қайтаргичларини, рўйхатдан ўтказганлик давлат рақам белгилари ва таниқлик белгиларини, шунингдек, ишоралар ва қўл билан бериладиган ишораларнинг кўринишини тўсмаса;
- шовқин солмаса, чанг кўтармаса, йўлни ва атроф-муҳитни ифлос қилмаса.

Агар юкнинг жойлашуви ва ҳолати қайд этилган талабларга жавоб бермаса, ҳайдовчи юқорида санаб ўтилган қоидалар бузилишини бартараф этиш чораларини кўриши, бунинг иложи бўлмаса, кейинги ҳаракатланишни тўхтатиши шарт.

Ташилаётган юкларнинг белгиланиши

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш мақсадида автомобилларда юк ташилаётган вақтда транспорт воситасининг габаритларидан олд ёки орқа томонга бир метрдан, габарит чироқларининг четки қисмидан 0,4 метрдан ортиқ чиқиб турган юк




«Катта ўлчамли юк» белгиси билан белгиланиши, қоронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса бунга қўшимча қилиб олди оқ чироқ ёки ёруғлик қайтаргич, орқаси эса қизил чироқ ёки ёруғлик қайтаргич билан белгиланиши керак.

Транспорт воситалари томонидан ташилатган юкларга бундай белгиларнинг ўрнатилиши бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланишларини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олади.

Расмда тасвирланганидек, Транспорт воситасининг габаритларидан олд ёки орқа томонга бир метрдан, ён томонга габарит чироқларининг четки қисмидан 0,4 метрдан ортиқ чиқиб турган юк «Катта ўлчамли юк» таниқлик белгиси билан белгиланиши, қоронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса бунга қўшимча равишда олд оқ чироқ ёки ёруғлик қайтаргич, орқаси эса қизил чироқ ёки ёруғлик қайтаргич билан белгиланиши керак.

Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни ташишда габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун 2,6) метрдан ва баландлиги бўйича йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги бўйича бир тиркама ёки яримтиркама билан 20 метрдан, икки ёки ундан ортиқ тиркама билан 24 метрдан ортиқ бўлган ёхуд юки транспорт воситасининг орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши белгиланган тартибда ДЙХХХ билан келишилган бўлиши керак.




***Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси
идоралари билан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши
шартларини келишиш талаб қилинадиган ҳолатлар***

Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни ташишда бир мунча қийинчиликлар туғдиради, чунки бу юкларни ташиётган транспорт воситаси ҳаракат хавфсизлигига бир оз бўлса-да ўзининг таъсирини ўтказади. Бундай юкларни ташиётган транспорт воситалари бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қил-

маслиги учун уларнинг габарит ўлчамларини ва хавфсиз ҳаракатланиш йўналишларини белгилаб олиш учун Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларидан тегишли рухсат олиниши керак.

Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни ташишда габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун 2,6) метрдан ва баландлиги бўйича йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги бўйича бир тиркама ёки ярим-тиркама билан 20 метрдан, икки ёки ундан ортиқ тиркама билан 24 метрдан ортиқ бўлган ёхуд юки транспорт воситасининг орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши белгиланган тартибда ДЙҲХХ билан келишилган бўлиши керак.



Рухсатномада ҳаракатланиш йўналиши ва вақти кўрсатилади. Ташилаётган юкнинг ҳажми, ўлчамлари ва хавфлилиқ даражасига кўра, ЙПХ автомобили кузатишга жалб этилиши мумкин. Автобус ва микроавтобуслар томига юк ташиш учун мосламалар ўрнатиш ҳамда белгиланмаган жойларда юк ташиш тақиқланади.

Автомобиль транспортида мамлакатлараро юк ташиш транспорт воситаларига қўйиладиган талабларга ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.



13-§. Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланиши

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланишига қўйилган умумий талаблар

Йўлларда ҳаракатланаётган барча транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланиши уни ишлаб чиқарган корхона йўриқномасида белгиланган, давлат намуналари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентида белгиланган талабларга мос келмаса фойдаланиш мумкин эмас.¹

Ҳар бир транспорт воситаси мавсумий техник кўриқдан ўтиши лозим. Мавсумий техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишлари учун мавсумий техник кўриқдан ҳар йили ўтишлари лозим. Агар транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 5 йилгача бўлса, у ҳолда бундай транспорт воситаси 2 йилда бир маротаба ўтиб, 5 йилдан сўнг умумий тартибда ҳар йили техник кўриқдан ўтади. Шахсий транспорт воситалари ва автобусларнинг техник кўриқдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжати пешойна ички томонининг пастки ўнг бурчагига ўрнатилади.

Трамвай ва троллейбусларда «Йўл ҳаракати қоидалари»да кўрсатилган носозликлар бўлганда улардан фойдаланиш тақиқланади.

ЙХҚ нинг 3-иловасида кўрсатилган носозликлар ва бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда, автомобиль, автобус, автопоезд, тиркама (ярим тиркамалар), мотоцикл, мопед, трактор ва бошқа ўзинюрар мосламалардан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситалари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларининг рухсатсиз милтиловчи чироқ-маёқча ва махсус товушли ишора берувчи мослама билан жиҳозланган, кузовнинг ён томонига рухсатсиз қия оқ чизиқ тортилган, кўзда тутилмаган жойларга тегишли давлат рақам белгилари ўрнатилган, агрегат ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №26-27. – 298-м; 2016. – №3. – 23-м.

қисмларнинг рақамлари ёки рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган ёхуд ўзгартирилган бўлса, бундай транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Йўлда ЙХҚнинг 3-иловасида кўрсатилган носозликлар рўй берса, ҳайдовчи уларни бартараф этиш чораларини кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса, зарур эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойигача бориб олиши керак.

Агар йўлда қуйидаги носозликлар рўй берса, транспорт воситаларида кейинги барча ҳаракатланишлар тақиқланади:

- ишчи тормоз тизими ёки бошқаруви ишдан чиқса;
- тиркаш мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлса;
- қоронғи вақтда ёки етарли кўринмаслик шароитида фаралар ва орқа габарит чироқлари ёнмаса;
- ёмғир, қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тоза-лагич ишламай қолса.

Ишчи тормоз тизими ёки бошқаруви секин ҳаракатланаётган транспорт воситасини тўхтатиш ёки манёвр қилишга имкон бермаса, улар ишламаётган деб ҳисобланади.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланадиган носозликлар ва шартлар

Агар йўлда транспорт воситасида носозликлар рўй берса, ҳайдовчи уларни бартараф этиш чораларини кўриши, бунинг иложи бўлмаса зарур эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойигача етиб олиши керак.

Транспорт воситаларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш тақиқланади (ЙХҚнинг 3-иловасига асосан):¹

1.Тормоз тизимлари

1.1. Тормоз тизимининг конструкцияси ўзгартирилса, ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмаса ёки транспорт воситасининг шу турида кўзда тутилмаган тормоз суюқлиги ёки бошқа қисмлар қўлланилса.

1.2. Ишчи тормоз тизимининг самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструк-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 3-иловаси).

циясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентида белгиланган талабларга мос келмаса.

1.3. Гидравлик тормоз юритмасининг зичлиги (герметиклиги) бузилган бўлса.

1.4. Двигатель ишламай турганда пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг зичлигини бузилиши, бошқарув қисмлари уланмаганда – 30 дақиқада, уланганида – 15 дақиқада тизимдаги ҳаво босимини 0,05 МПа дан кўпга пасайишига сабаб бўлса. ғилдираклардаги тормоз камераларидан сиқилган ҳаво чиқаётган бўлса.

1.5. Пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг манометри ишламаса.

1.6. Тўхтаб туриш тормоз тизими транспорт воситаларини қуйидаги жойларда ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб тура олмаса:

тўла аслаҳаланган ҳолатда транспорт воситаларини 16 фоиздан кам бўлмаган қияликда;

М тоифа учун 25 фоиз, **Н** тоифа учун 31 фоиз.

Изоҳ: Тўхтаб туриш тормоз тизими синовдан ўтказилаётганда двигатель трансмиссиядан ажратилган бўлиши керак.

2. Бошқарув қурилмаси

2.1. Бошқарув қурилмасидаги люфт йиғиндиси регламент (қатъий белгиланган) шароитлардаги синовларда қуйидаги кўрсаткичдан катта бўлмаслиги керак:

Транспорт воситасининг тоифаси	Йўл қўйилган люфт кўрсаткичи (градусда)
М1	10 ⁰
М2, М3, N1	20 ⁰
N2, N3	25 ⁰

2.2. Детал ва боғламларнинг Конструкцияда кўзда тутилмаган қўзғалишлари бор. Резбали бирикмалар тегишли равишда маҳкамланмаган ёки ўрнатилган усулда қотирилмаган. Рул колонкасининг қулфловчи мосламаси ишламаса.

2.3. Бошқарув қурилмасининг конструкциясида кўзда тутилган кучайтиргич ёки мотоциклларда тебранишни пасайтирувчи мослама (демпфер) носоз бўлса ёки умуман бўлмаса.

2.4. Бошқарув қурилмасида қолдиқ деформация излари, дарз кетган жойлари ва бошқа нуқсонлари бўлган қисмлар ўрнатилган, шу транспорт воситаси турида кўзда тутилмаган ёки ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмайдиган қисмлар ва суюқликлар қўлланган бўлса.

3. Ташқи ёритқичлар

3.1. Ташқи ёритқичлар сони, тури, жойлашуви ва ишлаш тартиби транспорт воситасининг конструкцияси талабига мос келмаса.

Ишлаб чиқарилиши тўхтатилган енгил автомобилларга бошқа турдаги ва русумдаги транспорт воситаларининг ташқи ёритқичларини ўрнатишга рухсат этилади.

3.2. Ёритувчи чироқ нурунинг йўналиши бузилган бўлса.

3.3. Агар ташқи ёритқичлар ва нур қайтаргичлар белгиланган тартибда ишламаётган ёки ифлосланган бўлса.

3.4. Ёритиш асбобларида нур сочувчиси бўлмаса ёхуд тегишли ёруғлик асбоблари турига мос бўлмаган нур сочувчи ва лампалардан фойдаланилган бўлса.

3.5. Ялт-ялт этувчи чироқ маёқчаларнинг ўрнатилиши, уларнинг маҳкамланиши ва ёруғлик ишоранинг кўриниши белгиланган талабларга жавоб бермаса.

3.6. Транспорт воситасида қуйидагилар:

олд қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли туманга қарши фаралар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, оқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

орқа қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли орқага ҳаракатланиш, оқ рангдан бошқа рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларини ёритувчи чироқлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, қизил рангдан бошқа рангли бошқа ташқи ёритқичлар, қизил рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

ён қисмида — сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли ёритқичлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса.

4. Ойна тозалагич ва ойна ювгичлар

4.1. Ойна тозалагич белгиланган тартибда ишламаётган бўлса.

4.2. Транспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилган ойна ювгич ишламаётган бўлса.

5. Ғилдирак ва шиналар

5.1. Шина протектори нақшларининг қолдиқ баландлиги **N2, N3, O3, O4** тоифадаги автотранспорт воситалари учун – 1,0 мм дан кам бўлса;

M1, N1, O1, O2 тоифадаги автотранспорт воситалари учун – 1,6 мм дан, кам бўлса;

M2, M3 тоифадаги автотранспорт воситалари учун – 2,0 мм дан кам бўлса;

мотоцикл ва мопедлар (скутерлар, квадроцикллар) учун – 0,8 мм дан кам бўлса.

Изоҳ: тиркамалар шинаси нақшларининг қолдиқ баландлиги шатакчи транспорт воситаси шиналари учун белгиланган меъёр кабидир.

5.2. Шиналарда корд кўринишига олиб келган ташқи нуқсонлар (тешилган кесилган, ёрилган) ҳамда каркас қатламлари ажралган, протектор ва ён қисмлари кўчган бўлса.

5.3. Қўшалок шиналар орасига хавф-хатар туғдирувчи бегона жисмлар қисилиб, тиқилиб қолган бўлса.

5.4. Шина ўлчамлари ёки чекланган оғирлик транспорт воситасининг турига мос келмаса.

5.5. Транспорт воситасининг битта ўқига ҳар хил ўлчамли ва конструкцияли (диагонал ва радиал, камерали ва камерасиз), ҳар хил нақшли, совуққа чидамли ва чидамсиз, янги ва қайта тикланган, янги ва протектор нақши чуқурлаштирилган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.6. **N2** ва **N3** тоифадаги капотсиз тузилишли магистрал тягач (шатакчи)ларнинг олдинги ўқига ва **M3** тоифанинг **II** ва **III** классдаги автотранспорт воситаларининг олдинги ўқига қайта тикланган шиналар, бошқа ўқига эса иккинчи таъмирлаш класс бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.7. **M1, M2, M3** тоифаларни **I** классдаги автотранспорт воситаларининг олдинги ўқига, **M3** тоифанинг **II** ва **III** классдаги автотранспорт воситаларини ўрта ва орқа ўқларига иккинчи таъмирлаш класс бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.8. Ғилдиракни маҳкамловчи болт (гайка) бўлмаса, диск ва ғилдирак ободлари дарз кетган бўлса ёки маҳкамлаш тешикларининг шакли ва ўлчамлари кўринадиган даражада бузилган бўлса.

6. Двигатель

6.1. Ишлаб чиқарилган газлар таркибида зарарли моддалар ёки туташ даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ бўлса.

6.2. Ёнилғи узатиш тизими зич бўлмаса.

6.3. Ишлаб чиқарилган газларни чиқариб ташлаш тизими бузук бўлса.

6.4. Картерни шамоллатиш тизимининг зичлиги бузилган бўлса.

7. Транспорт воситаси конструкциясининг бошқа қисмлари

7.1. Орқа томонни кўрсатувчи кўзгулар сони, жойлашуви ва тури белгиланган талабларга мос келмаса, транспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилган ойналари бўлмаса.

7.2. Товуш ишораси ишламаса.

7.3. Ҳайдовчининг жойидан теварак-атроф кўринишини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ва қопламалар туширилган бўлса.

7.4. Барча транспорт воситасининг олд, ён ва орқа ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70% дан кам бўлса (автомобилнинг томидаги люк ойнаси бундан мустасно).

Изоҳ: **М3** тоифанинг **III** классдаги автотранспорт воситаларининг икки ёнига орқа томон кўринишини таъминлайдиган ташқи кўзгу ўрнатилган бўлса, орқа ва ён ойналарига парда, жалюза ўрнатишга рухсат этилади.

7.5. Конструкциясида кўзда тутилган юкхона ёки кабина эшикларининг қулфлари, юк платформаси бортларининг ёпқичлари, цистерналар оғзининг қулфлари ва ёнилғи идишининг қопқоқлари, ҳайдовчи ўриндиғи ҳолатини созловчи қурилма, автобусда фалокат юз берган вақтида эшикларни очиш мосламаси ва тўхтатиш талаби ишораси, автобус салонини ёритиш асбоблари, фалокат юз берган вақтда чиқиш жойлари ва уларни ҳаракатга келтирувчи мосламалари, эшикларни очиш ва ёпиш қурилмалари, спидометр, тахограф, ойналарни иситувчи ва шамоллатувчи мосламалари ва ҳайдаб олиб қочишга қарши мосламалари ишламаса.

7.6. Спидометр қурилмаси носоз ва тамғаланмаган (шахсий транспорт воситалари, мотоцикл ва мопедлардан ташқари) бўлса.

7.7. Транспорт воситаси конструкциясида кўзда тутилган орқа ҳимоя воситаси, лой тўсгич ва сачратмагичлар бўлмаса.

7.8. Ишлаб чиқарган корхона томонидан кўзда тутилмаган антенна, сирена, рация, товуш чиқариш мосламалари, ёритқичлар ва бошқалар белгиланмаган жойда ва тегишли рухсатсиз ўрнатилса.

7.14. Хавфсизлик камарлари ишламаса ёки кўринадиган узук-юлуқ шикастланган бўлса.

7.15. Транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари ёки уларни ўрнатиш усули белгиланган талабларга жавоб бермаса.

Транспорт воситасида рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини кўринишини чеклайдиган, тўғри аниқланишига ҳалақит берадиган ҳар-хил буюмлар ўрнатилган ва қопламалар билан қопланган бўлса.

7.16. Ярим тиркамада таянч мосламаси, таянчларни транспорт ҳолатида қулфловчи мослама, таянчларни кўтариш ва тушириш мосламаси бўлмаса ёки носоз бўлса.

7.17. Эҳтиёт (захира) ғилдиракни ушлаб тургич, лебёдка ва эҳтиёт ғилдиракни кўтариш – тушириш қурилмаси ишламаса. Лебёдканинг храпли қурилмаси барабанни маҳкамлаш канати билан қулфламаётган бўлса.

7.18. Двигатель, узатмалар қутиси, редукторлар, орқа кўприк, илашиш (сцепление) тишлашиш қурилмаси, аккумулятор батареяси, совитиш ва кондиционер тизимлари ва транспорт воситасига қўшимча ўрнатиладиган гидравлик қурилмаларнинг (мосламаларнинг) бирикмалари ва зичлагичларининг зичлиги бузилган бўлса.

7.19. Газли таъминлаш тизими билан жиҳозланган автобус ва автомобиль газ баллонларининг ташқи томонида кўрсатилган техник кўрсаткичлар техник паспортдаги маълумотларга мос келмаса, охирги ва режалаштирилаётган текширувларнинг санаси бўлмаса.

7.20. Транспорт воситаларининг ташқи юзасига қонун ҳужжатларига мос келмайдиган, ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи турли хил тасвирлар туширилган, ойналарига (люкдан ташқари) реклама чизилган (қопланган) бўлса.

Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан кўзда тутилмаган ҳолларда кузов (кабина) бир неча хил рангга бўялган бўлса (махсус транспорт воситалари бундан мустасно).

7.21. Транспорт воситалари ўзбошимчалик билан ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товушли ишоралар билан жиҳозланган бўлса, ёхуд транспорт воситасининг ташқи юзасида белгиланган талабларга мос келмайдиган махсус рангли график чизмалар, ёзувлар ва белгилар бўлса.

7.22. ДЙХХХ органларининг рухсатисиз транспорт воситаларининг конструкциясига ўзгартиришлар киритилган бўлса.

Транспорт воситаларига бошқа турдаги буферлар, молдинглар, копламалар, ғилдирак қопқоқлари ва ҳ.к. ни ўрнатилишига рухсат этилади.

Ушбу иловада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентида белгиланган автотранспорт воситаларини таснифи (классификацияси) келтирилган.¹

М тоифаси – камида тўрт ғилдиракка эга бўлган ва йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситалари, шу жумладан:

М1 тоифаси – йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

М2 тоифаси – йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т гача бўлган автотранспорт воситалари.

М3 тоифаси – йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т дан кўп бўлган автотранспорт воситалари.

М2 ва М3 тоифалардаги автотранспорт воситалари қуйидаги классларга мансуб:

а) уч классдан (I, II, III) биттасига ёки бир нечтасига;

в) икки классдан (A,B) биттасига.

Класс I – йўловчилар салонда бемалол юриши мақсадида конструкциясида туриб кетадиган йўловчилар учун жойлар кўзда тутилган автотранспорт воситалари.

Класс II – конструкцияси асосан ўтириб кетадиган йўловчилар учун мўлжалланган ва қаторлар орасида ва (ёки) иккита бирлашган ўриндиқ учун ажратилган жой чегарасидан чиқмасдан жойлашиб, туриб кетадиган йўловчиларни ҳам ташиш кўзда тутилган автотранспорт воситалари.

Класс III – конструкцияси фақат ўтириб кетадиган йўловчилар учун мўлжалланган автотранспорт воситалари.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №3. – 23-м. (ЙХҚнинг 3-илоvasи).

Класс А – туриб кетадиган йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари; бу классдаги транспорт воситалари ўриндиқлар билан жиҳозланган ва уларда туриб кетадиган йўловчиларни ташиш кўзда тутилган.

Класс В – туриб кетадиган йўловчиларни ташиш учун мўлжалланмаган автотранспорт воситалари.

Микроавтобуслар йўловчилар ташиш учун мўлжалланган, ҳайдовчидан ташқари 16 гача ўтирадиган йўловчи учун жой бўлган **В** классдаги автотранспорт воситаси.

N1 тоифаси – юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

N2 тоифаси – юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ортиқ, лекин 12 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

N3 тоифаси – юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 12 т дан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари.

О тоифаси – тиркамалар (ярим тиркамалар ҳам).

O1 тоифаси – энг катта вазни 0,75 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O2 тоифаси – энг катта вазни 0,75 т дан ортиқ, лекин 3,5 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O3 тоифаси – энг катта вазни 3,5 т дан ортиқ, лекин 10 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O4 тоифаси – энг катта вазни 10 т дан ортиқ бўлган тиркамалар.

Ҳайдовчи вужудга келган носозликларни бартараф этиш чораларини кўриши, агар уларни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойига эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиб бориши

Йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси транспорт воситасининг носозлигига ҳар хил вазиятларда дуч келиши мумкин. Масалан, транспорт воситасининг шинаси тешилиб қолиши, юриш қисмида рўй берган носозликлар, руль бошқармаси ёки тўхтатиш тизимидаги носозликлар, электр жиҳозларидаги ёки юргизгичдаги носозликлар шулар жумласидандир.

Албатта, транспорт воситасининг ҳайдовчиси барча турдаги носозликларни, иложи борича, жойида бартараф этиш чорасини кўриши керак, лекин ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқиш қийин. Баъзи бир носозликларни ҳайдовчи ўзининг билими савияси дара-

жасида ҳал қилади, баъзи ҳолларда эса бошқа транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ёрдам берадилар. Бунинг ҳам иложи бўлмаган тақдирда транспорт воситасини аста секинлик билан зарур эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойигача олиб бориш керак. Илгари айтиб ўтилганидек, қуйидаги ҳолларда транспорт воситаларида ҳаракатланиш умуман тақиқланади:

- ишчи тормоз тизими ёки бошқаруви ишдан чиқса;
- тиркаш мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлса;
- қоронғи вақтда ёки етарли кўринмаслик шароитида фаралар ва орқа габарит чироқлар ёнмаса;
- ёмғир, қор ёғаётган вақтда эса ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламай қолса.

Бундай ҳолатларда ҳайдовчи ўз транспорт воситасини бошқа транспорт воситасининг устига ортиб олиб кетиши зарур.

Ҳайдовчи йўлда бузилиб қолган транспорт воситасини, авваламбор, қатнов қисмидан ташқарига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса йўлнинг четига олиши ва бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларига ҳалақит бермаслиги учун уни тегишли огоҳлантириш ишоралари билан белгилаши керак.



«Фалокат сабабли тўхташ» огоҳлантириш белгилари давлат стандарти талаблари асосидаги мажбурий тўхтаганлигини билдирувчи белги ёки милтилловчи қизил чироқлардан иборатдир. Расмда кўриниб турганидек, автомагистралда бузилиб қолган транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўловчиларнинг кучидан фойдаланган ҳолда, улар билан биргаликда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига ҳалақит бермаслик ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида уни қатнов қисмининг четига олиб ўтмоқдалар (ҳайдовчи қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмайдиган шароитда нур қайтаргичли камзул (жилет)ни кийиб олиш лозим).



Ҳайдовчилар транспорт воситаларининг носоз ҳолатга келиб қолмасликлари учун қуйидаги кундалик техник қаровларни амалга оширишлари лозим:

- юргизгич мойи сатҳини кўздан кечириш;
- тормоз тизими суюқлиги сатҳини кўздан кечириш;
- илашиш муфтаси тизими суюқлиги сатҳини кўздан кечириш;
- совитиш тизими суюқлиги сатҳини ва бошқа аҳамиятга эга жойларни текшириш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган носозликлари бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишнинг хавфли оқибатлари

Йўлларда транспорт воситаларида вужудга келган носозликлар икки хил бўлади: ҳаракатланиш иштирокчиларига зарари етказмайдиган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган носозликлар.

Қатнов қисмида носозлиги туфайли тўхтаб қолган транспорт воситасини ҳайдовчи йўлнинг четига олиб, «Фалокат сабабли тўхташ» чироғини ёқиб нур қайтаргичли камзул (жилет)ни кийган ҳолда мажбурий тўхтаганлигини билдирувчи белги (ёки милтиловчи қизил чироқ)ни «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларига риоя қилган ҳолда қўйиб, сўнг таъмирлаш ишларини олиб борса, бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларига ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Аксинча, баъзи бир ҳайдовчилар «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг бундай талабларини инкор этиб, қўпол равишда бузадилар. Бунинг оқибатида нафақат транспорт воситалари ва ҳайдовчилари, балки бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўришлари эҳтимолидан ҳоли эмас. Бундан ташқари, транспорт воситасининг техник ҳолатига эътибор бермай уни бошқарувчи ҳайдовчилар ҳам учраб туради. Улар ҳам баъзан бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларига зарар етказадилар.


Транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлларда иложи борица эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда ҳаракатланиши керак, аммо айрим ҳайдовчилар бундай оддий нарсаларга эътибор бермайдилар. Масалан, ҳайдовчи ўз транспорт воситасини кундалик техник қаровдан ўтказмай, йўлга чиқиши натижасида автомобилнинг аккумулятор батареясида кетган электр токи катта кучланишдаги симларга бориб, уларнинг қаттиқ қотирилмаган ёки изоляция

қилинмаганлиги оқибатида симлардан чиққан учкундан аланга чиқиб, юргизгич қисмига тегишли ҳудудни ва ундан сўнг қисқа муддат ичида автомобилнинг аланга ичида қолиб кетиши юз бериши мумкин. Бунинг бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларига ҳам катта хавф туғдириши эҳтимолдан холи эмас.

Баъзи ҳолларда йўлда ҳаракатланиб кетаётган транспорт воситасида турли носозликлар бўлиб туради. Булардан бири транспорт воситасининг шинасининг ҳаракатланиш вақтида тешилиб қолишидир. Бундай ҳолларда транспорт воситасининг ҳайдовчиси ваҳимага тушмасдан, ўзини қўлга олиб, вазиятни оқилона баҳолаб, транспорт воситасининг руль чамбарагини автомобилнинг йўналиши тортиб кетаётган томонга қарши буриб, унинг мувозанатини сақлаб қолиши керак. Шундагина нафақат транспорт воситаси, балки унинг ичидаги йўловчиларнинг ҳам ҳаёти сақланиб қолади.



Бузилган транспорт воситаларини шатакка олиб кетаётган транспорт воситаларини кундалик ҳаётимизда жуда кўп учратиш мумкин, лекин уларга ҳар доим ҳам диққат билан эътибор берилавермайди. Масалан, расмдаги мотоциклни шатакка олиб кетаётган енгил автомобилни кўрайлик. Иккала транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳам «Йўл ҳаракати қоидалари»ни қўпол равишда бузиб ҳаракатланишмоқда. Бу ҳолатда икки ғилдиракли мотоцикл мувозанатини йўқотса, нафақат ўзи ва транспорт воситасига, балки ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчиларига ҳам зарар етказиши муқаррар.



Расмда эса иккита юк автомобили бир-бирини шатакка олиб кетяпти. Бир қараганда, ҳеч қандай ғайриқонуний ҳолат йўқдай, лекин шатакка олинган транспорт воситасининг кузовида одамлар кўзга ташланади. Бунда шатакка олинган транспорт воситаси носоз бўлишига қарамай яна одамларни ташимокда. Одамларни бу усулда ташиш ғайриқонуний бўлиб, йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиши мумкин.



Биз баъзан шошиб, баъзан вақтни қизганиб ва шу каби бошқа сабаблар туфайли вақтинча техник носоз бўлган транспорт воситасини тузатишга уринамиз, агар бунинг иложи бўлмаса, имкон борича тезроқ яқин орадаги техник хизмат кўрсатиш жойига олиб боришга ҳаракат қиламиз, лекин қайси усулда олиб бориш эса иккинчи масала бўлиб қолаверади.

Расмда шундай ҳолатлардан бири акс эттирилган, яъни «Йўл ҳаракати қоидалари»га зид равишда шатакка олиш усули кўрсатилган.

Бу ҳолатда енгил автомобилнинг ҳайдовчиси манёвр қилиш қобилиятига қисман эга бўлмай қолади, чунки йўлда вужудга келган қалтис вазиятда юк автомобилининг ҳайдовчиси кескин тормоз тепкисини босса, енгил автомобилнинг ҳайдовчиси ҳам шу ҳолатни такрорлайди. Бизга маълумки, сирпанчиқ йўлларда транспорт воситасининг шинаси ер билан тўлиқ илашмайди ва бунинг оқибатида тормоз тепкисини кескин босган енгил автомобилнинг ҳайдовчиси ноқулай ҳолатга тушиб қолади. Бу эса йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлиши мумкин.



«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 мартдаги 44-сонли қарорига асосан, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилди.

14-§. Рақам ва таниқлик белгилар, огоҳлантирувчи қурилмалар, ёзувлар ва белгиланишлар

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДЙХХХ идораларида транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тартиби

Йўл ҳаракатида иштирок этаётган транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозлари Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Механик транспорт воситалари ва тиркамалар «Транзит» рўйхатлаш белгисининг амал қилиш вақти ичида ёки харид қилинган, шунингдек божхонада расмийлаштирилган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙХХХда рўйхатдан ўтказилиши керак. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилиши керак.

Транспорт воситасини қайтадан рўйхатдан ўтказишнинг бошқа шартлари ҳам мавжуд. Бунга юргизгичнинг алмаштирилиши, транспорт воситаси эгасининг яшаш жойи ўзгариши каби ҳолатлар киради.

Транспорт воситасини рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Бу талабни бузувчи ҳайдовчилар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади. ДЙХХХБда спорт ташкилотларининг автомобиль ва мотоцикллари, ёпиқ ҳудудда қўлланиладиган технологик транспортларни ҳамда трактор, трактор тиркамалари, мопед, велосипед, ўзиюрар машиналар рўйхатга

олинмайди. Трактор, трактор тиркамалари, ўзинюрар машиналарни корхона ва ташкилотларда рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш ва давлат рақами белгиларини ўрнатиш тартибини корхона ва ташкилотларга тааллуқли вазирликлар белгилайди.

Механик транспорт воситалари (трамвай, троллейбуслардан ташқари) ва тиркамаларнинг кўзда тутилган жойларида тегишли намунадаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгилари ўрнатилган бўлиши шарт. Автомобиль ва автобусларда эса олд пешойнанинг ўнг томонидаги паст бурчагига давлат техник кўригидан ўтганлиги ҳақидаги талон ўрнатилиши керак.

Юк автомобиллари, тиркамалар (енгил автомобиллар ва мотоцикллар тиркамаларидан ташқари) ва автобуслар (микроавтобуслардан ташқари) кузовининг орқа деворига унинг давлат рақам белгиси ва ҳарфлари ёзилиши керак. Рақамнинг баландлиги 300 мм, кенлиги 120 мм, чизиқнинг йўғонлиги 30 мм, ҳарфлар баландлиги эса рақам ўлчамларининг $\frac{2}{3}$ қисмига тенг бўлиши керак.

Трамвай ва троллейбусларга тегишли ташкилот томонидан рўйхатга олинган рақамлар ёзилади.

Транспорт воситаси эгасининг ёзма аризаси, транспорт воситасининг қонуний равишда олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат, рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиси ва техник паспорт учун тўланган қоғоз ва транспорт воситаси учун йиғим тўлови, шахсий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар асосида ДЙХХХда рўйхатдан ўтказилади.

Трамвай ва троллейбусларга тегишли ташкилотлар томонидан қайд рақамлари берилади. Трамвай вағони ва троллейбусларнинг тартиб рақами техник фойдаланиш қоидаларига асосан берилади. Бу қоидалар шуни кўзда тутадик, рақам белгилари трамвай ёки троллейбус саройидаги ҳар бир ҳаракат таркибининг орқа ёки олд деворига ёзув тарзида қўйилади. Бир марталик обкатка ва қисқа текширув синовларини ўтаган транспорт воситаларига авто-таъмирлаш заводлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник жараёнларига асосан бир йил муддатга мўлжалланган белги ва техник талон берилади.

Завод, ташкилотлараро ва давлат синовларидан транспорт воситаларининг синов нусхаларига махсус автомобиллар учун бериладиган давлат рақам белгиси, техник паспорт ва «синов» штампни қўйилган техник талон берилади.

Дўкон ва автотаъмирлаш заводларидан қайд қилиш жойларига ўзи чиқиб кетаётган, шунингдек рўйхатдан чиқиб кетаётган автомобилларга 1 марталик «транзит» рақам белгилари берилади.

***Транспорт воситаларининг рақам ва таниқлик белгилари,
огоҳлантирувчи қурилмалар билан жиҳозланишига бўлган
талаблар ҳамда уларни ўрнатиш қоидаларига амал
қилмасликнинг хавфли оқибатлари***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнь 131-сонли «Автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори элон қилинди.¹

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида автомобилтранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналари босқичма-босқич жорий этиш:

2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида – ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, автомобилтранспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомобилтранспорт воситалари учун мажбурий тартибда;

2009 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2013 йил 1 январгача – янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомобилтранспорт воситалари учун мажбурий тартибда амалга оширилади.

Мазкур қарор автомобилтранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблари ва стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек уларни қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №25-26. – №264-м; 2008. – №37-38. – 381-м; 2010. – №49. – 453-м.

Автомобилтранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг 24 та типи қайд этилган бўлиб, улардан ўнтасига батафсил тўхталамиз:

1) юридик шахсларининг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақамлари ва ҳарфлари қора рангда бўлади. Чап томонида ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари акс этган.



2) жисмоний шахсларининг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақамлари ва ҳарфлари қора рангда бўлади. Чап томонида ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари акс этган.



3) олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақамлари ва ҳарфлари қора рангда бўлади. Чап томонида Ўзбекистон Республикаси байроғи акс этган.



4) «CMD» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг битта хизмат автотранспорт воситасига берилади. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақамлари ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



5) «D» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида қуйидагиларга берилади:

- дипломатик ва консуллик муассасалари бошлиқлари (фавкулотда ва мухтор элчи, вакил, бош консул) ва улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

- дипломатик ваколатхоналар дипломатик агентлари ва уларнинг оила аъзоларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига «D» давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



6) «UN» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида қуйидагиларга берилади:

- БМТ ваколатхоналари ва БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлари бошлиқларининг ва Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида уларнинг оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

- БМТ ваколатхоналари ва БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлари ходимларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига «UN» давлат рақами белгиларининг фони кўк рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



7) «T» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгалари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида қуйидагиларга берилади:

- дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари маъмурий-техник таркиби ходимларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида уларнинг оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

- Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари хизмат кўрсатувчи ходимлари ва уй хизматчиларининг хизмат автотранспорт воситаларига;

– БМТ ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган бошқа ваколатхоналар томонидан амалга оширилаётган йирик мурувват лойиҳалари ва техник кўмаклашиш дастурларининг автотранспорт воситаларига;

– ушбу лойиҳаларнинг Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган ходимлари шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари бошлиқлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида уларнинг оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

– Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари ходимларининг хизмат ва шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига ҳамда улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

– Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган фахрий консулликлар ходимларининг шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига «Т» давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



8) «Х» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида қуйидагиларга берилади:

– консулик муассасалари;
– фахрий консулликлар;
– халқаро ташкилотлар ваколатхоналари;
– ҳукуматлараро ва хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари;

– хорижий давлатлар ташкилотлари;
– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган савдо ваколатхоналари раҳбарларининг битта хизмат автотранспорт воситасига «Х» давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



9) «М» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида қуйидагиларга берилади:

– мухбирлик пунктлари (бюролар, офислар) автотранспорт воситаларига;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида доимий равишда аккредитация қилинган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий мухбирлар автотранспорт воситаларига;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ваколатхоналар ҳамда халқаро ва хорижий ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар филиаллари раҳбарлари ва ходимларининг хизмат эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

– аккредитация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи хорижий фирмалар, банкларнинг хизмат эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига «М» давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда бўлади.



10) «Н» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ўзбекистон Республикасида шахсий, хизмат ишлари бўйича, ўқиш ёки туризм мақсадида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган транспорт воситаларига берилади.

«Н» серияли давлат рақами белгиларининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда бўлади.



Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга «М», «Н» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини расмийлаштиришдан олдин хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлма-

ган шахсларнинг республикамизда қонуний бўлишларини, яъни миллий паспортлари амал қилиш муддати, Ўзбекистон Республикасида бўлиш визалари мавжудлиги, унинг амал қилиш муддати, Ички ишлар идораларининг ХЧК ва ФР хизматида вақтинча рўйхатдан ўтганлиги ёки Ўзбекистон Республикасидаги яшаш гувоҳномалари амал қилиш муддатлари, доимий рўйхатдан ўтганлигини текширилади.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида автомобилотransпорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимооти, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларида қўлланадиган рақамлар ва лотин алифбоси ҳарфларининг намуналари илова қилинган.

Юртимизда автомобилотransпорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимооти қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Ҳудудларнинг номлари	Код номерлари
Тошкент шаҳар	01 дан - 09 гача
Тошкент вилояти	10 дан - 19 гача
Сирдарё вилояти	20 дан - 24 гача
Жиззах вилояти	25 дан - 29 гача
Самарқанд вилояти	30 дан - 39 гача
Фарғона вилояти	40 дан - 49 гача
Наманган вилояти	50 дан - 59 гача
Андижон вилояти	60 дан - 69 гача
Қашқадарё вилояти	70 дан - 74 гача
Сурхондарё вилояти	75 дан - 79 гача
Бухоро вилояти	80 дан - 84 гача
Навоий вилояти	85 дан - 89 гача
Хоразм вилояти	90 дан - 94 гача
Қорақолпоғистон Республикаси	95 дан - 99 гача

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш чораларидан бири тегишли транспорт воситаларига рухсат этилган мос таниқлик белгиларининг ўрнатилишидир. Бундай белгиларга қуйидагилар киради:

«**Автопоезд**» – юк автомобиллари ва ғилдиракли трактор (1,4 тонна ва ундан юқори)ларда тиркама бўлганда ўрнатиладиган, шунингдек, туташтирилган



автобус ва троллейбус кабиналари томининг олд қисми ўртасига бир қатор қилиб 150 дан 300 миллиметргача оралиқда кўндаланг жойлашган учта зарғалдоқ рангли чироқ ёки ичидан ёритиладиган, томонларнинг ҳар бири 250 миллиметр бўлган сариқ рангли учбурчак шаклидаги белги.

«**Турумланган**» (тишли, шипли) – турумланган шинали механик транспорт воситасининг орқасига томонлари тенг, ичига қора рангда «Т» ҳарфи туширилган, қизил ҳошияли, оқ рангли учбурчак шаклидаги белги. Учбурчакнинг томонлари транспорт воситасининг турига қараб 200-300 миллиметргача, ҳошиянинг кенглиги учбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак.



«**Болалар гуруҳини ташиш**» – болалар гуруҳини ташкилий ташишда, транспорт воситасининг олд ва орқа томонларига қизил ҳошияли, ичига 1.21 йўл белгисидаги болалар тимсолининг тасвири туширилган, сариқ рангдаги, томонлари тенг бўлган тўртбурчак (квадрат) кўринишидаги белги. Тўртбурчакнинг томонлари 250 – 300 миллиметргача, ҳошиянинг кенглиги тўртбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак.



«**Кар ҳайдовчи**» – кар-соқов ёки кар ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонларига ўрнатиловчи, ичига диаметри 40 миллиметр бўлган учта қора доира туширилган, диаметри 160 миллиметрни ташкил этадиган сариқ рангли доира шаклидаги белги.



«**Бошқаришни ўргатиш транспорт воситаси**» – бошқаришни ўргатишда фойдаланадиган транспорт воситаларининг олд ва орқа томонига ўрнатиловчи, ичига қора рангда «О» ҳарфи туширилган, транспорт воситасининг турига қараб томонлари 200 миллиметрдан 300 миллиметргача бўлган, қизил ҳошияли, оқ рангли учбурчак шаклидаги белги.



«**Тезлик чекланган**» – ўта оғир, хавfli ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, шунингдек транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезлиги ушбу Қоидаларнинг 78, 79 ва 80-бандларида белгиланган тезликдан кам бўлган ҳолларда транспорт воситаси кузови орқа деворининг чап томонига 3.24 – «Юқори тезлик чекланган» йўл белгисининг кичрайтирилган, рангли тасвири



туширилган шаклидаги белги. Белгининг диаметри 160 миллиметрдан кам бўлмаслиги, хошиясининг кенглиги белги диаметрининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак.

«Хавфли юк» – хавфли юк ташиётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатиловчи, ўлчами 690х300 миллиметр, зарғалдоқ рангли, ўнг қисми 400х300 мм бўлган, чап қисми эса юкнинг хавфли хусусиятини билдириб турган белгилар туширилган қора хошияли (кенглиги 15 миллиметр) оқ рангли тўртбурчак шаклидаги белги.



«Катта ўлчамли юк» – ичига кенглиги 50 миллиметрли, диагонал бўйича галма-гал жойлашган қизил ва оқ рангли чизиқлар туширилган, нур қайтарадиган юзали, ўлчами 400х400 миллиметрли тўртбурчак шаклидаги белги.



«Узун ўлчамли транспорт воситаси» – юкли ёки юксиз узунлиги 20 метрдан ошадиган транспорт воситасининг, икки ёки ундан кўпроқ тиркамали автопоездларнинг орқасига ўрнатиладиган, кенглиги 40 миллиметрли қизил хошияли, ўлчами 1200х200 миллиметр бўлган, таркибнинг тасвири туширилган сариқ рангли тўртбурчак шаклидаги белги. Кўрсатилган ўлчамли белгини жойлаштиришнинг имкони бўлмаса, бир хил иккита 600х200 миллиметрли белгини транспорт воситасининг ўқиға симметрик равишда ўрнатишга йўл қўйилади.



«Фалокат сабабли тўхташ» – милтилловчи қизил чироқ ва давлат стандарти талаблари асосидаги учбурчак шаклидаги белги.



Қуйидаги ҳолларда фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтилловчи қизил чироқ) дарҳол ўрнатилиши керак: йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ёки тақиқланган йўлларда ва кўриниш шароитини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси бошқа ҳайдовчилар томонидан ўз вақтида пайқаб бўлмайдиган жойларда мажбурий тўхтаб қолганда. Мазкур белги (чироқ) муайян вазиятда хавф ҳақида ҳайдовчиларни ўз вақтида огоҳлантиришни таъминлайдиган масофада ўрнатилиши керак, лекин бу масофа аҳоли пунктларида транспорт воситасидан 15 метрдан, улардан ташқарида эса 30 метрдан кам бўлмаслиги керак. Шатакка олинган транспорт воситасида фалокат ёруғлик ишоралари бузуқ бўлганда

ёки бўлмаган ҳолларда унинг орқа томонига «Фалокат сабабли тўхташ» белгиси ўрнатилиши керак.

«Шифокор» – шифокор-ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатиладиган, томонлари 140 миллиметрдан бўлган кўк рангли тўртбурчак ичида диаметри 90 миллиметрли оқ доирага қалинлиги 25 миллиметрли қизил хоч тасвири туширилган белги.



«Ногирон» – биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатиладиган, барча томонлари 150 миллиметрдан бўлган ва қора рангдаги 7.17 «Ногиронлар» йўл белгисининг тасвири туширилган сариқ рангли тўртбурчак шаклидаги белги.



Механик транспорт воситаларини шатакка олишда эгилувчан улагични кўрсатадиган огоҳлантирувчи қурилма ўлчами 200х200 миллиметр бўлган, диагонали бўйича кетма-кет жойлашган 50 миллиметр қалинликдаги қизил ва оқ рангли чизиқлар туширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали байроқчалар ёки тахтачалар кўринишида тайёрланиши керак. Эгилувчан улагичнинг ҳар бир метрига биттадан огоҳлантирувчи қурилма ўрнатилади. Қаттиқ улагичли қурилманинг тузилиши давлат стандарти талабларига мос бўлиши керак.



Қуйидаги ҳолларда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади:

- агар автомобиллар, автобуслар, автопоездлар, тиркамалар, мотоцикллар, мопедлар, тракторлар ва бошқа ўзинюар машиналарнинг техник ҳолати ва жиҳозланишида транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар ёки тегишли техник фойдаланиш қоидаларида кўзда тутилган носозликлардан бирортаси мавжуд бўлса (транспорт воситаси тузилишининг бўлак қисмлари, юргизгич (мотор), шиналар, ойна тозалагич ва ойна ювгичлар, ташқи ёритгичлар, бошқарув қурилмаси, тормоз тизими ўзгартирилган ёки носоз бўлса);

- транспорт воситалари давлат техник кўригидан ўтмаган, шунингдек, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган бўлса;

- транспорт воситалари йўл ҳаракати хавфсизлиги органларининг рухсатсиз милтилловчи чироқ-маёқча ва махсус товушли

ишора билан жиҳозланган, кузовнинг ён томонига ДЙҲХХ билан келишмасдан қия оқ чизик тортилган, кўзда тутилмаган жойларга тегишли рақам белгилари ўрнатилган, агрегат ва қисмларнинг рақамлари ёки рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса.

Механик транспорт воситалари ва тиркамалари, техник ҳолатидан қатъи назар, харид қилинган ва божхонада расмийлаштирилган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙҲХХдан рўйхатдан ўтказилиши ҳамда уларга тегишлилигига қараб таниқлик белгилари ўрнатилиши керак. Акс ҳолда, транспорт воситаларида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, ўғирликлар ва бошқаларни таҳлил қилишда муаммолар келтириши мумкин.

Баъзи транспорт воситалари ҳайдовчиларининг эътиборсизлиги туфайли таниқлик белгиларини ҳамда огоҳлантирувчи қурилмаларни ўрнатиш қоидаларига амал қилмаслиги ёки умуман ўрнатмаслиги бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини чалғитиши, нотўғри манёвр қилиши ва йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишига олиб келади.

***Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг йўл ҳаракати
хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини
йўлга чиқариш бўйича вазифалари***

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахсларга қуйидаги тақиқлар белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

➤ техник носоз, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки даврий давлат техник кўригидан ўтказилмаганлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган транспорт воситаларини йўлга чиқариш;

➤ мастлик (гиёҳвандлик моддалар, алкоголь ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтмаган, транспорт воситалари эгаларининг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бўлмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйиш;

➤ асфальт ёки цемент-бетон қопламали йўлларга занжирли трактор ва бошқа ўзиюрар механизмларни чиқариш.

Йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолатига жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар:

➤ йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларини йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги техник тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатда сақлашга;

➤ йўл ҳаракатига ҳалақит берадиган ҳар қандай тўсқинлик вужудга келса, уларни ўз вақтида бартараф этиш, йўлнинг айрим қисмларида улардан фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолларда ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш чораларини қўришга мажбур.

Йўлларда таъмирлаш ишларини бажаришга жавобгар мансабдор ва бошқа шахслар иш олиб борилаётган жойда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мажбурдирлар. Бундай жойлар, шунингдек, йўлдан ташқарига олиб чиқиш имконияти бўлмаган иш бажармаётган йўл машиналари, қурилиш материаллари, қурилма ва шунга ўхшашлар тегишли йўл белгилари, йўналтирувчи ва тўсувчи мосламалар билан, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмаслик шароитида эса қўшимча қизил ёки сариқ чироқлар билан жиҳозланиши керак.

Таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган бўлиши керак.

Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан ДЙХХХ органлари билан белгиланган тартибда қуйидагилар келишилади:

➤ шаҳарларда ва автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этишни лойиҳалаш, йўлларни ҳаракатни ташкил этувчи техник воситалар билан жиҳозлаш;

➤ йўлларни, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, автомобилга ёнилғи қўйиш шохобчаларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари;

- автотранспорт воситаларининг конструкцияси ва (ёки) унинг қисми йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мос келиши ва автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш;
- йўналишли транспорт воситалари йўналишлари ва бекатларининг жойлашиши;
- йўлларда оммавий спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- транспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, уларга махсус ёруғлик ва товуш ишораларини ўрнатиш, транспорт воситалари кузовининг ён томонига қия оқ чизиклар тортиш;
- ушбу ЙХҚнинг 164-бандида келтирилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши;
- бошқаришни ўргатиш рухсат этилган йўллар рўйхати ва чизмаси, ҳаракат хавфсизлиги бўйича мутахассисларни, автотранспорт воситасини ёки шахар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори ва ҳайдовчиларни тайёрлаш дастурлари;
- йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатига хавф туғдирувчи ҳар қандай ишларни олиб бориш.


15-§. Велосипед ва араваларнинг ҳаракатланишига, ҳайвонларни ҳайдаб ўтишга доир қўшимчалар

Йўлларда велосипед, мопед, аравани бошқариш, ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш ёки уларни миниб юриш учун рухсат этилганлар шахслар

Охирги пайтда велосипед, араваларни бошқариб бораётган ҳайдовчилар ҳамда пиёдалар иштирокида кўпгина йўл-транспорт ҳодисалари содир этилмоқда. Буларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси томонидан бир қанча чоратадбирлар кўрилмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўлда велосипед, аравани бошқариш, ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш ёки уларни миниб ўтиш 14 ёшга тўлган, мопедни бошқариш эса 16 ёшга тўлган шахсларга рухсат этилади (а-расм).



а)



б)

Велосипедлар, мопедлар, араваларни бошқариш, ҳайвонларни миниб бориш ёки ҳайдаб кетиш пайтида йўлнинг четки ўнг бўлагиди, имкон борича ўнг томондан, бир қатор бўлиб ҳаракатланишга йўл қўйилади. Агар пиёдаларга халақит бермаса, йўл ёқасидан ёки улар учун ажратилган махсус велосипед йўлкаларидан ҳам ҳаракатланишга рухсат этилади (а ва б-расмлар).

Велосипед ҳайдовчилари ҳаракатланиш вақтида йўналишни ўзгартирганларида ҳамиша огоҳлантириш ишораларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларини чалғитмасдан ҳаракатланишлари зарур.



Расмда А — чапга бурилиш ёки ортга қайрилиш, В — ўнгга бурилиш, С — тўхташ ҳақида огоҳлантириш ишоралари кўрсатилган.

Йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишда велосипедчилар, аравалар жамланмаса, миниб олинган ҳайвонлар гуруҳлари ва ҳайдаб кетилаётган ҳайвонлар подаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳлар (5-10тадан)га бўлиниши керак.

Велосипед товушли ишора мосламаси билан жиҳозланган ва тормоз тизими соз бўлиши зарур. Қоронғи вақтда ва етарлича кўринмаслик шароитида ҳаракатланиш учун велосипеднинг олд

томонига оқ рангли нур қайтаргич ва чироқ, орқа томонига қизил рангли нур қайтаргич ва чироқ, ён томонларига эса, зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши керак. Бу тадбирлар велосипедларнинг қоронғи пайтда ҳаракатланаётган вақтда бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларига яққол кўринишини таъминлайди ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олади.

Велосипед ва араваларнинг ҳаракатланиши ҳамда ҳайвонларни ҳайдаб ўтишга қўйиладиган талаблар

Содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида қатнов қисмидан ҳаракатланаётган велосипед ва мопед ҳайдовчиларига қуйидагилар тақиқланади:



➤ рулни қўйиб юбориб ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бунга кирмайди);

➤ йўловчи ташиш (ишончли оёқ қўйгич билан жиҳозланган қўшимча ўриндикда 7 ёшгача бўлган йўловчини ташиш мумкин);

➤ велосипед ёки мопеднинг габаритларидан бўйига ва энига 0,5 метрдан ортиқ чиқиб турган ёки бошқаришга ҳалақит берадиган юкларни ташиш;




➤ велосипед йўлкаси бўлган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш;

➤ трамвайлар ҳаракатланадиган йўлларда ва тегишли йўналишда бўлагин биттадан кўп бўлган йўлларда чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш;

➤ велосипедларни ва мопедларни шатакка олиш, шунингдек, улардан шатакка олишда фойдаланиш (велосипед ва мопедларга мўлжалланган тиркамалар бундан мустасно);

➤ қадаб олинмаган мотошлемсиз йўлларда ҳаракатланиш (мопед ҳайдовчиларига).

Расмда кўрсатилганидек, аҳоли яшайдиган (в) ва яшамайдиган (а) йўлларда велосипед ҳайдовчилари велосипед йўлкасидан, агар велосипед йўлкаси бўлмаса қатнов қисмининг четидан 1 метр масофа чиқмасдан ҳаракатланиши зарур.



Велосипед ҳайдовчиларининг, расмда кўрсатилганидек, «Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси ўрнатилган йўлларда ҳаракатланиши тақиқланади.

Чорраҳадан ташқаридаги ҳаракат тартибга солинмайдиган жойларда велосипед йўлкасида бораётган велосипед ва мопед ҳайдовчилари бу йўлка билан кесишган йўللarda ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл беришлари керак.



От-араваларда орқага тисарилиб кетишга йўл қўймайдиган тиргаклар ва уни тўхтатиб турадиган мослама бўлиши керак.

Қоронғи вақтда ва етарли кўринмаслик шароитида йўлда ҳаракатланаётган от-араванинг олд томонига оқ рангли чироқча ёки иккита нур қайтаргич, орқа томонига эса қизил рангли чироқча ёки иккита нур қайтаргич ўрнатилиши керак. Агар бундай нур қайтаргичлар ўрнатилмаса, қатнов қисмида ҳаракатланаётган бошқа транспорт воситаларига улар бир қанча қийинчиликлар туғдириб, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин.

Ёндош ҳудуддан ёки иккинчи даражали йўлдан кўриниш чекланган жойларда йўлга чиқаётган арава ҳайдовчиси ҳайвонларнинг жиловини қўйиб юбормаслиги керак, чунки ҳайвонлар йўлдаги транспорт воситаларининг ҳаракатидан, товуш мосламасидан берилган сигналдан ёки бошқа хатти-ҳаракатларидан чўчиб, ўзларини бошқа йўналишга олиб қочишлари мумкин.

Ҳайвонлар йўлларда асосан куннинг ёруғ вақтида ҳайдаб борилади. Қоронғи вақтда эса бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари уларни пайқашлари қийин бўлади. Подачилар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҳайвонларни мумкин қадар йўлнинг ўнг четидан олиб юришлари керак.

Темир йўл кесишмалари орқали ўтишда подачилар сонини ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар подаси хавф-хатарсиз ҳайдаб ўтилиши таъминланадиган тўдаларга бўлиниши лозим.

Аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ёки ҳайдаб кетаётган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

- йўлларда ҳайвонларни назоратсиз қолдириш;
- подани темир йўлдан ва йўлда махсус ажратилмаган жойлардан, шунингдек, рухсат этилган жойларда эса қоронғи вақтда ва етарли кўринмаслик шароитида ҳайдаб ўтиш;
- ҳайвонларни мукаммал қопламали йўллар (асфальт, бетон)-дан ҳайдаб бориш;
- кўкаламзорлаштирилган жойларда (йўл, йўл ёқаси, ажратувчи бўлак ва ҳоказо) ҳайвонларни боқиш ва боғлаб қўйиш, чунки бу ҳолларда ҳайвонлар транспорт воситаларининг ҳаракатидан, товуш мосламасидан чиққан овоздан чўчиб, қатнов қисмига чиқиб кетиши оқибатида транспорт воситаларининг ҳаракатланишига бирмунча қийинчиликлар туғдириши ёки йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин.

16-§. Автотранспорт корхоналари ва бошқа ташкилотлар масъул жавобгар шахсларининг йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлигига жавобгарлиги

Автотранспорт корхоналари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг йўлларда ҳаракатланишни таъминлаш бўйича вазифалари

Йўл қурилишлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари йўлнинг таъмирлаш ишлари бажарилаётган қисмини тегишли йўл белгилари, тўсувчи ва йўналтирувчи мосламалар, қоронғи ва етарли кўринмаслик шароитида эса «Йўл ҳаракати қоидалари»да кўзда тутилган чироқлар билан таъминлаш чораларини кўришлари шарт.

Расмда юк автомобили ҳайдовчисининг иш бажариш жойига тўсиқ қўйиб, тегишли йўл белгиларини ўрнатиб, бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларига ҳалол бермаган ҳолда ўз хизмат вазифасини бажараётгани тасвирланган.



Йўлда қолдирилган йўл қурилиш техник воситалари (қурилиш асбоблари), қурилиш ашёлари ва ҳоказолар тегишли белгилар, йўналтирувчи ва тўсувчи мосламалар билан, қоронғи ва етарли кўринмаслик шароитида эса қизил ёки сариқ рангли огоҳлантирувчи чироқлар билан белгиланиши лозим.

Барча таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг уни бажаришга жавобгар шахслар ўрнатилган тўсиқларни дарҳол олиб ташлашлари, йўлни транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг хавфсиз, бемалол ҳаракатланишларини таъминлайдиган ҳолатларга келтиришлари керак.

Ҳаракатланишга хавф солган шахс уни дарҳол бартараф этиши, бунинг иложи бўлмаганда эса ҳаракатланиш иштирокчиларини огоҳлантириш чораларини кўриши керак. Бунда шахсларнинг атайлаб ёки эҳтиётсиз ҳаракати туфайли вужудга келтирилган тўсиқлар кўзда тутилади (йўл- транспорт ҳодисалари ва ҳоказолар).

Тегишли мансабдор шахслар бирор иш бажарилаётганда йўлнинг қатнов қисми ифлосланган ҳолларда дарҳол йўлни тозалаш ва ҳаракат иштирокчиларини хавф-хатардан огоҳлантириш чораларини кўришлари лозим, акс ҳолда бу йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келади.

Тегишли мансабдор шахслар мукаммал қопламани шикастлантирадиган занжирли транспорт воситалари ва машиналарнинг йўлда ҳаракатланишини тақиқлашлари лозим. Барча занжирли транспорт воситалари ва машиналар манзилга транспорт ҳолатида (бошқа транспорт воситасининг устига қўйилган ҳолда) олиб борилиши керак.

Тегишли бўлмаган шахсларнинг йўл белгилари, светофор ва ҳаракатланишни ташкил этувчи бошқа техник воситаларни ўзбошимчалик билан олиб ташлаши, тўсиб қўйиши, шикастлантириши, ҳолатини ўзгартириши ва ўрнатиши мутлақо тақиқланади.

Баъзида маҳаллаларда ёки турар-жой даҳаларида истиқомат қиладиган инсонлар йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишига ҳалол берадиган ҳар хил турдаги тўсиқларни, асфальт, бетон ёки бошқа ашёлар ёрдамида нотекисликлар (дўнглик ва ҳоказолар)ни ўзбошимчалик билан ўрнатишади ва ясашади, бу эса қатъиян ман этилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишда ҳамда йўл ва бошқа иншоотлардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг вазифалари

Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишда жавобгар бўлган мансабдор шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

➤ техник носозлиги туфайли фойдаланиш тақиқланади, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат техник кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариши;

➤ мастлик (гиёҳвандлик моддалар, алкоголь ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтмаган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бўлмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйиш;

➤ асфальт ёки цемент-бетон қопламали йўлларга занжирли трактор ва бошқа ўзиюрар механизмларни чиқариши.

а-расмда тасвирланганидек, гиёҳванд ва сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши албатта уларни йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келади. Улар нафақат ўзларининг, балки йўловчи ва бошқа ҳаракатланиш иштирокчиларининг ҳаётига ҳам хавф соладилар.



а)



б)

Йўл ва бошқа иншоотлардан фойдаланишга жавобгар бўлган шахсларнинг вазифалари:

Йўллар, темир йўл кесишмалари, кўприклар, осма йўллар ва бошқа иншоотлардан фойдаланишга, уларнинг жиҳозланишига жавобгар бўлган мансабдор шахслар йўллар, темир йўл кесишмалари, кўприклар, осма йўллар ва бошқа иншоотларни хавфсизлик талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлашлари, йўл ҳаракатига ҳалақит берадиган ҳар қандай тўсқинлик вужудга келса, уларни ўз вақтида бартараф этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолларда ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш чораларини кўришлари шарт (б-расм).

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси ходимлари билан келишни лозим бўлган масалалар

Тегишли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан ДЙХХХ идоралари билан белгиланган тартибда қуйидагилар келишилади:

➤ шаҳарларда ва автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этишни лойиҳалаш, йўлларни ҳаракатни ташкил этувчи техник воситалар билан жиҳозлаш;

➤ йўллар, йўл иншоотларини қуриш, қайта реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини лойиҳалаш;

➤ йўлларга бевосита кўринишни чекловчи ёки пиёдалар ҳаракатини қийинлаштирувчи киоскалар, транспарантлар, плакатлар, реклама тахталари ва шунга ўхшашларни ўрнатиш;

➤ йўналишли транспорт воситалари йўналишлари ва бекатларининг жойлашиши;

➤ йўлларда оммавий, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

➤ транспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, уларга махсус ёруғлик ва товуш мосламаларини ўрнатиш, транспорт воситалари кузовининг ён томонига қия оқ чизиклар тортиш;

➤ ЙХҚнинг талабларига биноан, баъзи транспорт воситалари (Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни ташишда габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун 2,6) метрдан ва баландлиги йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги битта тиркама билан 20 метрдан ортиқ бўлган ёхуд юки транспорт воситасининг орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситалари, икки ёки ундан ортиқ тиркамали автопоездлар)нинг ҳаракатланиши;

➤ бошқаришни ўргатиш рухсат этилган йўллар рўйхати ва чизмаси;

➤ йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатига хавф туғдирувчи ҳар қандай ишларни олиб бориш.